

# O'ZBEKISTON ISSN 2181-502X

## QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№4. 2020







# Chorvador.uz

## ЭНГ ЯХШИ ЧОРВАДОРЛАРГА




Резина ётоқлар



УТТ аппарати



Сут совутиш ва сақлаш танклари



Чорвачилик комплексларини лойиҳалаштириш



Сигир елинини дезинфекция қилиш  
ва ускуналарни ювиш воситалари



Чорвачилик ускуналари ва эҳтиёт қисмлари

Озуқа тайёрлаш ва тарқатиш техникалари



Сигир соғиш ускунаси ва заллари



Тошкент ш., Аҳмад Дониш 22.  
тел. (71) 226 65 96; +998 91 192 07 55;  
+998 97 444 00 16; +998 94 647 10 03.  
E-mail: [chorvador@chorvador.uz](mailto:chorvador@chorvador.uz)  
[www.chorvador.uz](http://www.chorvador.uz)



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ПАХТАЧИЛИК СОҲАСИДА БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5853-сон Фармони ижросини таъминлаш, жумладан, қишлоқ хўжалигида эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш, пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмасини бекор қилиш, ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар манфаатдорлигини ошириш, инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳисобига қўшимча иш ўринларини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзпахтасаноат” АЖ, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2020 йил ҳосилидан бошлаб **пахта хомашёсини етиштиришда давлат буюртмасини бекор қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.**

Пахтачиликда бозор тамойиллари жорий этилиши муносабати билан пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари ва қайта ишловчи корхоналарнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2020 йил ҳосилидан бошлаб:

**пахта хомашёсининг харид нархини белгилаш** амалиётидан воз кечилади; пахта хомашёсини етиштирувчилар (фермер хўжаликлари, пахта-тўқимачилик кластерлари, кооперациялар)га районлаштирилган **ғўза навларини эркин жойлаштириш** ҳуқуқи берилади;

пахта хомашёси етиштирувчиларни сифатли уруғлик билан таъминлаш мақсадида **сертификатланган уруғлик етказиб бериш тизими** (шу жумладан, уруғлик пахта учун амалдаги устама тўлаш тартиби) сақлаб қолинади ҳамда босқичма-босқич Қишлоқ хўжалиги вазир-

лиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги уруғчилик кластерлари ҳамда пахта-тўқимачилик кластерлари зиммасига юклатилади;

б) пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилмаган ҳудудларда пахта тозалаш корхоналари негизида фермер хўжаликларининг ихтиёрий **кооперациялари** ташкил этилади.

Қуйидагилар **кооперациянинг асосий вазифалари** этиб белгилансин:

кооперация аъзолари билан шартномалар тузиш орқали пахта хомашёси етиштириш юзасидан келишилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

кооперация аъзолари томонидан пахта хомашёси етиштириш учун зарур бўлган мулк комплекслари, техника, ускуна, транспорт воситаларидан, пахта тозалаш заводларидан биргаликда фойдаланишни ташкил этиш;

кооперация ва уларнинг аъзолари ўртасида имзоланадиган шартнома асосида кооперация аъзоларини қишлоқ хўжалиги техникаси, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит, уруғлик, шунингдек, кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари билан таъминлаш;

пахта хомашёсини тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва тегирмон усулида қайта ишлашни шартномаларга асосан амалга ошириш ва воситачилик шартномалари асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишни ташкиллаштириш;

кооперация аъзоларига агротехника, бухгалтерлик, консалтинг, воситачилик ва бошқа хизматларни кўрсатиш;

кооперация билан ҳамкорлик қилиш учун экспорт қилувчиларни жалб этиш, ички ва ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотлари ўтказиш;

кооперация аъзолари томонидан ишлаб чиқариладиган пахта толаси ва иккиламчи маҳсулотларни биржада ёки биржада шаклланган нархларда тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиш.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига мувофиқ ташкил этилган пахта-тўқимачилик кластерларига белгиланган имтиёзлар пахта хомашёсини

етиштирувчи ва қайта ишловчи кооперациялар учун ҳам татбиқ этилади;

в) республикада ишлаб чиқарилган пахта толаси учун биржада бошланғич нарх шаклланишида амалда қўлланилаётган **10 фоиз** миқдоридаги чегирма бекор қилинади;

г) қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни ўз вақтида маҳаллий шароитга мос сифатли уруғлик билан таъминлаш, тегишли тартибда ишлов берилмаган уруғлик орқали касалликлар тарқалишининг олдини олиш, пахта хомашёси ҳосилдорлигини изчил ошириб бориш мақсадида 2020 йил ҳосили учун уруғлик чигит “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидаги уруғчилик цехлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан етказиб берилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси билан биргаликда жаҳон бозори нархлари таҳлилидан келиб чиқиб, ҳар йили 1 декабрга қадар келгуси йил ҳосили учун кутилаётган минимал нархлар эълон қилинишини ҳамда бозорлардаги нархлар ўзгаришидан келиб чиқиб, ҳар чоракда ушбу нархга тузатишлар киритилишини таъминласин.

4. 2020 йил 15 мартдан бошлаб:

а) фермер хўжаликлари, пахта-тўқимачилик кластерлари, кооперациялар ва уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликлари томонидан пахта хомашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан 12 ой муддатгача етиштириладиган пахта хомашёси умумий қийматининг **50 фоизигача** бўлган миқдорда молиялаштирилганда йиллик **8 фоиз**, **60 фоизигача** бўлган миқдорда молиялаштирилганда йиллик **10 фоиз** ставкадан (шундан банк маржаси **2 фоиз**) ошмаган миқдорда кредитлар ажратилади.

Бунда:

фермер хўжаликлари, пахта-тўқимачилик кластерлари, кооперациялар ва уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги уруғчилик хўжаликлари агротехник тадбирлардан келиб чиқиб, кредит маблағларидан эркин фойдаланади ҳамда моддий ресурслар етказиб берувчиларни ихтиёрий танлайди;

пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан фермер хўжалиklarининг пахта хомашёси етиштириш билан боғлиқ харажатларини бўнаклаш пул маблағлари шаклида амалга оширилади;

пахта хомашёси етиштириш харажатларини молиялаштиришга ажратилган кредит маблағларининг муддатида қайтарилмаган қисми тижорат кредити сифатида қайта расмийлаштирилади;

б) фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари етиштирган пахта хомашёсини харид қилиш ва пахта йиғим-терими харажатларини молиялаштириш учун пахта-тўқимачилик кластерлари ва кооперацияларга тижорат банклари томонидан 12 ой муддатгача тижорат кредитлари ажратилади.

Бунда:

миллий валютада ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, лекин **10 фоиз** пунктдан кўп бўлмаган қисмини;

хорижий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг **30 фоизигача**, лекин **3 фоиз** пунктдан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация берилади;

пахта хомашёсини харид қилиш ва пахта йиғим-терими харажатларини молиялаштириш учун ажратилган кредит маблағларининг муддатида қайтарилмаган қисмига Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Марказий банкнинг асосий ставкаси ўзгарган ҳолларда Жамғармадан ажратилаётган кредитлар фоиз ставкаларига, банк маржасига ҳамда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан бериладиган компенсация миқдорига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилади;

в) пахта хомашёсини ўзи етиштирадиган ва қайта ишлайдиган пахта-

тўқимачилик кластерларига пахта хомашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш учун Жамғарма маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар 12 ойдан сўнг ҳар ойда тенг миқдорларда қайтариш шarti билан 12 ой муддатгача бўлган тижорат кредитларига қайта расмийлаштирилади;

г) 2021 йил ҳосилидан бошлаб пахта хомашёси етиштириш учун кредит олиш фермер хўжаликлари томонидан мустақил равишда аниқланади (ер майдони тўлиқ пахта-тўқимачилик кластерига берилган ҳудудлар бундан мустасно).

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

пахта хомашёси ва донни харид қилиш учун жалб этиладиган тижорат кредитлари фоизининг бир қисмини қоплаб бериш учун республика бюджетидан Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига, эҳтиёжга қараб, **700 миллиард сўмгача маблағ** ажратсин;

пахта хомашёси ва ғаллани сотиб олишни кредит ресурслари билан таъминлашда тижорат банкларида маблағларга эҳтиёж туғилганда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари, бюджетни қўллаб-қувватлаш учун жалб қилинадиган халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари, суверен ва корпоратив халқаро облигацияларни чиқариш ва қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тижорат банкларини зарур маблағлар билан таъминласин;

икки ой муддатда пахта хомашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш механизмларини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

пахтачилик соҳасида кластер тизмини самарали ташкил этиш мақсадида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомни;

пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилмаган республика ҳудудларида фермер хўжалиklarининг ихтиёрий равишда бирлашиши асосида пахта тозалаш корхоналари негизида пахта хомашёсини етиштирувчи ва қайта ишловчи кооперациялар ташкил этишни назарда тутувчи қарорни қабул қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва саноат вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қишлоқ

хўжалиги вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

“Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда «Ўзпахтасаноат» АЖни тугатиш бўйича «йўл харитаси»ни тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзгидромет” маркази билан биргаликда қишлоқ хўжалиги соҳасига замонавий сервис хизматларини ташкил этиш мақсадида дарёлар ва республика ҳудудларида кутилаётган ва мавжуд сув ресурси, метеорологик, гидрологик ва агрометеорологик маълумотларни “online” режимида олиш имконини берувчи махсус электрон саҳифа ташкил этсин ҳамда доимий фаолиятини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига пахта толасини импорт қилиш бўйича чекловлар ўрнатилмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

10. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги “2020 йилда ғўзани навлар бўйича жойлаштириш ва пахта хомашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги 985-сон қарорининг 1-банди тўртинчи хатбошиси, шунингдек, қарорга 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу қарор мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,  
2020 йил 6 март*

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ҒАЛЛА ЕТИШТИРИШ, ХАРИД ҚИЛИШ ВА СОТИШГА БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони ижросини таъминлаш, хусусан давлат буюртмаси асосида бошоқли дон етиштириш амалиётини бекор қилиш, харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш ва манфаатдорликни таъминлашга қаратилган қулай агробизнес муҳитини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўздонмахсулот” АК ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг фермер хўжаликлари ва ғаллачилик кластерлари билан “Ўздонмахсулот” АК тизимидаги корхоналар ўртасида 2020 йил ҳосилидан давлат харидлари доирасида тузилган контрактация шартномалари миқдорини ҳар бир ғалла етиштирувчи учун **25 фоизга** камайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) томонидан давлат харидлари доирасида **2265 минг тонна** буғдой (уруғлик дон учун амалдаги устама тўлаш тартибини сақлаб қолган ҳолда) ички бозорда дон нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун харид қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси жорий йил 10 майга қадар жаҳон бозори ва минтақавий биржа нархлари ҳамда республикада қутилаётган ҳосилни инобатга олиб, дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун 2020 йилда харид қилинадиган ғалла нархларини белгиласин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) **2020 йил ҳосилидан бошлаб:**  
**давлат буюртмаси асосида бошоқли дон етиштириш** амалиёти босқичма-босқич **бекор қилинади;**

ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун давлат томонидан харид қилинадиган буғдой

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхоналарнинг донни сақлаш талабларига мос келадиган омборлар (сигимлар)ида шартнома асосида сақланади;

б) **2021 йил ҳосилидан бошлаб:**

давлат томонидан ғаллага **харид нархини белгилаш** амалиётидан тўлиқ воз кечилади;

**давлат хариди тўлиқ бекор қилинади** ҳамда фермерлар ва бошқа корхоналар томонидан етиштирилган ғалла барча истеъмолчиларга, шу жумладан, донни қайта ишловчи корхоналар, ғаллачилик кластерлари ва трейдерларга биржа савдолари орқали ёки тўғридан-тўғри шартномалар (фьючерс, форвард ва бошқалар) асосида эркин нархларда сотилади;

ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун зарур миқдордаги дон Жамғарма томонидан фьючерс, форвард шартномалари асосида ёки биржа савдолари орқали эркин нархларда харид қилинади;

дон етиштирувчи хўжаликларни сифатли уруғлик билан таъминлаш мақсадида сертификатланган уруғлик етказиб бериш тизими сақлаб қолинади ҳамда 2021-2023 йилларда уруғлик етказиб бериш босқичма-босқич Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги уруғчилик кластерлари ва элита уруғчилик хўжаликлари, ғаллачилик кластерлари зиммасига юклатилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда жаҳон бозори, минтақавий биржалар нархларини таҳлил қилган ҳолда, ҳар йили 1 августга қадар келгуси йил ғалла ҳосили учун қутилаётган минимал нархларни эълон қилсин ҳамда бозорлардаги нархлардан келиб чиқиб, ҳар чорақда ушбу нархга тусатишлар киритиб, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилишини таъминласин.

4. Республика ички бозоридан дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш Жамғарма зиммасига юклатилади.

Ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун Жамғарма томонидан харид қилинадиган

дон Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишилган ҳолда, Бош вазирнинг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланадиган ойлик график асосида Жамғарма томонидан биржа савдоларида сотувга қўйилади.

5. Дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш учун зарур миқдордаги буғдойни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар (сотиб олиш, ташиш, сақлаш), харид қилиш ва сотиш нархлари ўртасида юзага келган тафовут (ижобий, салбий) Жамғарма молиявий фаолияти якунларига олиб борилади ҳамда зарур ҳолатларда юзага келган салбий тафовут Жамғармага республика бюджетидан қоплаб берилади.

6. 2020 йил 1 июндан бошлаб:

а) фермер хўжаликлари, ғаллачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликларининг ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобидан **12 ой муддатгача** ғалла ялпи ҳосили умумий қийматининг **40 фоизига** бўлган миқдорда молиялаштирилганда йиллик **10 фоиз**, **50 фоизига** бўлган миқдорда молиялаштирилганда йиллик **12 фоиз** ставкадан (шундан банк маржаси **2 фоиз**) ошмаган миқдорда кредитлар ажратилади.

Бунда:

фермер хўжаликлари, ғаллачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликлари агротехник тадбирларни ўтказиш хусусиятларидан келиб чиқиб, кредит маблағларидан **эркин фойдаланади** ҳамда моддий ресурслар етказиб берувчиларни ихтиёрий танлайди;

ғаллачилик кластерлари томонидан фермер хўжаликларининг ғалла етиштириш билан боғлиқ харажатларини бўнаклаш пул маблағлари шаклида амалга оширилади;

ғалла етиштириш харажатларини молиялаштиришга ажратилган кредит маблағларининг муддатида қайтарилмаган қисми тижорат кредити сифатида қайта расмийлаштирилади;

б) мулкчилик шаклидан қатъи назар, фақат донни қайта ишловчи корхоналар



хамда донни қайта ишлаш қувватига эга бўлган ғаллачилик кластерлари томонидан республикада етиштирилган ғаллани харид қилиш учун тижорат банклари томонидан **12 ой муддатгача 50 миллиард сўмгача** миқдорда тижорат кредитлари ажратилади.

Бунда:

миллий валютада ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, лекин **10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмига;**

хорижий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг **30 фоизгача, лекин 3 фоиз пунктдан кўп бўлмаган** миқдорда фоиз харажатларини қоплаш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация берилади;

ғаллани харид қилиш учун ажратилган кредит маблағларининг муддатида қайтарилмаган қисмига Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Марказий банкнинг асосий ставкаси ўзгарган ҳолларда Жамғармадан ажратилаётган кредитлар фоиз ставкаларига, банк маржасига ҳамда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан бериладиган компенсация миқдорига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Ўздонмахсулот” АК ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда дон сақлаш сиғимларига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини жалб этган ҳолда, 2020 йил ҳосилидан бошлаб етиштириладиган бошоқли донни қабул қилиш ва сақлаш бўйича хизмат тарифларини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат статистика кўмитаси, “Ўздонмахсулот” АК, Жамғарма, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда 2020 йилда, 1 апрелга қадар келгуси йилларда ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун сотиб олиннадиган ғалланинг ҳудудлар кесимидаги тақсимотини ва ушбу ғаллани сақлашга талабгор корхоналарнинг ҳудудлар кесимидаги рўйхатини шакллантирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси дон сақланаётган корхоналарда унинг сифати ва миқдори бўйича тўғри сақланиши юзасидан ойлик назорат ўрнатилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари билан биргаликда ғаллачилик кластерлари ва донни қайта ишловчи корхоналарга республикада етиштирилган донни харид қилиш учун мазкур қарорда белгиланган кредит ажратиш механизми бўйича ўқув-семинарларини ташкил этсин ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 1 майга қадар:

дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун харид қилинадиган ғалла ҳажминини ҳудудлар кесимида аниқлаш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳамда ғаллани сақлаш тартибларини тасдиқласин; “Ўздонмахсулот” АК тизимига кирувчи дон корхоналарини 2020-2021 йилларда белгиланган тартибда босқичма-босқич хусусий секторга сотиш чора-тадбирларини белгиласин.

12. Қуйидагилар:

Ғалла етиштиришга давлат буюртмаси босқичма-босқич бекор қилиниши ҳамда соҳага бозор тамойиллари кенг жорий этилишини ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этишни мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13. Республика кенгашига (А.Арипов) қуйидаги вазифалар юклатилсин:

ғалла етиштиришга давлат буюртмаси босқичма-босқич бекор қилиниши ҳамда соҳага бозор тамойиллари кенг жорий этилишини ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури ижросини ўз вақтида таъминлаш;

2021 йил ҳосилидан бошлаб дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун харид қилинадиган буғдой ҳажминини белгилаш;

ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, ғалла экин майдонларини навлар бўйича жойлаштириш;

дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун харид қилинган ғаллани сақловчи корхоналар рўйхатини шакллантириш;

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш

механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган барча масалаларни ҳал этиб бориш.

**14. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ҳ.Барноев:**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг таклифларига асосан “Ўзстандарт” агентлиги билан биргаликда календарь йилнинг 1 майига қадар талабгор корхоналарнинг дон сақлаш сиғимлари хатловдан ўтказилишини ва уларнинг амалдаги талабларга мослиги тўғрисида хулоса берилишини, ижобий хулоса берилган корхоналарнинг лабораториялари ва тарозиларини хатловдан ўтказилишини, тегишли рухсатномалар берилишини, дон сақлашга рухсат этилган корхоналар рўйхати тасдиқланишини ҳамда уларнинг дон сақлаш қувватларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб боришни таъминласин;

қишлоқ хўжалиги вазири Ж.Ходжаев, сув хўжалиги вазири Ш.Ҳамраев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда белгиланган тартибда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини ошириш, ғалла етиштиришга замонавий ҳамда энергия ва ресурстежамкор технологияларнинг жорий этилишини, фермер хўжалиқларини сув билан таъминлаш ҳамда комплекс агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишида амалий ёрдам кўрсатсин.

15. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокмпанияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу қарор мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,  
2020 йил 6 март*



## ҲАЁТ ДАВОМ ЭТМОҚДА...

2020 йилнинг баҳори башарият учун, жумладан, мамлакатимиз аҳли учун ҳам ўта ташвишли келди. Коронавирус аталмиш кўринмас бало жуда қисқа фурсатда дунёнинг қарийб барча бурчакларига тарқалиб улгурди. Инсоният ташвишининг боиси, мазкур вирусга қарши ҳозирча тайинли вакцина ёки дори-дармон топилгани йўқ.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида ушбу вируснинг кенг тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда кўрилатган чора-тадбирлар дилга таскин беради. Давлат ўз фуқаролари – бизлар учун шунчалар қайғурибдими, бунга жавобан ҳар биримизда маънавий масъулият устувор бўлмоғи лозим.

Хўш, булар қандай намоён бўлмоқда? Шифокорлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари фаолиятидаги фидойилик, жонқурлик ёки саховатпеша фуқаролар ва корхона-ташкilotлар ҳиммати шу маънавият намуналаридир. Аҳолининг аксарият қисмидан эса уйда қолиб карантин талабларига риоя қилишлари сўралмоқда. Бу талабга аксарият одамлар риоя қилаётган бўлса, айримлар ўзининг ва ўзгаларнинг ҳаётини хавф остига қўймоқда. Умуман, бугун кимнинг кимлиги ҳар жиҳатдан маълум бўлмоқда.

Президентимиз 3 апрель куни коронавирус пандемиясига қарши долзарб масалаларга бағишланган

навбатдаги видеоселекторни ўтказиб, халқимизга яна бир бор мурожаат қилди. Шу куни “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонга ҳам имзо чекди. Халқимиз мазкур видеоселекторда давлатимиз раҳбарининг қуйидаги фикрларини юрак-юрагидан ўтказиб тинглади:

“Ишонтириб айтаманки, коронавирус тарқаб кетмаслиги учун давлат барча чораларни кўради. Аммо шу синовли дамларда ҳар бир ўзбекистонлик, ҳар бир идора, жамоатчилик вакиллари бир мушт бўлиб ҳаракат қилишимиз керак. Касалликни маҳалламизга, уйимизга, оиламизга олиб кирмаслик учун энг аввало ўзимиз масъулмиз. Кўпга келган ва жаҳон аҳли азият чекаётган бу қийин кунлар, албатта, ўтади... Ҳаммамиз янада жипслашиб, сабр-матонатли бўлсак, шифокорлар тавсияларига тўлиқ амал қилсак, албатта, бу касалликни тезроқ енгиб ўтамиз”.

Мана шу жараёнда аграр соҳа меҳнаткашлари мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ўзларининг зиммасидаги юксак вазифа эканлигини янада теранроқ ҳис қилиб, жадал ишга киришган.

Бугунги синовли кунларда деҳқон далада, боғбон боғроғлари юмушлари билан банд.

Сувчилар эса ёз бўйи уларга зарур бўладиган оби-ҳаётни етказиб бериш тадбирини кўрмоқда. Пиллакорлар мавсум олди ишларини тезлаштириб юбордилар. Соҳибкорлар полиз-сабзавот экинларини экиш, иссиқхоналардаги тайёр маҳсулотларини бозорга чиқаришда фаол.

Хуллас, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлар қизғин давом этмоқда. Пахтакор ҳар дақиқани ғанимат билиб, ерга чигит қадаш билан банд бўлса, ғаллакор ғалла парваришига киришиб кетди.

Ҳадемай бу ташвишли кунлар ортда қолиб, тарихга айланади. Ҳаёт бир маромда давом эта бошлайди. Тўй-базмлар бошланади. Дўконлар пештахталари, бозор расталари янги сархил мева-сабзавотлар билан мўл-кўл бўлади.

Бободехқонларимиз яратажак бу ноз-неъматлар бугун далалару, боғларимизда етиштирилмоқда. Зеро, эртанги тўкин-сочинлик, беминнат ризқ-рўзимиз халқимиз ҳаётига хотиржамлик, рўзгорларига осойишталик, тўй-базмларга шоду хуррамлик бағишлайди.

Бугун муҳим юмуш билан банд бўлмаганларнинг вазифаси эса битта: бу бало юртимиздан тўла аримагунча уйда ўтириб, китоб ўқиш, фарзандлар тарбияси билан шуғулланиш. Уйда қолинг!

Тоҳир ДОЛИЕВ.



## ЧИГИТ ЭКИШ – МУҲИМ ТАДБИР

Пахтакорлар чигит экиш мавсуми олдидан ерларнинг сифатли текисланишига ва тайёрланишига эътибор беришлари керак. Агар ер кафтдек текис ва маромида тайёрланган бўлса, чигит бир хил чуқурликка ва бир хил намликка тушиб, иссиқликни ҳам бир хил олиб, бир текис ва қийғос униб чиқишига, ниҳолларнинг ўсиб ривожланиши жадаллашиб, пишиб етилиши ҳам эртаги бўлишига эришилади.

Чигит экиш муддати, меъёри ва усуллари. Республикамик вилоятларида чигитни мақбул муддатларда экиш ва соғлом кўчат ундириб олиш эртаги, юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки эрта эккан эрта ҳосил олади.

Чигитни экишда тупроқ намлиги ва ҳарорати, уруғлик сифати, чигитни дорилаш, намлаш, мақбул муддатда, меъёрда ва чуқурликда экиш талаб этилади. ПСУ-ЕАИТИ тавсияларига кўра, тупроқнинг 10 см қатламидаги ҳарорат 12-14°C даража бўлганда тукли чигитларни, 14-16°C даража бўлганда туксиз чигитларни экишга киришилади, тупроқ ҳарорати 9-10°C бўлганда плёнка остига чигит экиш бошланади.

Тупроқ намлиги 65-70 фоиз бўлса, ёки чигит экиладиган тупроқни қўлда олиб, зичлаб ерга ташлаб юборилганда сочилиб кетса, ёки тракторнинг экиш агрегати тупроқни кесмаганда ва лой чиқармаганда, далага тракторнинг кириш имконияти бўлганда чигитни экиш бошланади.

Ўзбекистон шароитида ғўза касалликларидан бактериялар қўзғатадиган гоммоз ва замбуруғлар қўзғатадиган илдиз чириши, вертициллёз, фузариоз ва вилт касалликлари кенг тарқалган.

Ерости сувлари яқин жойлашган, намлик юқори бўлган ерларда, серёғин ва салқин об-ҳаво кузатиладиган ёки кучли қатқалоқ ҳосил бўладиган ҳамда сифатсиз уруғлик чигитлар экилган ёки чигит жуда чуқур экилган ерларда илдиз чириши касаллиги келиб чиқади.

Агар тупроқ ва ҳаво ҳарорати паст, ерда намлик юқори ва юза қисмида қатқалоқ ҳосил бўлганда ҳамда тупроқда касаллик чақирувчи патогенлар учраганда ёки чигит фунгицидлар ва стимуляторлар билан ишлов берилмаган бўлса, гоммоз касаллиги келиб чиқади.

Шу сабабли, илдиз чириши ва гоммоз касалликларига ўз вақтида қарши кураш чораларининг кўрилиши, фунгицид ва стимуляторлар билан ишлов берилиши, уруғлик чигит экишга сифатли тайёрланиши ва мақбул муддатларда экилиши талаб этилади.

Пахта тозалаш ёки уруғлик чигит тайёрлайдиган заводлардан келтирилган тукли чигитларни экиш олдидан намлашга катта аҳамият бериш керак.

Намланган тукли чигитнинг афзаллиги шундаки, тупроқдаги намлик етарли бўлмаганда ҳам унинг униб чиқишига қулай шароит яратилади, ёки намлик меъёридан ортиб кетса, чигит чиришининг олдини олади.

Чигитни намлаш ишлари табақалаштирилган ҳолда амалга оширилади. Тукли

чигитнинг 1 тоннасини намлаш учун 600 литр сув сарфланади.

Чигитни намлаш ишлари олдидан тайёрланган (асфалтланган ёки бетонланган) махсус майдончаларда ўтказилади. Бундай майдончаларнинг бўйи 5-6 м, эни 2,5-3 м ва баландлиги 30-35 см катталиқда бўлиши мумкин. Бунда намлаш вақтидаги сув оқиб кетишининг олди олинади. Чигитни намлаш вақтидаги қалинлигини 20-25 см дан оширмастик зарур. Намлаш 3 босқичда: биринчиси 3-4 соат, иккинчиси 4-5 соат, учинчиси 5-6 соатда ўтказилиб, 200 литрдан сув сарфланади, шундагина чигитнинг тўлиқ ва сифатли намланишига эришилади, бундай чигит сувга бўртиб, тўйинади, қобиғи юмшайди. Бу эса намлиги кам бўлган тупроқларда ҳам унинг униб чиқишига ижобий таъсир кўрсатади.

Республикамикнинг ноқулай об-ҳаво шароитида чигитни хатосиз, соғлом ва эрта ундириб олиш муаммосини ҳал этиш йўлларида бири, биостимулятор ва ўсишни соловчи моддалар билан уруғларни экиш олдидан ва ўсимликнинг вегетацияси даврида қўллаш технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириб бориш ҳам муҳим чора-тадбирлар қаторига киради.

Уруғлик чигитларни намлаш билан биргалиқда, экиш олдидан, ёки уруғлик чигит тайёрлаш заводларида тукли ва туксиз чигитларга ўстирувчанлик хусусиятига эга стимуляторлардан Узгуми 0,7-0,8 л/т, Фитовак 200-300 мл/т, Биодукс 2-3 мл/т, Замин-М 2-2,5 л/т билан ишлов бериш, ноқулай об-ҳаво ва тупроқ шароитида ҳам чигитнинг унувчанлигини оширади, касалликларга бардошлилиги кучаяди, илдиз тизимини бақувват ривожлантиради ва тупроқнинг табиий намлигидан унумлироқ фойдаланилади, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишини, ҳосил тўплашини тезлаштиради.



Чигитни намлашда махсус кийимлар билан таъминланган ишчилар бир бирига қарама-қарши туриб, ёғоч курак билан чигитни бетўхтов аралаштириб туришлари керак. Чигит талаб даражасида намланган, бир жойга тўпланади ва 3-4 соатга димлаб қўйилади.

Турли муддатларда экиладиган чигитнинг намлангандан кейин сақланиш муддати 12 соатдан ошмаслиги керак. Энг қулай муддатда ёки кечикиб экиладиган жойларда чигитни зоғи билан 18 соат сақлаш мумкин, холос.

Намланган ва талаб даражасида димланган уруғлик чигит қолларга солинади ва далаларга олиб борилади.

Туксиз чигитнинг 1 тоннасини дорилаш учун 30 литр сувга ишчи эритма тайёрлаб олинади, сўнгра чигитга махсус идишларда пуркалади ва яхшилаб аралаштирилган ҳолда камида икки соат димлаб қўйилиб, кейин экиш ишларини амалга ошириш тавсия этилади.

Тупроқ турлари ва механик таркибига қараб чигит экишнинг энг маъқул чуқурлиги 4-5 см, секин қизийдиган оғир тупроқларда 3-4 см бўлиб, тукли чигитлар гектарига 45-55 кг, туксиз чигитлар 25-30 кг экилса, тўлиқ ва соғлом кўчат олишни таъминлайди.

Чигитни биринчи навбатда тез қизийдиган енгил, ўртача қумоқ ва тез етиладиган ерларда, кейин эса оғир тупроқли тоғолди минтақаларида экиш мақсадга мувофиқдир. Тупроқ ҳарорати паст бўлганда экилган чигит чириб, ниҳоллар сийрак униб чиқади, касалга тез чалинади, нимжон ўсиб ривожланади ва пировардида пахта ҳосили ҳам пасайиб кетади.

Чигит экиш ишлари тўлиқ тугатилиши учун далалар чети, симёғоч ва ўқариқлар атрофи ҳам қўлда экилган бўлиши керак. Шундагина барча майдонларда тўлиқ гектарлар ҳосил бўлади.

Унумдорлиги паст, балл бонитети 30-40 ва 50 балл, механик таркиби енгил ва ўрта тупроқларда, кўчат олиш қийин ва нишаблиги юқори бўлган жойларда чигитни қўшқаторлаб экиш тавсия этилади, бунда 1,5 баробар кўп кўчат олиш имконияти туғилади ва бу усулда туксиз чигитлар 35-40 кг сарфланиб экилади. Чигит қўшқаторлаб экилганда пахта 10-13 кун эрта очилади ва ҳосилни қисқа муддатда йиғиштириб олиш учун шароит яратилади.

Чигитни экиш билан бир вақтда гектарига соф ҳолатда 15-20 кг азотли, 20-25 кг фосфорли ўғитлар сеялқага ўрнатилган махсус мосламалар ёрдамида экиш чиғиғидан 5-7 см четга, 12-15 см чуқурликка солинади. Бегона ўтларга қарши Стомп гербициди гектарига 0,8-1,0 кг, Которан 1,2 кг меъёрларда сепилиши яхши самара беради ва бегона ўтлар сонини кескин камайтириб, ниҳолларнинг ўсишига қулай шароит яратилади.

Чигит экишни мақбул муддатларда, агротехник талабларга риоя қилган ҳолда ўтказиш ерга қадалган уруғни тупроқдаги табиий нам ҳисобига ундириб олишни ҳамда майдонларда тўлиқ гектарлар ҳосил қилишни таъминлайди.

Экиш мавсумини юқорида келтирилган тавсияларга амал қилган ҳолда қисқа муддатда ва сифатли ўтказиш ғўзадан эртаги ва мул ҳосил олишга замин яратлади.

**Ш.АБДУАЛИМОВ,**  
қ.х.ф.д., профессор,  
**Феруза ҲАСАНОВА,**  
қ.х.ф.н., профессор,  
**Бегали НИЯЗЛИЕВ,**  
қ.х.ф.д., профессор.



## КЕНГЛИГИ 76 СМ БЎЛГАН ҒЎЗА ҚАТОР ОРАЛАРИГА ИШЛОВ БЕРАДИГАН КУЛЬТИВАТОРНИ ИШЛАТИШ ТАРТИБИ

Ғўза қатор ораларига ишлов беришдан асосий мақсад – бегона ўтларга қарши курашиш, тупроқнинг юза қисмини майин юмшатиб, намни сақлаш, тупроқнинг тезроқ қизишини ҳамда микроорганизмларнинг яхши ривожланишини таъминлашдан иборат. Ғўза ниҳолларигача бўлган ҳимоя зонасини минимал даражада қолдириб, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, ўғитларни тегишли меъёрларда керакли чуқурликка солиш юқори ҳосил тўплаш гаровидир.


Маълумки, кенглиги 60 ва 90 см бўлган ғўза қатор ораларига ишлов беришда КРХ-4 ва КРТ-4 пахтачилик культиваторларидан фойдаланиб келинади. Механизаторлар ва фермерлар ғўзанинг ва тупроқнинг ҳолатига қараб уларни ростлаш ва ишлатиш қоидаларини яхши билишади.

Пахтачилик – тўқимачилик кластерларининг кенглиги 76 см бўлган пахта далаларида олти қаторли УСМФ 7 русумли культиваторлар ишлатилмоқда.

Мазкур культиватор Туркия давлатида ишлаб чиқарилган. Туркияда пахта ҳосили асосан “Жон-Дир” фирмасининг машиналари ёрдамида териб олинади. Бу машинада ёнма-ён жойлашган терим аппаратлари бўйлама ўқлари орасидаги кўндаланг масофа 76-110 см оралиғида ростланади. Кўриниб турибдики, машинабоп пахта етиштириш мақсадида культиватор қатор орасининг кенглиги (76 см) пахта териш аппарати қатор ораси кенглигининг энг минимал қийматига тенглаб олинган.

Мазкур культиватор кўпчилик агрокластерларда, шу жумладан Оққўрғон туманидаги “Оққўрғон АБС” агрокластерида “Кейс Нью Холланд” компаниясининг TD 5.110 маркали тракторига осиб ишлатилмоқда. Бу тракторнинг колеяси (ғилдираклар орасидаги кўндаланг масофа) 152 см (76x2), яъни тўртта ғилдиракнинг ҳаммаси қатор ораларининг ўртасида ҳаракатланади; двигателининг қуввати 81 кВт (110 о.к.); шиналар маркаси: орқа ўқда 14,9x24, олдинги ўқда 18,4x34; агротирқиш кенглиги 500 мм (қатор ораларига яхши жойлашади).

Қатор ораларига ишлов бериш. УСМФ 7 русумли культиватор уч нуқтали осиб механизмига эга бўлиб, кўндаланг рама (140x100 мм)си тўртбурчак профилдан ясалган, узунлиги 4800 мм. Культиватор 2 та таянч ғилдираги, параллелограмм механизмлари (2 та ёндош ва 5 та асосий), ишчи секциялар, миқдорлагичли ўғит бункерлари, ўғит



1-расм. Иш органларни ғўза қатор ораларига жойлаштириш схемаси

ўтказгичлар ва сошниклардан ташкил топган.

Иш органлари ишчи секцияга пружинасимон стойкалар билан маҳкамланган. Ҳар бир ғўза қатор орасига (1-расм) икки дона диаметри 470 мм бўлган тишли диск, қамров кенглиги 150 мм бўлган беш дона ўқейсимон панжа ва қамров кенглиги 170 мм бўлган бир дона чуқур юмшаткич жойлаштирилган. Тишли дисклар марза тепасидаги, ўқейсимон панжалар эгатнинг ҳар икки ёнини, чуқур юмшаткич эсга эгатнинг қоқ ўртасини юмшатишга хизмат қилади. Бунда иш органлар орасидаги бўйлама масофа ўзгармас бўлиб, кўндаланг масофани ростлаш имконияти мавжуд. Барча ўқейсимон панжалар бир-бирига нисбатан ишлов бериш чуқурлиги

бўйича ўзгармас қилиб ўрнатилган, яъни ишлов бериш чуқурлигини поғонали равишда ростлаб бўлмайди. Чуқур юмшаткични эса поғонали (турли чуқурликларга) ростлаш мумкин. Барча иш органларнинг ишлов бериш чуқурлиги ишчи секция таянч ғилдиракларининг кўтариб-тушириш йўли билан ростланади.

Культиваторнинг агро-тирқиши ўсимликларнинг бўйидан келиб чиқиб, рама таянч ғилдираги воситасида ростланади. Таянч ғилди-ракнинг эни 200 мм, диаметри 500 мм бўлиб, ўрта қисмига халқасимон диск диаметрал ўрнатилган (2-расм). Халқа иш жараёнида тупроққа тўла ботиб ҳаракатланади ва шу орқали культиваторнинг кўндаланг тебранишларининг амплитудаларини сўндиради, ғўза ниҳолларини қаторларга яқин жойлашган ишчи органлар томонидан шикастланишини олдини олади ҳамда культивацияни сифатли бажарилишини ва агротехник кўрсаткичларни юқори бўлишини таъминлайди.

**Ғўзани ўғитлаш.** Культиватор маркасига ўрнатилган тишли ғилдирак ва занжирлар ёрдамида ҳаракат миқдорлагичга узатилади. Миқдорлагич ўғитни бир меъёрда ўғитўтказгич орқали сошникларга ташлаб беради. Сошниклар эса ўғитни тупроққа керакли чуқурликда кўмиб кетади.

Культиваторнинг афзалликлари: трактор билан тез ва осон агрегатланади; иш органларни ростлаш кам меҳнат талаб қилади; барча иш органларнинг ишлов бериш чуқурлиги бир вақтда осон ростланади; таянч ғилдиракларига халқасимон диск ўрнатилганлиги боис агрегатнинг ҳаракат пайтидаги кўндаланг тебранишлари камайдиган (ниҳоллар кам шикастланади); культиваторга техник хизмат кўрсатиш қулай; ишчи секцияларнинг рамада кўндалангига поғонали сурилиши ҳисобига қатор ораси кенглигини 76-60 см оралиқда ростлаш мумкин.

Келажақда культиваторга ишчи органлар орасидаги бўйлама масофани ростлаш, ишчи органлар томонидан тупроқни қатламлаб юмшатиш, намлиги кам бўлган тупроқларда пружинасимон стойкаларнинг эгилиши чегадан ошиб кетганда ишчи органларнинг тупроққа кириш бурчагининг ўзгариши ва белгиланган чуқурликка ботмаслигини олдини олиш, учинчи ва кейинги культивацияларда ғўза туллари ва ҳосил элементларини шикастланмаслиги учун тракторга диаметри катта, лекин эни кичкина ғилдиракларни ўрнатиш имкониятларини берадиган янги техник ечимларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, юқоридаги тавсияларга амал қилинса УСМФ 7 культиваторидан самарали фойдаланишга ва ғўза қатор ораларига ишлов бериш сифатини оширишга эришилади.

**М.ТОШБОЛТАЕВ, т.ф.д.,  
А.ҚОРАХОНОВ, т.ф.н.,  
А.ИБРАГИМОВ, т.ф.д.  
(ҚХМИТИ)**



2-расм. Рамага ўрнатилган таянч ғилдираги

## ДАЛАЛАРДА ЭЛНИНГ РИЗҚ-РЎЗИ

апрел ойида ғалла парваришида амалга ошириладиган долзарб чора-тадбирлар

*Бу йил қиш ойларида об-ҳавонинг қуруқ ва илқ қелиши, март ойининг биринчи ўн кунлиги серёгин, ҳаво ҳароратининг паст қелиши кузатилди.*

Бунинг натижасида ғаллани озиклантириш, суғориш ҳамда касалликларга қарши кураш чоралари ҳар йилгига нисбатан 5-10 кун кечикиб амалга оширилмоқда. Ғаллачиликда апрел ойи ғалла ҳосилининг тақдирини ҳал қиладиган ой ҳисобланиб, бу давр ғалладан юқори ҳосил олиш учун зарур бўлган муҳим агротехник чора-тадбирларни ўз вақтида, сифатли амалга оширишни тақозо этади.

Шунинг учун бу ойда баҳорги озиклантириш ишларини ғалланинг ривожига қараб, мақбул муддатларда экилган, ҳозирги кунда найчалаш фазасида ривожланаётган ғалла майдонларига физик ҳолда 250-300 кг. азотли ўғитлар билан ўғитлаш, ривожини паст бўлган кеч экилган ғалла майдонларда апрел ойида азотли ўғитларни ўзлаштириш ҳолатига қараб икки марта азотли ўғитлар билан озиклантириш ишларини амалга ошириш, бунда биринчи озиклантириш гектарига 200-250 кг, 15-20 кун ўтказиб, иккинчи озиклантиришда гектарига физик ҳолда 100-150 кг меъёрда ўтказиш тавсия этилади.

Озиклантирилган майдонларда минтақанинг тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, ғаллани 600-700 м<sup>3</sup> меъёрда сифатли суғориш, суғориш ишларини шарбат усулида гектарига 5 тонна маҳаллий ўғит ҳисобида амалга ошириш ўз самарасини беради.

Апрель ойида ғалланинг найчалаш даври давом этаётган вақтда поянинг энг пастки қисми бўртиб, шиш ҳосил бўлиши билан бошланади. Мазкур шиш тупроқнинг устки қисмидан 3-5 см баландликда ривожланади.

Тупроқдаги намлик, озуқа моддаларнинг миқдорига қараб, ҳар бир бўғин ораси узун ёки қисқалиги найча ичида шаклланаётган бошоқлардаги доннинг сони қанча бўлишини кўрсатади. Кузги буғдойнинг найчалаш даври давомийлиги 25-30 кунни ташкил этади. Шу қисқа даврда буғдой ўсимлиги бутун ўсув даврида тўплайдиган қуруқ модданинг 50-60 фоизини тўплайди.

Найчалаш фазасида намлик ва озик моддалар етишмаслиги ҳосилдорликка салбий таъсир қилади. Шунинг учун апрель ойида ғалла майдонларида намликнинг чекланган дала нам сифимига

(ЧДНС) нисбатан 70-75 фоиз бўлишини таъминлаш ҳамда азотли ўғитларнинг йиллик меъерининг 40-50 фоизини (физик ҳолда 250-300 кг) бериш муҳим ҳисобланади.

Бундан ташқари, ғалла майдонларида барг орқали озиклантиришда суспензия билан ишлов берилганда, гектарига 15-20 кг. дан карбамид ҳисобида 300 литр ишчи эритма билан 1-2 марта ишлов бериш ёки ўсимликларнинг ўсиб ривожланишини жадаллаштирувчи, таркибида Гумин кислоталари бўлган биопрепаратлар билан ишлов беришни амалга ошириш тавсия этилади. Баргидан қўшимча озиклантирилганда, айниқса, ривожини паст кеч экилган ғалла майдонларда ғалланинг ривожини тезлашади ва маҳсулдор пояларнинг шаклланишига ижобий таъсир этиб, ҳосилдорликнинг ортишига олиб келади.

Ғалла майдонларида зарарли организмларга қарши тўртлик усулида кимёвий препаратлар билан ишлов бериш



ишларини амалга ошириш муҳим агротехник тадбирлардан биридир. Апрель ойида зараркунанда ҳашоратлардан шилликқурт, зарарли хасва, буғдой трипси, шира, арракаш кабилар ғаллани зарарлаши давом этади. Шунингдек, серёгин, нам келган йилларда ғалланинг замбуруғли касалликларидан сариқ, қўнғир занг, септариоз, ун-шудринг ва фузариоз касалликларининг ғалла майдонларини зарарлашини инобатга олиб, доимий кузатув ва қарши кураш чораларини эртароқ кўриш керак. Акс ҳолда, бу тадбирларнинг кечиктирилиши сабабли ғалла майдонларида замбуруғли касалликлар эпидемиясининг кучли ривожланиши, атрофга кенг тарқалиши оқибатида дон сифати ва ҳосилдорлигининг 25-30 фоизгача пасайишига олиб келади.

Ғаллазорларда бегона ўтларга қарши курашда уларнинг тур-хили ва тарқалишига қараб, 5 апрелгача герби-

цидлар билан ишлов беришни якунлаш лозим. Бу даврдан кечиктирилганда, ғалла найчалаш фазасига тўла ўтади ва ғалла ниҳолларида бошоқ шаклланаётганлиги сабабли бошоқларга салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг шаклланиши 5-10 кунга кечикишига олиб келади.

Ғалла майдонларида учрайдиган замбуруғли касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши кураш учун қуйидаги кимёвий препаратлардан: Топ Кроп гектарига 0,2-0,3 литр, Прозолин 420 к.с гектарига 0,45-0,6 литр, Тилтазол 50% к.к.р гектарига 0,2 литр, Альто Супер 33% гектарига 0,3 литр, Титул Дуо гектарига 0,2 литр, Энтоликур гектарига 0,3-0,5 литр меъёрда гектарига 250-300 литр ишчи эритма тайёрлаб ишлов бериш тавсия этилади.

Ғаллазордаги ихтисослашган зараркунандаларга қарши, иқтисодий зарари меъёридан ортиқ бўлса, рухсат этилган кимёвий воситалардан Далатэ Плюс 10% э.к гектарига 0,05-0,4 литр, Агрофос-Д 10% к.э гектарига 0,5-1,5 литр, Агрофос Экстра гектарига 0,2 литр, Бестелер гектарига 0,05-0,1 литр, Делцис 2,5% гектарига 0,25 литр, Багира 20% с.э.к гектарига 0,07-0,1 литр препаратлари билан гектарига 250-300 литр ишчи эритма тайёрлаб, ишлов бериш ўзининг ижобий самарасини беради.

Бунда касаллик ва зараркунанда ҳашаротларнинг тарқалиш ўчоқларига барча турдаги штангали ОВХ пуркагичлар, қўл аппаратлари билан ўз муддатида, сифатли ишлов бериш талаб этилади.

Апрель ойининг учинчи ўн кунлигида эрта экилган эрта ва ўртапишар ғалла навларининг аксарияти тўлиқ бошоқлаш ва гуллаш фазасига кириши кўп йиллик тажрибаларда кузатилган. Бу даврда ғалланинг бошоқлаш даврида гектарига физик ҳолда 100-150 кг. азотли ўғитлар билан озиклантириш, озиклантирилган майдонларда дала нам сифимини сақлаш учун 600-650 м<sup>3</sup> суғориш ишларини амалга ошириш талаб этилади.

Ғалла майдонларида юқорида кўрсатилган агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилганда, ғалладан кутилаётган ҳосилга нисбатан 10-15 центнер қўшимча ҳосил олишга эришилади.

**Равшанбек СИДДИҚОВ,**  
ДДЭТИ директори, қ.х.ф.д.,  
РФА академиги,  
**Тожирид РАХИМОВ,**  
қ.х.ф.ф.д.



# САБЗАВОТЧИЛИКДА АПРЕЛ ОЙИ ЮМУШЛАРИ

*Маълумки, сўнги йилларда мамлакатимизда мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан бу борада туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бунга яққол мисол бўла олади.*

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра, мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманларнинг барчасида кластерлар ташкил этиш орқали қайта ишлаш, экспорт ва қўшилган қиймат ҳажмини ошириш устувор масала эканлиги, жорий йилда 2 миллион 400 минг тонна ёки ўтган йилга нисбатан 1,7 баробар кўп мева-сабзавот экспорт қилиниши билдирилган.

Ушбу натижага эришиш учун, энг аввало, сабзавот етиштирувчи хўжаликлар юқори ҳосил олишнинг асосий омилларини билишлари лозим.

Сабзавот, полиз ва картошка экинларидан юқори ҳосил олишда – экин майдонларини экишга сифатли тайёрлаш, кузда ерни шудгорлашдан олдин органик ўғитларни, фосфор ва калийли ўғитларни сочиш ҳамда ерни 30-35 см чуқурликда ҳайдаш, сифатли, навдорлиги юқори бўлган, мавсумга мос, элита ва 1-репродукцияли навларни ва F1 дурагайларини экиш, экин турлари ва навларини белгиланган муддатларда экиш, экинларни экиш схемасини тўғри белгилаш, органик ва минерал ўғитларни тавсия этилган муддатда ва меъёрида солиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш, экинларни турли зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш, пишиб етилган маҳсулотларни ўз вақтида йиғишга эътибор қаратиш лозим.

Ушбу ойда, асосан, иссиқсевар сабзавотлар кўчатларини экиш ишлари амалга оширилади.

Томатдош помидор, ширин қалампир ва бақлажон экинлари учун 40-45 кунлик, илдиз тизими яхши ривожланган, бўйи 18-50 см, барглари 5-7 дона, турли касалликлардан холи кўчат сифатли ҳисобланади.

Томатдош экинларни экиш муддатлари бир-бирига жуда яқин бўлиб, кўчатлар Республиканинг жанубий вилоятларда: эртаги навлар мартнинг

III ўн кунлигида, ўрта ва кечпишар навлар апрелнинг I-II ўн кунлигида; марказий вилоятларда эртапишар навларни апрелнинг I-II ўн кунлигида, ўрта ва кечпишарларни эса апрелнинг II ярмидан бошлаб, май ойининг I ярмигача; шимолий вилоятларда эртапишар навлар апрелнинг II ўн кунлигида, ўрта ва кечпишарлари апрелнинг III ўн кунлигидан то майнинг I ўн кунлигигача, уруғидан эса очиқ майдонга апрелнинг II ўн кунлигида экилади.

Кўчатларни очиқ майдонга экишни ҳам уларнинг пишиш даврига қараб белгилаш лозим. Помидорнинг эртапишар ва ўртапишар навлари кўчати у қадар нишаб бўлмаган даладарда 70x25(30) см, текис майдонларда 90x25(30) см, узун палакли навлар 90x40 см, (140+70) x25 см, ширин қалампир эса 70x30 см ёки 90x25 см, бақлажон 70x30(40) см ёки 90x25(30) см схемаларда экилади.

Кўчат экишда тупроқ нам бўлиши лозим, экиш ишлари тугатилгандан сўнг, майдонлар яхшилаб суғорилади. Экинларга биринчи ишлов бериш ишлари кўчат экилгандан сўнг 10-12 кун ўтгач, амалга оширилади. Бунда экин қатор ораларига КРН-2,8А, КХО-4, КОН-2,8А русумли ёки бошқа замонавий агрегатлар билан 12-14 см чуқурликда ишлов берилади, тупроқ юмшатилади. Ўсимликлар атрофи эса енгил юмшатилиб, минерал озикалар солиниб суғорилади. Суғоришдан 13-15 кун ўтгач, экин майдони яна бир бор суғорилади ва тупроққа ишлов бериш имконияти бўлганда, экин қатор оралари 15-16 см чуқурликда юмшатилиб, ўсимликлар атрофидаги бегона ўтлар чопиқ қилинади.

Помидор ўсув даври давомида сизот

суви чуқур жойлашган ерларда ҳар бир суғоришда 500-600 м<sup>3</sup>/га ҳисобида 18-20 мартаба, сизот суви юза жойлашган ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқли майдонлар 600-800 м<sup>3</sup>/га ҳисобида 12-15 марта суғорилади. Сизот суви чуқур жойлашган ерларда ҳосил етилгунча ҳар 8-12 кунда, ҳосил ёппасига пишиш арафасида 5-7 кунда суғорилади. Ширин қалампир ва бақлажонни ўсув даврида помидорга нисбатан бир оз камроқ суғориш лозим.

Ушбу томатдош экинлар озиқа моддаларга талабчан ҳисобланади, шунинг учун уларни бўз тупроқли майдонларда (25-30 т/га гўнг берилганда) соф ҳолда 180-200 кг азотли, 140-160 кг фосфорли ва 100 кг калийли ўғитлар билан, ўтлоқи тупроқли майдонларни эса 140-150 кг азотли, 100-120 кг фосфорли ҳамда 80-100 кг калийли ўғитлари билан озиклантириб бориш лозим. Органик ўғит (гўнг) ва фосфорли ўғитнинг 75% ҳамда калий ўғитининг 50% кузги шудгорлашдан олдин солинади. Кўчатларни экишдан аввал фосфорли ўғитнинг қолган қисми ва азотли ўғитнинг 20% ҳамда азотли ўғитнинг қолган 80% иккига тенг бўлиб, биринчи қисмини кўчатлар тутиб олгандан кейин, қолган қисмини эса калий ўғитининг қолган 50% билан аралаштирилиб, ўсимликлар мева туғиш даврида солинади.



Помидор, ширин қалампир ва бақлажонни органик, яъни йирик шохли чорва моллари гўнги (шалтоғи) билан “шарбат” усулида озиклантириш яхши самара беради.

Маълумки, республикаимиз бозорларида йил давомида оқбош қарам

аримади. Ёз ойларида ҳам бозорларни оқбош карам билан таъминлаш учун ўртаги муддатда оқбош карам кўчатлари жанубий минтақаларда 10-20 май, марказий минтақаларда 15 апрелдан 1 майгача ва шимолий минтақаларда 1-15 апрелда экилиш тавсия этилади. Кўчатлар 70x35(40) см схемада экилади. Кўчатларни экиб бўлгач, тўлиқ тутиб олишини таъминлаш учун суғориш



тадбири амалга оширилади.

Ушбу муддат учун оқбош карамнинг маҳаллий “Тошкент-10”, “Саратони” ҳамда “Термиз-2500” навлари тавсия этилади.

Оқбош карам кўчатлари тўлиқ тутиб олганидан 16-18 кун ўтгач, ўсимликларга комплекс ишлов берилади, бунда ўсимлик қатор оралари 15-16 см чуқурликда юмшатилади, бегона ўтлардан тозалангач, суғорилади. Юмшатиш билан бирга ўсимлик минерал ўғитлар билан озиклантирилади. Ўсимлик 150 кг азот, 100 кг фосфор, 50 кг калий билан соф олда озиклантирилади.

Яна бир иссиқсевар бодринг экини уруғлари республиканинг жанубий минтақаларида 1-15 апрел, марказий минтақа вилоятларида 10-20 апрель, шимолий минтақаларида эса 20-30 апрелда экилади. Экиш учун маҳаллий “Ранний-645”, “Ўзбекский-740”, “Зилол”, “Наврўз”, “Ифор”, “Шабнам” сингари серҳосил навлари тавсия этилади.

Бодринг уруғи 70x30 см, 90x20 см экиш схемада, 4-5 см чуқурликка экилади. Уруғ сарфи гектарига ўртача 4-5 кг.

Бодринг ниҳоллари уруғ палла чиқарганда, биринчи, битта чинбарг даврига кирганда, иккинчи марта яганалаш тадбирлари ўтказилади.

Ўсимлик қатор ораларига махсус агрегатлар билан 15-

16 см чуқурликда ишлов берилади, ўсимлик атрофи мунтазам юмшатиб, озиклантириб борилади. Бодрингни озиклантиришда соф ҳолда 180 кг азот, 100 кг фосфор ва 75 кг калий ўғити бериш тавсия этилади. Ерга асосий ишлов берилганда, органик ўғитнинг ҳаммаси, фосфор ва калийнинг 75% солинади. Биринчи озиклантиришда фосфор ва калийнинг қолган 25%, азотнинг 50%, иккинчи озиклантиришда азотли ўғитнинг қолган 50% берилади.

Сизот суви чуқур жойлашган ерларда кўкламда экилган бодринг ҳар 7-8 кунда суғориб турилади. Ҳосил тўплаш даври бошланиши биланоқ экин тезтез, ёппасига ҳосилга кирганда эса, ҳар қайси теримдан кейин, яъни камида 2-3 кун оралатиб суғорилади. Ана шундай қилинганда, сизот суви чуқур участкаларда эртаги бодрингга ўсув даврида 16-18, юза ерларда эса камроқ, 9-11 марта сув берилади.

Тарвуз, қовун сингари полиз экинларининг сифатли уруғлари республиканинг марказий минтақасида эртаги навлари 15 апрелгача, ўртагиси 20 апрелдан 10 майгача, кечкиси 15 майдан 10 июнгача, жанубий вилоятларда эртаги навлар 10 апрелгача, ўртагиси 10-20 апрелда, кечкилари эса 10-20 июнда, шимолий минтақаларда эртаги навларни 20 апрелгача, ўртагисини 25 апрелдан 10 майгача, кечкисини 20-30 майда экиш тавсия этилади.

Ушбу муддатларда экиш учун қовуннинг маҳаллий эртапишар “Роҳат”, ўртапишар “Кўк тинни”, “Суюнчи-2”, “Олтин водий”, “Лаззатли”, “Олтинтепа”, “Кичкинтой”, “Оби новвот”, “Гурвак”, Бўриқалла”, кечпишар “Тўёна”, “Гурлан”,



“Амударё”, “Гулоби Хоразмий”, “Зар гулоби”, “Саховат”, тарвузнинг эртапишар “Ўринбой”, “Ширин”, “Манзур”, “F1 Чиллаки”, “Крисби”, “Кримстар свит” навлари тавсия этилади.

Тарвуз ва қовун экиш режалаштирилган майдонлар кузда 35-40 см чуқурликкача шудгор қилинади. Ҳайдаш олдидан маъдан ўғитларни солиш ҳосилдорликнинг ошишига сабаб бўлади.

Полиз экинлари уруғини экишда қатор оралари 210-280 см ли кенг эгат олинади. Бу полиз экинлари қатор ораларига тўрт ғилдиракли тракторлар билан ишлов бериш имконини беради. Экиш шакли қовун учун (210+70):2x70, тарвуз учун (270+90):2x70 см. схемада уруғлар 3-6 см чуқурликка экилади. Бунда уруғ сарфи гектарига майда уруғли қовун ва тарвузларда 4 кг. ни, йирик уруғли тарвузларда 5-6 кг. уруғни ташкил этади.

Эрта муддатда экилган оқбош карам майдонлари кун исиши билан сувга талабчанлиги ошади, шунинг учун экинни ҳар 8-10 кун оралатиб 550-600 м<sup>3</sup>/га меъёрда суғориш лозим. Ҳар иккинчи суғоришдан сўнг қатор ораларига махсус агрегатлар билан ишлов бериш ҳосилнинг ўз муддатида пишиб етилишини таъминлайди.

Эрта ҳосил олиш учун экилган картошкани ўсув даври давомида 450-600 м<sup>3</sup> ҳисобида: ўтлоқи тупроқли майдонларда 4-6 маротаба, бўз тупроқли майдонларда эса 5-7 маротаба суғориш тавсия этилади. Ҳар икки суғориш оралиғида қатор оралари ўсимлик шоналагунча 10-12 см чуқурликда юмшатилади.

Апрел ойида эртаки картошка бўз тупроқли ерларга гектарига соф ҳолда 220 кг азот, 170 кг фосфор, 115 кг калий, ўтлоқи, ўтлоқи ботқоқ ерларда етиштирилганда эса 180 кг азот, 150 кг фосфор, 100 кг калий билан озиклантирилади.

Эслатма, кўкат сабзавотлар республикамизда йил давомида экиб етиштириб келинмоқда, сабаби, кўкат сабзавотларга талаб йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шу сабабли, апрел ойида укропнинг “Ўзбекистон-243” ва “Ором”, кашничининг “Орзу”, петрушканинг “Нилуфар”, салатнинг “Кўк шох” сингари маҳаллий навларини экиб етиштириш яхши самара беради.

**Рустам НИЗОМОВ**, қ.х.ф.д.,  
**Фахриддин РАСУЛОВ**, қ.х.ф.ф.д.  
Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ.



# СУФОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИК ШАРОИТИДА АГРЕГАТЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Қишлоқ хўжалиги соҳасида замонавий техникалардан тузилган машина-трактор агрегатларидан фойдаланиш, энг аввало, уларнинг фойдаланиш кўрсаткичларини яхшилаш ҳисобига иш унумини оширишнинг замонавий усулларини аниқлаш ҳамда бажариладиган ишларни ташкил этишнинг янги тартиб ва қоидаларининг ишлаб чиқаришга жорий қилинишини тақозо этади.

Агрегат далада ҳаракатланганда тўғри чизиқли иш юришлар ва эгри чизиқли салт юришлар қилади (расм).

Даланинг бўйининг энига нисбатига қараб бўйи узун бўлган далаларда агрегат томонидан босиб ўтилган умумий йўлнинг ўртача 8-12 фоизи, қисқа бўлган далаларда агрегатнинг дала боши ва охиридаги бурилишлар сонининг кескин ошиб кетиши ҳисобига 40 фоизгача қисми салт юришларни ташкил этиши мумкин.

Айниқса, ҳар бир қишлоқ хўжалиги агрегатидан самарали фойдаланиш учун ишлов берилмаётган даланинг шакли ва ўлчамларини ўзаро шундай танлаш керакки, бунда агрегатнинг салт юришлар узунлиги энг кам бўлишига эришиш зарур.

Маълумки, агрегат далага ишлов бермаганда, яъни салт юрганда (дала боши ва охирида бурилганда) у вақтини бекорга сарфлаган ҳисобланади. Унинг далада ишлаётган пайтдаги салт юришларини иложи борича қисқартириш қимматбаҳо иш вақтини ва энергия сарфини камайтириш имконини беради.

Суғорма деҳқончилик шароитида дала шакли ва ўлчамларининг турлича бўлиши агрегат иш унуми ҳамда техникавий самарадорлигининг кескин ўзгаришига олиб келади.

Табиий шароитда бир хил майдон юзасига эга бўлган далаларнинг ўлчамлари, яъни унинг бўйи ва энининг нисбати турлича бўлиши мумкин. Бунда даланинг бўйи агрегатлардан самарали фойдаланиш даражасини оширишда энг муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Чунки даланинг бўйи энига нисбатан қанча узунроқ бўлса, бурилишлар сони кескин камайиши ҳисобига агрегатнинг самарали иш вақтини кўпайтириш имконини беради.

Маълумки, суғорма деҳқончилик шароити учун янгидан очиладиган ер майдонларининг узунлиги 400-600 метр бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки даланинг бўйи қанчалик узун бўлса, экинларни қаторлаб очик усулда суғориш ишларининг муддатининг чўзилишига ва суғориш сифатининг кескин пасайишига олиб келади.



Ер майдонининг энг мақбул шакли квадрат кўринишида бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти, биринчидан, далада ҳаракатланаётган агрегатнинг иш ва салт юришлар сони бир-бирига тенг бўлиши, иккинчидан, бу кўринишда агрегат бажариладиган иш жараёни шароитидан келиб чиққан ҳолда даланинг бўйи ёки эни бўйича ҳаракатланиб, бир хил самарадорлик билан бажариш имконини беради.

Аммо, ҳозирги кунда мавжуд бўлган экин майдонларининг шакли ва юзаси фермер хўжалиги жойлашган минтақанинг табиий рельефи ва етиштириладиган экинларни суғориш усулларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аввалдан ташкил этилган бўлиб, уларни ўзгартиришнинг имкони йўқ. Шунинг учун мавжуд ер майдонларининг ўлчамлари ва бажариладиган агротехник ишларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда машина-трактор агрегатларининг мақбул таркибини танлаб ишлатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Аввало, фермер хўжалигидаги мавжуд экин майдонларининг ўртача ўлчамлари (бўйи ва эни) аниқланиб, уларга асосан техникаларнинг турини танлаш қуйидаги тенгсизлик билан баҳоланади.

Ушбу тенгсизликнинг физик маъноси шундан иборатки, ер майдони бўйининг энига нисбати бирликдан қанчалик катта бўлса, кенг қамровли агрегатлардан, аксинча, бу нисбат кичик бўлса, нисбатан кичикроқ қамровли агрегатлардан фойдаланилганда, уларнинг техник самарадорлиги юқори бўлишини кўрсатади.

Ер майдонининг ўлчамлари (юзаси, бўйи ва эни), салт ва иш юришлар сони ҳамда агрегатнинг қамраш кенглигига нисбатан ўзаро боғланиш натижаларининг таҳлили бўйича қуйидаги тавсияларни бериш мумкин:

- майдон юзаси 1-3 гектар ва узунлиги 50-120 метр бўлган далаларга қамров кенглиги 1 метрли;
- майдон юзаси 3-5 гектар ва узунлиги 120-170 метр бўлган далаларга қамров кенглиги 2 метрли;
- майдон юзаси 5-10 гектар ва узунлиги 170-280 метр бўлган далаларга қамров кенглиги 3 метрли;
- майдон юзаси 10 гектар ва узунлиги 400 метр ва ундан юқори бўлган далаларга қамров кенглиги 4 метрли агрегатлар билан ишлов берилганда, уларнинг техник самарадорлиги энг юқори бўлишига эришилади.

**Сайдилла АЛИҚУЛОВ,**  
т.ф.н., доцент, ТИҚХММИ.

## ШОТУТ ВА БАЛХИ ТУТЗОРЛАРНИ БАРПО ҚИЛИШ

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги “Мавжуд ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, 2020 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларини оқилона жойлаштириш ва маҳсулот етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги қарорининг 6-илловасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2020 йилда фойдаланишга киритиладиган ерларда тут меваларини етиштириш мақсадида Шотут ва Балхи тутзорлари барпо этиш учун 100 гектардан ер майдонлари ажратиш кўрсатиб ўтилган.

Шотут ва Балхитут мевасини етиштирадиган ташаббускор фермер хўжаликлари ташкил этиш орқали мамлакатимизда шифобахш тут мевасига бўлган эътиборини янада кучайтириб, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда тайёр маҳсулотини қайта ишлаб, уларни четга экспорт қилиш имкониятлари яратилади.

Ортимиз иқлим шароитларини қулайлиги мевали тут турлари ва ажойиб навларининг мавжудлиги улардан юқори, мўл ва сифатли ҳосил олиш имкониятини беради.

Оқ тут (Балхи тут) ва қора тут (Шотут) меваси ширин, шифобахш, ҳар хил витаминларга бой бўлиб, Ўзбекистонда қадимдан экиб, кўпайтириб келинган. Тут меваси янгилигида истеъмол қилинади, ундан шарбат, шинни, мураббо, наввот, майиз ва ҳолва тайёрланади.

Тут меваси серсув, унинг таркибида 83,0-86,0 фоизгача сув бор. Бундан ташқари, у сершира мева – 11,0-13,0 фоизгача қанд миқдори мавжуд. Тут мевасини қуритиб, истеъмол қилинса, шираси янада кўпаяди. Тут майизда қанд миқдори 73,3-83,7 фоизини ташкил этади. Бундан ташқари, тут меваси В, С, Е, К, РР витаминларига бой. Шунга кўра, уни касалликдан заифлашиб қолган, тез-тез самоллайдиган кишиларга истеъмол қилиб туриш тавсия этилган.

Мевали тутзорларни ташкил қилиш учун экиладиган тут дарахтлари бир ерда бир неча ўн йиллар давомида ўсиб ҳосил беради. Демак, тутнинг меваси унинг дарахтларини ўтказиш вақтида йўл қўйилган хатоларни кейинчалик тузатиш қийин бўлади. Шунинг учун мевали тутзорлар барпо қилишга киришишдан олдин мевали тутзор учун яхши ерни танлаш ҳамда уларга яхши пайванд кўчатларни жойлаштириш масалаларини тўғри ҳал қилиб олиш керак.

Тутзорлар яратишда уларнинг қандай шаклда ўтказиш ҳам катта аҳамиятга эга. Агарда дарахтлар зич ўтказилса, кейинчалик уларнинг шохлари ўсиб, бир-бирига чирмашиб кетади ва натижада ҳосил камаяди, мевасининг сифати пасаяди. Дарахтлар сийрак ўтказилганда эса яхши ўсади, лекин тутзорда уларнинг сони кам бўлади, шунингдек совуқдан кўп зарарланади. Тут дарахтларининг узоқ яшаши, ҳосилга кириши, қанча муддат ҳосил бериши ва улардан доимий мўл ҳосил олиниши жойнинг тўғри танланишига боғлиқ.

Мева учун барпо қилинадиган шотут, балхи тутзорлардан яхши ҳосил олиш учун тутзорлар ташкил қилинганда, дарахтларнинг оралиғи республиканинг шимолий туманларида 6х6 шаклда иқлими ўртача ва жанубий минтақаларда 8х8 шаклда ўтказиш тавсия қилинади.

Мевали тутзорлар барпо қилишда тутларнинг икки йиллик шохланган кўчатлари ўтказилади. Қаторлаб экишда (ариқ бўйлари, йўл ёқалари ва томорқа участкаларига) ҳам икки йиллик пайвандланган кўчатлар экилади.

Шотут, балхи тутзорлар меваси учун барпо қилганда қаторлар орасидан 6-7 йилгача бошқа мақсадларда ораларига бир йиллик қишлоқ хўжалик экинларидан картошка, помидор, карам, сабзи ва бошқаларни ҳам экиб фойдаланиш мумкин.

Кўчатларни ўтказиш вақти. Тут кўчатларини кузда-дарахтларнинг барглари тўкилгандан сўнг ёки кузги биринчи совуқ уришдан кейин экилади. Баҳорда эса кўчатлар тупроқ етилиши билан ўтказилади.



Тут кўчатини ўтказиш учун энг яхши муддат кузда (25 октябрдан 1 декабргача). Агар декабрь ойида ҳаво иссиқ бўлса, экиш ишларини ойнинг охиригача, кўкламда эса 1 мартдан 15 апрелгача давом эттириш мумкин.

Ерни ва кўчатларни экишга тайёрлаш ҳамда кўчат ўтказиш

Ерни кузда ҳайдаш олдидан ҳар гектар майдонга 180-200 кг фосфорли ўғит солиниб, 45-50 см чуқурликда плуг билан ҳайдалади. Агар кўчатлар баҳорда ўтказиладиган бўлса, ер текисланади, режа олинми кўчатлар учун чуқурлар қовланади, яъни экиш учун тахт қилиб қўйилади.

Кўчат ўтказиладиган жойларда кўчатларни экиш вақтида ёки экишдан бир неча кун илгари 70х70 см кенгликда, 60 см чуқурликда чуқурлар қовланади. Экиш олдидан кўчат илдизларининг шикастланган, эзилган ва чириган қисмлари ўткир боғ қайчи ёки боғпичоқ билан кесиб ташланади.

Кўчатларни шундай ўтказиш керакки, уларнинг илдиз бўғизи ер бети билан бир текс туриши керак.

Экилган кўчатлар тезда қондириб суғорилади. Ўтказилган кўчатларнинг ҳаммаси ҳам тутиб кетавермайди. Шунинг учун ҳам кўчат экилган тутзорлар ҳар йили кузда текширилади, тутмай қолган кўчатларнинг ҳисоби олинади ва шу йил кузда ёки келаси йил эрта баҳорда уларнинг ўрнига пайванд қилиб ўстирилган кўчатлар ўтказилади.

Пайванд қилиб ўстирилган ва сўнгра тутзорга экилган кўчатлар ўтказилгандан кейин уларни икки-уч йилгача ҳар 15-20 кунда бир марта суғориб турилади. Кейинги йилларда эса дарахтларнинг чанқашига қараб суғорилади. Кўклам, ёз ва куз даврларида тут дарахтларининг атрофлари 15-20 см чуқурликда камида уч-тўрт марта чопилади ва қатор оралари культивация қилинади ёки ҳайдалади.

Республиканинг бўз тупроқли ерларида азот ва фосфорнинг миқдори кам бўлганлиги учун органик ва минерал ўғитлар аралаш ҳолда солинганида дарахтлар яхши ўсиб ривожланади. Органик ўғитлардан сўнг компост (чиринди) кузда ерни ҳайдашда ёки чуқур чопиқ қилишда солинади.

Мевали тутзорларга ҳар йили март ойида гектарига 120-240 кг азот, 60-120 кг фосфор ва 30-60 кг калий ўғитлари бериб борилади ва 15-20 см чуқурликда культивация қилинади.

Барпо қилинган мевали тутзорларга ўз вақтида агротехник ишловлар ўтказилиши ҳисобига, уларнинг ривожланиши яхшиланади, 4 йилдан бошлаб тут мевасини бера бошлайди. Натижада аҳолининг тут меваси ва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг таъминлаш имконияти яратилади.

**Қ.ЯВҚОШТИЕВ,**

*Қишлоқ хўжалиги вазирлиги  
Пиллачилик ва тутчиликни  
ривожлантириш бошқармаси бошлиғи.*



## ТОПШИРИҚ ВА ВАЗИФАЛАР БАЖАРИЛМОҚДА

Қадим Авесто битиклари, Маъмун Академияси-га бешик бўлган, Нажмиддин Кубро, Замахшарий, Паҳлавон Маҳмуд Огаҳий, Хоразмий, Жалолиддин Мангуберди каби буюклар ватани Хоразмнинг бугунги куни ҳам фаровон ва тароватли.

Жорий йилнинг 12-13 март кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг вилоятга ташрифи воҳа ҳаётида янги саҳифа очди. Давлатимиз раҳбари ташрифи давомида аҳолини, айниқса ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, чет давлатларга кетаётганлар учун иш ўринлари яратиш, камбағалликка барҳам бериш, оилалар турмуш шароитини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан яхшилаш, янги инновацион технологияларни ҳаётга тадбиқ этиш каби қатор масалаларга тўхталиб, мутасаддиларга вазифалар юклади, тегишли топшириқлар берди.

– Хоразмга ҳам аҳолини қандай муаммолар ташвишга солаётгани ҳақида суҳбатлашгани келдим. Шунинг учун менга кўпроқ масала қўйсаларингиз яхши бўларди. Биз ёлғон, баландпарвоз гапириб шу аҳволга келдик. Президентга ёлғон гапириш Ватанга хиёнат, – деди мамлакатимиз раҳбари ўз сўзида.

Ташриф мобайнида Юртбошимиз Янгиариқ туманидаги “Global Food Impрек” МЧЖ томонидан ташкил этилган замонавий иссиқхонани кўздан кечирди.



Бу ерда қисқа фурсат ичида 480 минг АҚШ долларилек маҳсулот экспорт қилиниши йўлга қўйилган. Иссиқхона деталларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, маҳсулотларини бозор талабидан келиб чиқиб қайта ишлашни йўлга қўйиш бўйича талай топшириқлар берилди.

Тумандаги пиллачилик корхонаси фаолияти билан танишар экан, давлатимиз раҳбари бундай корхоналарни бошқа туманларда ҳам ташкил этиш, бунинг учун тадбиркорларга бино ва тутзорларга ер ажратиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди. Шу мақсадда манзилли дастур ишлаб чиқиш кераклигини таъкидлади.

Хива шаҳри ўзининг кўҳна ва навқирон қадимий иншоотлари – осмонўпар зар кошинли миноралари,



мадрасалари, тарихий обидалари, шунингдек, замонавий кўркем бинолари билан ақлни ҳайратлантиради. Президентимиз ташрифи вақтида “Ичан қалъа” мажмуасига ҳам борди. Амир Тўра мадрасасида амалга оширилган реставрация ишлари билан танишди. Маданий меросимизни келажак авлодларга етказиш, бунинг учун реставрация мактабини ривожлантириш зарурлигини қайд этди. Шундан кейин шу ерда Хоразм вилоятининг улкан туризм салоҳиятидан фойдаланиш бўйича лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Президентимиз ташрифидан мамнун бўлган хоразмликлар юрт фаровонлиги борасидаги олиб борилаётган ишлардан руҳланган ҳолда фаолиятларини кенгайтиришга киришдилар. Жойларда берилган топшириқ ҳамда вазифалар юзасидан дастур ишлаб чиқиш ва аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб, қатор иш ўринлари яратиш ва бу билан бандликни таъминлаш ишлари бошлаб юборилди.

Қишлоқларда оилавий аҳволи оғир хонадонлардан хабар олиниб, туманлар ҳокимликлари, мутасадди ташкилотлар томонидан рағбатлантириляпти. Жумладан, Шовот тумани ҳокимлиги томонидан аҳолига ёрдам таъриқасида кам таъминланган 425 та хонадонга мевали дарахтлар – олча, ўрик, олма, нок, анор, олхўри, шафтоли, беҳи кўчалари тарқатилди. Ариқлар тозаланиб, атроф ободончилиги учун яшил арчалар экиш ишлари олиб борилди.



Ўз мухбиримиз.

## СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШ- ТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ



Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш зарурлиги белгиланган.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан шуни кузатиш мумкинки, давлат-хусусий шериклик муносабатлари мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, йирик инфраструктура лойиҳаларини самарали амалга ошириш, мамлакатда ижтимоий инфратузилма яшиланишида муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва улардаги амалиётларни мамлакатимизга жорий этиш муҳим вазифалардан саналади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасида хусусий секторнинг молиявий маблағларини, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этишни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш давлат-хусусий шериклик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида:

– халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилган ҳолда сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш;

– Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги билан биргаликда лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқишига қараб, уларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини

жалб қилиш каби вазифалар юклатилганлиги;

– сув хўжалиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган лойиҳаларни шакллантириш ва ишлаб чиқиш, шунингдек, уларни хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилиш орқали амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги масъул этиб белгиланганлиги давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ушбу қарор билан тасдиқланган йўл харитасининг сув хўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштириш йўналишида хусусий секторга давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқариш учун бериладиган насос станциялари, шунингдек, стратегик ва муҳим аҳамиятга эга бўлмаган ирригация объектларининг рўйхатини шакллантириш ҳамда ушбу соҳада давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишнинг асосий шартларини ишлаб чиқиш каби вазифалар белгилаб берилган.

Шу билан бирга, сув хўжалиги объектларининг бошқарилишини хусусий секторга давлат-хусусий шериклик шартлари асосида берилиши сув хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шериклик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш миллий маркази (Россия Федерацияси) томонидан ўтказилган «Просто и честно об инвестициях в инфраструктуру и государственно-частном партнёрстве в России» (2019), «Государственно-частное партнёрство в странах евразийского экономического союза» (2018), «Проект национального доклада о привлечении частных инвестиций в развитие инфраструктуры и применении механизмов государственно-частного партнёрства Российской Федерации» (2018) каби тадқиқотлар ва таҳлиллар

ўтказилиши айнан сув хўжалиги инфраструктурасини ривожлантиришга хизмат қилади.

Давлат-хусусий шериклик асосидаги инвестицион лойиҳалар – бу давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўрта ва узоқ муддатли тузилган шартномалар асосида ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни ҳал этиш учун тузилган ҳамкорлик асосида амалга ошириладиган лойиҳалардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 октябрдаги “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги билан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ўртасидаги самарали ҳамкорлик ушбу соҳада изчиллик билан олиб борилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини оширади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида Наманган вилоятининг Поп ва Мингбулоқ туманларида самарали фойдаланилмаётган, янги ўзлаштириладиган ер майдонларида тажриба синов тариқасида давлат-хусусий шерикликнинг жорий этилиши кўрсатилган.

Мазкур фармон ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги “Наманган вилояти Поп ва Мингбулоқ туманларида агросаноат кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида “ART SOFT HOLDING” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди ва қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий асосланган янги инновацион ғоялар ҳамда хорижий тажрибалар соҳага татбиқ этилмоқда.



Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан давлат-хусусий шерикликни соҳага татбиқ этиш борасида Наманган вилоятининг Поп ва Мингбулоқ туманларидаги сув ресурсларини бошқариш учун "ART SOFT HOLDING" ҳамда Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманидаги сув ресурсларини бошқариш учун "ТСТ АГРО CLUSTER" масъулияти чекланган жамиятлари билан вазирлик ўртасида давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш бўйича концепция ишлаб чиқилди.

Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ, Наманган вилоятининг Поп ва Мингбулоқ туманлари харитаси ҳамда туман сув хўжалиги ташкилотларининг балансидаги мол-мулк, ирригация, мелиорация тармоқлари ҳамда насос станциялари инвентаризациядан ўтказилди.

Сув хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг жорий этилишини таъминлаш борасида хорижий давлатларнинг етакчи компаниялари билан олиб борилаётган ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги билан Янги Зеландиянинг «Sustainable Energy Services International» компанияси ўртасида насос станцияларини бошқаришда давлат-хусусий шериклик муносабатларини жорий этиш тўғрисида англашув меморандуми имзоланди. Ушбу меморандум доирасида сув хўжалиги тизимида бир қатор насос станцияларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқариш билан боғлиқ аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Шу билан бирга, республикамизнинг 22 та туманида жойлашган Сув хўжалиги

вазирлиги тизимидаги жами 50 та сув хўжалиги объектларида ҳам келгусида давлат-хусусий шериклик тамойилини жорий этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан республикамизда жойлашган сув хўжалиги объектларида тўлиқ давлат-хусусий шериклик тамойилини татбиқ этилишига эришиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинганлиги ушбу йўналишдаги пировард мақсадларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

**Элёр ШЕРМАТОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Сув хўжалиги вазирлиги  
Юридик бошқармаси бош  
юрисконсулти.

**ЖАРАЁН**

## БЕШТА МУҲИМ ТАШАББУС КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА

Президентимиз халқимизнинг маърифат ва маънавиятга бўлган эътиборини кучайтириш, ёш авлодга таълим бериш ба-робарида, улар қалбига Ватанга, ота-онага, элга меҳр-муҳаббат туйғуларини болалиқдан оқ сингдириш кераклигини, тарбия масканлари ишини тубдан яхшилаш лозимлигини мунтазам таъкидлаб келмоқда. Шу боис умрида мактаб эшигидан кирмаган айрим амалдорлар ҳам таълим даргоҳларига эътибор бера бошлади. Шундай қилиб, давлатимиз раҳбари томонидан ўртага қўйилган бешта муҳим ташаббус кенг қулоч ёйди. Жумладан, ўқувчиларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш, истеъдодини болалиқдан шакллантириш, уларни касб-хунарга йўналтириш, мусиқа, спорт, компьютер саводхонлиги, тўқувчилик, тикувчилик каби тўғарақларга жалб қилиш каби муҳим тадбирлар амалга оширила бошланди.

Хоразм вилояти Шовот туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабида ҳам "Беш ташаббус – бешта имконият!" шиори остида турли қизиқарли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Мактабга тажрибали устоз Ҳасанбой Отажонов раҳбарлик қилади. Бу даргоҳда бугунги кунда 335 нафар ўқувчига 40 нафар малакали ўқитувчилар таълим ва тарбия сирларини ўргатмоқдалар.

Иқтидорли устозлардан Шалола Абдиримова Урганч давлат университетини тугатиб, ўқувчиларга кимё фанидан сабоқ бера бошлаганига анча йиллар бўлди. Ўзи раҳбарлик қилаётган юқори синф ўқувчилари билан қизиқарли тадбирлар, қишлоқ хўжалиги ходимлари билан учрашувлар ўтказиш, тўғарақларда иштирок этаётган ўқувчилари фаолиятини мунтазам ўрганиб, рағбатлантиришни йўлга қўйган. Синф ўқувчилари аллақачон ўзлари истаган касб эгаси бўлиш учун астойдил интилиб, фанлар ва кўрик-танловларда юқори уринларга эришмоқдалар.

Роҳила Ҳайитбаева физика-математика фани муаллими. У болажонлиги туфайли бошланғич синфларга таълим бериш мақсадида 2011 йилда Республика ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтининг Хоразм филиалида бошланғич таълим йўналиши бўйича қайта тайёрловдан ўтди. Ҳозир у ўзи раҳбарлик қилаётган синф ўқувчиларини Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаб, улар онгида боғдорчилик ва томорқа хўжалик ишларига меҳр ўйғотмоқда. Атроф-муҳитга, уй



хайвонларига эътибор бериш ҳақида қизиқарли тўғарақ ишлари олиб борапти.

Мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Жамшид Раҳимов ўқувчиларга Ватанимизнинг улуг ўтмиши ва буюк келажаги ҳақида ўргатар экан, юртимиздаги тенги йўқ тарихий обидалар ҳақида ҳам мириқиб сўзлаб беради. Яқинда унинг ўқувчилари тумандаги илғор фермер хўжалиги раҳбари Раҳимберган Тожимов билан учрашдилар. Улар фермер билан учрашувдан сўнг меҳнат қилиш, яхши ўқиш орқали обрў-эътибор топиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдилар. Улар учрашувдан кейин мактаб боғида кўчат экиш билан шуғулландилар.

Хуллас, мактабда тўғарақлар иши, турли тадбирлар ўтказилиши яхши йўлга қўйилган. Шуниси аҳамиятлики, ҳар бир синфда алоҳида чиқариладиган деворий газеталар саҳифаларида ҳам мактабнинг кундалик фаолияти тўла ёритиб борилмоқда. Атроф озодлиги, ўқувчиларнинг муомала маданияти, ота-оналарнинг мактабга эътибори бу ердаги устозларнинг ўз касбига бўлган садоқатини яққол намоён қилади.

**Ўз мухбиримиз,**

**Суратда: Мактаб боғида баҳорги кўчатлар экилмоқда.**

## ИСПАНИЯ СУВ ХЎЖАЛИГИ

*Дуёни ўз қарчилизи билан ўлмаймиз,  
Кўрган, билган, тасаввурлар ўзгаради.*

Мен илгари Европа ҳақида – иқлими намчил, қуёшли кунлари бизга нисбатан кам, баҳори кечроқ келади, деб ўйлардим. Бир гал апрель ойида Швецияга, кейинги гал май ойида Германияга борганимда, баҳор бу давлатларда Ўзбекистонимизга қараганда кун ҳисобиди орқада эканини ўз кўзим билан кўргандим.

Февраль ойининг охирида кўҳна қитъа жануби-ғарбидаги Испанияга сафаримиз Европа ҳақидаги тасаввурларимни ўзгартириб юборди. Илк эътиборимни тортган жиҳат – бу ўлкага баҳор аллақачон ўз сепини ёйгани бўлди.

Дов-дарахтлар уйғониб, кўртаклари бўртиб қолган. Айримлари қийғос гуллаган. Ҳар-ҳар жойда ям-яшил дарахтларга ҳам кўзингиз тушади. Аҳоли энгил кийимларга ўтган.

Дарвоқе, Испанияга нега келганимиз ҳақида.

Сув хўжалиги вазирлигининг миллий ҳамкори ҳисобланган, Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган “Ўзбекистонда барқарор сув ва экологик ривожланиш учун ҳамкорлик ва хабардорликни ошириш. Компонент-3” (UzWaterAware) лойиҳаси доирасида Марказий Осиё минтақавий экологик маркази Испанияга ўқув сафарини уюштирди. Унда тегишли сув ва қишлоқ хўжалиги вазирликларининг матбуот котиблари, шу соҳада фаолият юритувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, блогерлар қатнашди.



### Испан дарёлари асосан ёмғир сувларидан шаклланади

Ўзбекистонда журналистлар уюшмаси бор.

Лекин, бирон-бир тармоқ ёки соҳани ёритишга ихтисослашган журналистларнинг уюшмалари йўқ.

Испанияга ўқув сафаримиз чоғида ушбу мамлакат Агро озиқ-овқат соҳаларини ёритувчи журналистлар ассоциацияси аъзолари ва мутахассислари билан учрашдик.

Улар томонидан “Қишлоқ хўжалиги соҳасини қандай қилиб ёритиш ва PRни амалга ошириш” мавзусида тренинг ўтказилди.

Испания Агро озиқ-овқат соҳаларини ёритувчи журналистлар ассоциациясининг асосий мақсади ушбу соҳа журналистикасини ривожлантириш ва агро озиқ-овқат фаолиятини тараққий эттиришга кўмаклашиш. Соҳани ёритувчи барча журналистлар Ассоциацияга аъзо ҳисобланади.

Таъкидланишича, Испания дарёлари асосан ёмғир сувларидан шаклланади. Қиш ва баҳор мавсумида дарёлар оқими кўпаяди, ёзда сув ниҳоятда камайиб, айрим дарёлар қуриб қолади. Шу боис, оби-ҳаётни тўплаш учун сув омборлари қурилган. Қурғоқчилик йиллари мамлакат сув танқислигидан қийналади.

Ўзбекистонга ўхшаш томони – йирик дарёлар сувини назорат қилиш ва бошқариш учун ҳавза бошқармалари фаолият юритади. Мамлакатда жами сув ресурсларининг 78 фоизи қишлоқ хўжалиги, 17 фоизи аҳоли эҳтиёжлари, 5 фоизи саноат ва электр энергияси ишлаб чиқариши учун йўналтирилади.

Тренингда соҳага доир ахборотларни излаш, олиш ва тарқатиш билан боғлиқ жараёнлар ҳақида сўз борди.

Платиналарсиз сувни бошқариб бўлмайди

Испанияда Сув ресурслари бошқармаси Экологик ўтиш



ва демографик муаммолар вазирлиги таркибида фаолият юритади. Бошқарма сувдан фойдаланиш, режалаштириш, молиялаштириш ва назорат қилиш билан шуғулланади.

Мамлакатда суғориладиган ерлар 3,5 миллион м<sup>2</sup>. Барча сув ресурслари давлат ихтиёрида. Суғориш учун сув истеъмолчиларга бепул етказиб берилади.

Дарёлар ёмғир сувлари ҳисобидан шаклланганлиги сабабли, платиналарсиз сувни бошқариб бўлмайди. Мамлакат бўйича йирик платиналар сони 1200 дан зиёд. Шундан 400 таси давлат томонидан, 800 дан ортиғи хусусий мулкдорлар томонидан бошқарилади.

Сув танқислиги сабабли иккиламчи фойдаланиладиган сувнинг 71 фоизи суғоришда ишлатилади.

Испания Экологик ўтиш ва демографик муаммолар вазирлигининг Сув ресурслари бошқармасида бўлиб ўтган учрашувда шулар ҳақида маълумот олдик.

### “Вадомохон” сув омбори

Испанияга сафаримиз давомида Гвадалквивир дарё ҳавза бошқармаси тизимига кирувчи “Вадомохон” сув омборини бориб кўрдик.

Мазкур иншоот 1993-1997 йилларда қурилган. Платинанинг баландлиги 67 метр. Иккита сув дарвозаси бор. Нормал ҳолатда секундига 350 литр атрофида сув чиқади. Иншоот 15 минг гектар ерни сув билан таъминлайди. Шундан 5 минг гектари сув омборининг юқори қисмида, 10 минг гектари қуйи қисмида жойлашган.

Иншоотни қўриқлайдиган доимий қоровул йўқ. Худуд маҳаллий полициячилар назоратига олинган.

“Вадомохон” сув омбори техник раҳбари Педро Эскриванонинг айтишича, илгари бир-икки марта электр кабелларини ўғирлаб кетиш ҳолатлари кузатилган. 3-4 нафар қоровулга йил-ўн икки ой давомида маош тўлагандан кўра, ўғирланган кабелнинг ўрнига янгисини сотиб олиш арзонга тушади. Бунинг устига ҳозир маҳаллий аҳоли сув уларнинг ҳаёти учун қанчалик қадри эканини тушуниб етган. Шу боис, ўғирлик ҳолатлари кузатилмаяпти.

Сув омбори дарвозаларини очиб-ёпиш, сувни назорат қилиш тўлиқ автоматлаштирилган. Бошқарув пулти юқорида жойлашган. Бошқарув ускуналари эса пастда, сув дарвозасининг устки қисмида жойлашган. Техник ходимга дарвозани очиш ёки ёпиш ҳақида топшириқ берилганидан сўнг, юқоридаги ва пастдаги бошқарув тугмалари икки киши томонидан бир пайтда босилганидагина ускуна ишлайди. Яъни, бир кишининг ускунани бошқариш имкони йўқ. Ишлар бажарилганидан сўнг, ходимлар эшикларни қулфлаб кетади.

Гвадалквивир дарё ҳавза бошқармаси тизимига кирувчи сув омборлари учта вазифани бажаради:

сув ресурсларини назорат қилиш ва бошқариш;  
худуддаги ерларни сув билан таъминлаш;  
сув тошқинларининг олдини олиш.

Шу билан бирга, кейинги 5 йилда яна бир вазифа кўшилди, яъни гидроэлектр станцияси ишга туширилди.

Эътиборимни тортган жиҳати, сув омбори атрофидаги барча майдонлар, шу жумладан, адирликларга ҳам зайтун дарахти экилган.



Илгари Гуадахос дарё ҳавзаси бўйлаб 10 минг гектар ҳудудда пахта, лавлаги, қисман маккажўхори етиштирилган. Кейинги йилларда ушбу ҳудудлар зайтун етиштиришга ихтисослашди. Зайтун кам сув ичади. Томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинадиган бўлса, сув янада тежалади. Даромад янши бўлгани ва сувни кам талаб қилгани боис, бошқа экинлар ўз ўрнини зайтунга бўшатиб берибди. Ҳозирда ҳавза ҳудудидаги майдонларнинг 90 фоизда зайтун етиштирилади.

Илгари зайтундан фақат ёғ олинган бўлса, эндиликда мевасини сотиш ва зайтун шарбати ишлаб чиқариш кенгаймоқда.

Ҳудуддаги йирик сув омборлари давлат томонидан бошқарилади. Нисбатан кичик сув омборларида давлат-хусусий шериклиги йўлга қўйилган. Бунга гидроэлектр станцияси барпо этилган сув омборини мисол келтириш мумкин.

Сув омбори билан танишув якунида унинг техник раҳбари Педро Эскриванога Ўзбекистон сув ҳўжалиги ҳақидаги электрон китоб ва бошқа совғалар топширилди.

### Водород – келажак ёқилғиси

Водород Менделеев даврий системасининг биринчи гуруҳига мансуб кимёвий элемент, одатдаги шароитда рангсиз, ҳидсиз газ бўлиб, таъми йўқ. Табиатда алоҳида учрамайди, сувдан олинади, энергия манбаи сифатида фойдаланилади. Экологик тоза ёқилғи.



Водород бир неча усулда олинади. Электролиз усули энг кен тарқалган. Бунда сув ва электр токи реакциясидан кислород ва водород олинади. Ҳосил бўлган водород яна қайта ишланади.

10 литр сувдан – 57 килловатт электр энергияси сарфланиб, 1 килограмм водород олиш мумкин. Ҳосил қилинган водороддан яна электр энергияси олмоқчи бўлсак, у 33,3 килловатт электр энергиясини беради.

Водороднинг электр энергиясидан фарқи, у қайта тикланувчи энергия манбаи ҳисобланади, бунинг устига сақлаш ва бошқа мақсадларда ҳам ишлатиш мумкин.

Водород ёқилғисидан исталган турдаги транспорт воситасида фойдаланса бўлади. Мисол учун, водородда ишлайдиган энгил автомобиллар соатига 178 километр тезликда ҳаракатлана олади. 1 килограмм водород ёқилғиси билан 100 километр масофани босиб ўтади.

Таққослайдиган бўлсак, бензинда юрадиган машиналар атмосферага зарарли моддалар чиқаради. Водородли автомобиллардан эса атмосферага сув буғи чиқади. Уларнинг аксариятида, ҳатто, тутун чиқариш тизими ҳам йўқ.

Электрда юрадиган автомобилларнинг қувват олиш вақти жуда узоқ. Водородли автомобилларни қувватлантириш учун 3-5 дақиқа вақт кифоя. Шу билан бирга, водородли машина узоқ йўлда юрганида, у кўп водород сарфламайди. Бу пайтда водороднинг бир қисми моторга боради, бир қисми эса бакка қайтиб, сақланади.

Тадқиқотчилар водородли машинани турли синовлардан ўтказган. Масалан, унга қуролдан ўқ узиб кўрилган, босим ўтказилган, бироқ водород баки портламаган. Демак, бундан водородли автомобиллар хавфсиз деган хулосага келиш мумкин. Энг муҳими эса, айтиб ўтганимиздек, водород экологияга зарар келтирмайди.

Ҳозирги кунда Европада 14 мингта машина водород ёқилғисига ўтган. Испанияда водородли автомобилларга хизмат кўрсатувчи учта марказ мавжуд. Водороднинг нархи бир литр учун 3 евродан 7 еврогача.

Испанияга сафаримиз чоғида Hidrogeno Миллий водород

марказида ҳам бўлди. Марказ нодавлат ташкилот бўлиб, водородни қўллаш бўйича тадқиқотлар олиб боради ва ўз ихтироларини амалга табиқ этиш билан шуғулланади. Асосий вазифаси, келажак ёқилғиси бўлган водород истеъмолини миллий даражага олиб чиқиш.

Марказ водородни сақлаш, ташиш ва бевосита уни қўллаш тизимларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Биринчи босқичда водород ишлаб чиқарилади ёки қайта ишланади, иккинчи босқич уни сақлаш масаласини ўз ичига олади. Яъни қайта ишланган, тозаланган водород кейинги қўлланишга қадар сақланади.

Учинчи босқич эса водородни ташиш, яъни унинг қўлланилиши. Водороддан электр энергияси ҳамда иссиқлик ишлаб чиқариш учун ҳам фойдаланилади.

### Иссиқхоналар ёмғир сувларини йиғишга мослаштирилган

Бугунги кунда Испанияда 75 минг гектар майдонда иссиқхоналар бўлиб, шундан 33 минг гектари Альмерия ҳудудига тўғри келади. Альмерия Испаниянинг энг бой провинцияси. Бу ерда етиштирилган тропик мевалар, сабзавот ва кўкатлар бутун Европада етказиб берилади.

Биз “Almajar” илмий-экспериментал маркази ва унинг иссиқхоналари фаолияти билан танишдик. Марказнинг умумий майдони 15 гектар бўлиб, унда 30 та иссиқхона бор. Уларнинг барчасида ўсимликларни парваришlash билан боғлиқ тадқиқот, синов ва тажрибалар олиб борилади.

Иқлими совуқроқ мамлакатларда иссиқхоналар иссиқлик манбаи билан таъминланган бўлса, Альмерияда бунга зарурат йўқ. Аксинча, ёз ойларида ҳарорат ўта исиб кетганида, қўшимча ёпқичлар ёрдамида иссиқликни камайтиришга ҳаракат қилишади.

Унда иссиқхоналарнинг нима кераги бор, деган савол туғилади. Биринчидан, ёпқич усулдаги иссиқхоналар ўсимликларни турли зараркунандалардан асраш, ўз вақтида парваришlash учун шароит яратади. Энг муҳими – сув ва минерал ўғитлар тежалади. Мисол учун, булғор қалампири ёки тарвуз очиқ майдонда етиштирилганида иссиқхонага нисбатан икки баробар кўп сув сарфланади.

Шу билан бирга, иссиқхоналар томи ёмғир сувларини йиғиб олишга мослаштирилган. Тўпланган сув суғориш учун ишлатилади. Альмерияда йилига 220 мм атрофида



ёғингарчилик бўлар экан. Иссиқхона томининг юзасида йиғилган ёмғир сувлари ўсимлик турига қараб, суғоришга сарфланадиган эҳтиёжнинг 20-30 фоизини қоплаш имконига эга.

\*\*\*



орқали томошабинларга, ўқувчиларга етказилмоқда.

Испанияга сафаримиз фойдали ва самарали бўлди. Иштирокчилар сув ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасида кўплаб янгиликлар, тадқиқот натижалари билан танишди. Таассуротлар оммавий ахборот воситалари

**Шухрат СУЙОНОВ,**  
Сув ҳўжалиги вазирлигининг матбуот котиби,  
Тошкент-Мадрид-Тошкент.

## СУВ – ҲАЁТ МАНБАИ

*Сув – инсоннинг ер сайёрасида умргузаронлик қилиши учун зарур бўлган унсурлардан бири. Зеро, она заминимизни яшнатиб, унинг неъматларини ҳар бир жонзотнинг олдида муҳайё қилгувчи ҳам сувдир. Магарким ерда манашу унсур бўлмаса, ҳаёт отлиқ олий неъмат ҳам бўлмас эди. Шунинг учун одамзот азал-*

*азалдан сувни эъзозлаб, тежаб-тергаб ишлатишни ўзига касб қилган. Жумладан, қадим туркнинг авлодларига ҳам бу анъана меросдир. Наманган вилоятида сувдан унумли фойдаланиш, уни тежамкорлик билан сарфлаш, экин майдонларига йўқотишларсиз етказиб бориш борасида талайгина ишлар амалга оширилмоқда.*

2019 йил корхонамиз ишчилари учун муваффақиятли йиллардан бири бўлди – дейди “Намангансувқурилишинвест” ДУК Акрамжон Ғаниев. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвеститция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғриси”даги ПҚ-4067-сонли қарори доирасида шакллантирилиб, манзилий рўйхатда жами 29494,104 млн. сўм капитал (лимити) ирригация объектлари қурилишлари учун режалаштирилди. Шундан 27158,995 млн. сўмини қурилиш-монтаж ишлари ташкил этар эди. 2019 йилнинг январь-декабр ойларида амалда жами 29454, 628 млн. сўм капитал маблағ ўзлаштирилиб, йиллик режага нисбатан 100,0 фоизга бажарилди. Жами 28,015 км узунликдаги каналлар, сифими 0,45 млн. мз бўлган сел омбори, 2,17 км узунликдаги сой дамбалари ҳамда 4 дона гидротехник иншоот қайта қуриб битказилди. Ушбу кенг кўламли ишларнинг бажарилиши натижасида вилоятимизнинг 33211 гектар экин майдонларига сувнинг йўқотишларсиз, керакли миқдорда етиб бориши таъминланди. Бундан ташқари, мелиорация объектларини қурилишлари учун, жами 3855,683 млн. сўм, мелиорация объектларини таъмирлаш ва тиклаш учун 13300,000 млн. сўм маблағ (лимит) ажратилган эди. Ушбу белгиланган маблағларни тўғри йўналтириб, ишларни ўз вақтида сифатли бажарилиши натижасида 29562 гектар экин майдонининг мелиоратив ҳолати яхшиланиб ҳосилдорликнинг ошишига ҳиссамиз қўшилди. Жорий йилги ҳосилнинг бўлиқ бўлишида, албатта, ушбу тадбирларимизнинг хиссаси катта бўлишига ишонамиз.

– Жорий йил ҳам улкан марраларни забт этишни мақсад қилганмиз – дей-

ди корхона бош муҳандиси Сирожиддин Муҳиддинов. – Ирригация объектлари қурилишлари учун Сув хўжалиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январдаги “2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4565-сонли қарори доирасида шакллантирилиб, манзилий рўйхатда жами 21583,168 млн. сўм капитал маблағ (лимити) режалаштирилган. Шундан, 15310,366 млн. сўмини қурилиш-монтаж ишлари ташкил қилади. Манзилий рўйхатга жами 10 та ирригация қурилиш объектлари киритилган бўлиб, улардан 4 таси йилдан-йилга ўтган, 6 таси янгидан бошланувчи (1 та селдан ҳимоялаш, 5 та “Обод қишлоқ” дастурига киритилган) объектлардир. Ҳозирги кунда 4 та йилдан-йилга ўтган объектлар кўшимча келишув битимлари ва иш бажариш графиклари тасдиқланиб, тўлиқ молиялаштириш ишлари йўлга қўйилган ва бу объектларда қурилиш ишлари давом эттирилмоқда. Янгидан бошланувчи 5 та “Обод қишлоқ” дастурига киритилган объектларда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, янгидан бошланувчи 1 та селдан ҳимоялаш объекти учун ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари Сув хўжалиги вазирлиги талаблари асосида такомиллаштирилиб, давлат экспертизасидан ўтказилиб, тендер савдоси ўтказиш учун эълон берилган.

Тасдиқланган манзилий рўйхатга мувофиқ жорий йилда жами 12,862 км узунликдаги каналлар ҳамда 1 дона гидротехник иншоотни қайта қуриб битказиб фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Ушбу хайрли амалларнинг ўтказилиши натижасида вилоятимизнинг 23032

гектар экин майдонидаги сув таъминоти яхшиланади.

Бундан ташқари, Мелиоратив объектлар қурилиш учун 4661,200 млн. сўм капитал маблағ (лимити) режалаштирилган.

Манзилий рўйхати жами 5 та мелиорация қурилишлари объектлари киритилган бўлиб, улардан 1 таси йилдан-йилга ўтган, 4 таси янгидан бошланувчи объектлардир. Тасдиқланган манзилий рўйхатга мувофиқ жорий йилда жами 13,25 км узунликдаги коллекторларни реконструкция қилиш ҳамда 4,67 км узунликдаги ёпиқ ётиқ зовурларни қуриш режалаштирилган. Ушбу белгиланган ишларнинг тўлиқ бажарилиши натижасида 1679 гектар экин майдонларининг мелиоратив ҳолати тўлиқ яхшиланади. Жорий йил мелиорация объектларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари учун Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги 03/1-4100-сонли йиғилиш баёнига асосан шакллантирилиб, манзилий рўйхатда жами 9774,000 млн. сўм маблағ (лимит) режалаштирилган. Ушбу маблағ эвазига 19 та мелиоратив объектларни таъмирлаш-тиклаш ишлари кўзда тутилган бўлиб, улардан 1 таси йилдан-йилга ўтувчи, 18 таси янгидан бошланувчи объектлардир. Тасдиқланган рўйхатга мувофиқ жорий йилда жами 1068,2 км узунликдаги коллекторларни реконструкция қилиш режалаштирилган. Бунинг натижасида вилоятимизнинг яна 14409 гектар экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Ушбу залворли ишларни амалга оширишимизда вилоятимизда фаолият юритаётган пудратчилар “Мингбулоқсувмахсуспудрат” МЧЖ, “Норинсувқурилиш” МЧЖ, “Насостаъмир” МЧЖ, “Плант Индастри” МЧЖ, “Попсувмахсуспуд-





**Суратда:** (чапдан) “Намангансувмахсуспудрат” МЧЖ корхонаси иш юритувчиси Икромжон Абдуллаев ва корхона бош муҳандиси Сирожиддин Муҳиддинов.

рат” МЧЖ, “Намангансувмахсуспудрат” МЧЖ, “Ёркўрғонмелиосувқурилиштаъмир” МЧЖ корхоналари яқиндан кўмак бериб келишмоқда.

– Шимолий Фарғона магистрал канали Наманган шаҳри ичини оралаб оқиб ўтади – дейди “Намангансувмахсуспудрат” МЧЖ

корхонаси иш юритувчиси Икромжон Абдуллаев. – Ўтган 2019 йил давомида шаҳар ҳудудидан ўтган ПК413+00 дан ПК423+00 гача бўлган объектда қайта қуриш ишларини олиб бордик. Бунинг учун давлатимиз томонидан 3 297 260 млн. сўм миқдорда маблағ ажратилди. Натижа кўзни қувонтиради. Каналнинг оқими бир текис қирғоқлар бетон қоришмаси билан мустаҳкамланган. Канал четида пиёдалар учун йўлак ва ўтириб ҳордиқ чиқаришлари учун ўтиргич ва соябонлар қўйилди. Бундан шаҳар аҳли хурсанд.

– Бизнинг иш бошла-ганимизга кўп бўлмади, – дейди яна бир “Намангансувмахсуспудрат” МЧЖ корхонаси қурилиш устаси Баходир Хожиев. – Маълумки, Чортоқ шаҳри тоғ

тизмалари этагида жойлашганлиги сабаб, бу шаҳарга баҳор ойларида сел сувининг кўп миқдорда қуйилиб келиши кузатилади. Бундай ҳолдан аҳоли яшайдиган объектлар ва экин майдонлари зарар кўради. Жорий йил ушбу кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида Чортоқсойнинг Чортоқ туманидаги ПК298+00 дан ПК313+00 гача бўлган ҳудудда қайта қуриш ишларини бошлаб юбордик. Айти кунларда барча техникаларимиз ушбу объектда меҳнат қилмоқда. Давлатимиз томонидан ажратилган 3219,4 млн. сўм белгиланган муддатда ўзлаштирилиб, халқимиз фаровонлигига ўз хиссамизни қўшамиз.

Халқимиз бежиз “Қимирлаган – қир ошибди”, деб айтмаган. Вилюятда эл юрт равнақи учун ўз хиссасини қўшиш мақсадида тинмай меҳнат қилаётган соҳа ходимларининг ишларига ривож тилаймиз.

**Каримжон ЭРГАШЕВ,**  
ўз мухбиримиз.

## ТАРМОҚЛАР ҲАЁТИ

## НАВОЙДА ЁШ СУВЧИЛАР БОҒИ БАРПО ЭТИЛДИ

Бугунги кунда Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасарруфидаги ташкилотларда фаолият кўрсатаётган ишчи-ходимларнинг қарийб 30 фоизини ёшлар ташкил этади. “Яхшидан боғ қолади...”, деганларидек, кўчат экиб, боғ яратиш иштиёқида бўлган ҳавза бошқармаси ёш сувчилари яхши бир ташаббус билан чиқишди.

Фойдаланилмаётган майдонларда “Ёш сувчилар боғи”ни ташкил этиш ва ушбу боғда суғоришнинг инновацион усулларини амалда синаб кўриш ғояси раҳбарият томонидан ҳам қўллаб-қувватланди.

Ушбу боғ Хатирчи туманидаги тоғолди, хушманзара табиатга эга, булоқ, ёмғир ва қор сувлари билан тўйинадиган “Кўксарой” сув омбори ҳудудида барпо этиладиган бўлди. Шу аснода тизим ёшлари бир ёқадан



бош чиқаришиб, ушбу ҳудуддаги 5 гектарлик майдонга мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Жумладан, 2000 туп ёнғоқ, 1000 туп бодом, 1000 туп арча ниҳоллари “Ёш сувчилар боғи”дан жой олди.

– Истиқболда ҳудуд кўркига кўрк қўшиш баробарида, экологияни яхшилашда ҳам муҳим ўрин тутадиган ушбу янги боғга яхши ниятлар билан “Ёш сувчилар боғи” деган ном бердик. Аҳамиятли томони шундаки, бу ерда экилган ниҳоллар асосан тежамкор технологиялар воситасида томчилатиб суғорилади. Шунингдек, ушбу боғ келажакда тизим ёшлари учун суғоришнинг инновацион усуллари амалда қўллаб кўриладиган ўзига хос

синов майдончаси вазифасини ҳам бажаради, – дейди бошқарма Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчиси Улуғбек Назаров.

Албатта бу каби хайрли ташаббуслардан кўзланган асосий мақсад, фойдаланилмайдиган жойларда турли ўсимликлардан таркиб топган “яшил ҳудудлар”ни барпо этиш ва шу орқали экология барқарорлигини таъминлаш, бундан ташқари, янги боғлар мисолида истиқболда тизим ишчи-ходимлари, жумладан, ёшлари учун маданий ҳордиқ чиқарадиган масканлар яратишдан иборат.

Ўз мухбиримиз.

## ЕР ВА СУВНИНГ ЭГАСИ БОР

**Ўзбекистонда ҳар бир инсон ўзи ва оиласи учун турар-жой тиклаш ёки ер майдони олган ҳолда деҳқончилик қилиб, рўзгор тебратиш имкониятига эга. Бундан 20 йиллар олдин, аниқроғи, 1989 йилдан бошлаб, мамлакатимизда тўрт ва ундан ортиқ аъзолари бўлган оилаларга 25-50 сотихдан ерлар ажратила бошлади. Бунинг натижасида юртимиз бўйлаб кўплаб одамларга қўшимча даромад олиш, оила бюджетини яхшилашга шарт-шароит яратилди.**

Мустақил Ўзбекистонда аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқилган ҳолда бундай ишлар қамрови янада кенгайди. Афсуски, ана шу хайрли ишларни суиистеъмол қилиш ҳолатлари ҳам кўзга ташлана бошлади. Жумладан, мамлакат иқтисодиёти ривож, эл-юрт фаровонлиги манбаи бўлган, аслида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган сувли ерларни ўзбошимчалик билан ўзлаштириб олиш ҳоллари бунга мисол бўлади. Дарров айтишимиз керак: Қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек, бу борадаги нохуш ва ноқонуний ишларда аҳоли вакиллари билан бир қаторда, маҳаллий ҳокимликлар, ерга алоқадор идоралар, ҳатто, “ўзини хон, кўланкасини майдон” ҳисоблаган айрим фермерларнинг ҳам бирдек “ҳиссаси” бор.

– Президентимизнинг 2019 йил 17 июнда эълон қилинган “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига биноан, жорий йилнинг февраль ойида республика ишчи гуруҳи ташкил этилиб, унинг таркибига бизнинг соҳамиз вакиллари ҳам киритилди, – дейди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг Жиззах вилоят бошқармаси бошлиғи Илёс Бегатов. – Олиб борган ўрганишларимиз натижасида вилоятда маҳаллий ҳокимликлар томонидан ноқонуний ер ажратилиши билан боғлиқ 157 та ҳолат аниқланди. Бунда салкам 5 минг гектар ер майдони жисмоний ва юридик шахсларга

“ҳотамтойларча” тарқатиб юборилган. Шароф Рашидов туманида 180,6, Зоминда 224, Янгиободда 712,1, Дўстликда 276,1, Мирзачўлда 146,7, Арнасойда 3138, Ғаллаоролда 149,3 гектар ер талон-тарож қилинган. Айтиш жоизки, ишчи гуруҳнинг қисқа муддат ичида амалга оширган саъй-ҳаракатлари натижасида туман ҳокимлари томонидан қабул иқлинган 126 та қарор ноқонуний, деб топилди ва прокуратура томонидан киритилган протестларга асосан бекор қилинди.

Мониторинг дараёнида, шунингдек, айрим жисмоний ва юридик шахслар томонидан ерларнинг асоссиз равишда, ўзбошимчалик билан ўзлаштириб олиниши ҳолатлари ҳам аниқланмоқда. Вилоят ҳудудида жами 1 минг 117 гектардан ортиқ ер майдони шу йўл орқали ўзлаштирилган. Хайрият, бу борадаги масалалар ишчи гуруҳнинг жамоатчилик ўртасида ўтказган тушунтириш ва ташвиқот ишлари натижасида қарийб ҳал этилди. 1 минг 101 гектардан ортиқ ер майдони ихтиёрий тарзда давлатга қайтариб берилди.

– Кейинги йилларда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерларга айрим фуқаролар ёки тадбиркорлик субъектлари томонидан ноқонуний бино ва иншоотларни қуриб олиш ҳолатлари ҳам кўплаб учраяптики, бу борада йилнинг ўтган даврида Жиззах вилоятида 2 минг 765 та ҳолат аниқланди. Уларнинг 55 таси бўйича 1 миллиард 146,5 миллион сўмга яқин зарар ҳисоб-китоб қилиниб, 24 таси юзасидан судларга даъво аризалари

киритилди. Инспекциянинг туман бўлимлари томонидан 73,5 гектар ёки 252 та ҳолат бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ҳужжат расмийлаштирилиб, уларнинг 208 таси кўриб чиқиш учун маъмурий судларга юборилди.

2020 йил март ойининг бошида инспекциянинг Дўстлик туман бўлимига “Дўстликпахтатозалаш” ва “Дўстликдонмахсулотлари” акционерлик жамиятлари ҳамда “Нурли дон” МЧЖ вакиллари туман ҳудудидан оқиб ўтувчи Р-12 каналининг сувидан ноқонуний фойдаланиб келаётгани ҳақида маълумот келиб тушди. Бўлим инспекторлари жойга бориб, асл ҳолат билан танишганида, ҳақиқатдан ҳам, номлари юқорида келтирилган корхоналар ўз эҳтиёжлари учун канал сувидан ноқонуний ва хўжасизларча фойдаланиб келаётгани аниқ бўлди.

– Ҳукумат қарорига асосан, ирригация тармоқларидаги гидротехник иншоотлар сув истеъмолчилари уюшмалари ҳисобига ўтказилган, – дейди инспекциянинг туман бўлими шўъбаси катта инспектори Рустам Анаркулов. – Номлари юқорида келтирилган корхоналар сувнинг ҳақиқий эгалари билан шартнома тузмасдан, ноқонуний фойдаланиб келганлар. Шунинг учун биз қонун доирасида иш кўриб, уларни жаримага тортишга мажбур бўлдик.

Айтилганлардан хулоса шуки, Ўзбекистон Республикасида ер ҳам, сув ҳам умуммиллий бойлик сифатида эътироф этилади. Халқимиз ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асосларидан саналган ана шу хазиналардан оқилона фойдаланиш зарур. Зеро, ушбу бойликлар фақат бугунга, битта бизга эмас, балки келажак авлодларга ҳам аталган...

**Худойберди КАРИМОВ,**  
ўз мухбиримиз.



## КЛАСТЕР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Ҳар бир кунни яхши ниятлар билан бошлаган инсон ҳаётда ҳеч қачон ютқазмайди.

Бу гап Хоразм вилояти Шовот туманидаги “Рўзмат ота” фермер хўжалиги раҳбари Рустам Жуманиёзовнинг ҳаёт шиорига айланган. Уни болалигидан биламан. Бир мактабда ўқидик. Синфдошлари орасида жуда эътиборли, қизиқиш доираси юқори, деҳқон боласи эмасми, дала ишларида ҳам, ўқишда ҳам ҳаммага ўрнак эди. Ўрта мактабни тугатгач йўл қурилиши соҳаси бўйича олий маълумот олди, 20 йил Шовот туманидаги йўл қурилиш бошқармасида устачиликдан бошқарма бошлиғи даражасига кўтарилди. Шундан сўнг “Гулистон” ширкат хўжалиги раиси, “Шовоткимё” раҳбари лавозимларида ишлаб, элга танилди, обрў-эътибор топди.

У 2007 йилдан буён “Рўзмат ота” фермер хўжалигини бошқариб келмоқда. Дастлаб 20 гектар ерга пахта ва ғалла экиб, 4 нафар ишчи билан иш бошлади. Ҳар йилги фойдаси ва лизинг асосида замонавий тракторлар, керакли техникаларни сотиб олди. Бугун хўжалик ҳеч кимга техника масаласида мурожаат қилмайди, ҳаммаси ўзида бор.

–Техника деҳқоннинг қаноти, керагида ишлатасан, кимга зарур бўлса ёрдам берасан, – дейди Рустам ака.

Шовот туманининг Туркменистон билан чегарадош бўлган ерларида жойлашган хўжалиқда шу кунларда экиш ишлари қизгин давом этмоқда.

– Олдинлари ҳар гектар ердан 20-25 центнердан ҳам ҳосил ололмадик, – дейди фермер. – Ишни ерларга ишлов бериш, зовурларни тозалаш, сув йўллари очиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказишдан бошладик. Натижада ҳосилдорлик ошди. Ерга ўз вақтида ва меъёрида калийли, азотли, фосфорли ўғитлар бериб борилса, тадбирлар вақтида ўтказилса, қутилган ҳосилни олиш мумкин.

Ҳа, ишнинг кўзини билган фермер ҳозирги кунда бу ерлардан 45-50 центнердан пахта ҳосили олмақда. 2018 йилдан бошлаб ишни “Шовот УзТЕКС” кластери билан шартнома асосида йўлга қўйди. Кластер хўжаликка керакли бўлган ўғит, ёқилғи каби маҳсулотларни ўз вақтида етказиб берди. Натижада 55 гектар пахта майдонидан 48,5 центнердан ҳосил олинди. Юқори ҳосил учун фермер кластер томонидан “Кобальт” автомашинаси билан мукофотланди.



2019 йил ҳам пахта етиштириш режаси ортиғи билан бажарилди.

Хўжалиқда пахта ва ғалладан ташқари қўшимча тармоқлар ҳам мавжуд. 20 уя асалари боқилмоқда. Йилига 1-2 тонна асал етиштирилади.

Чорвага энди эътибор қаратилганлигидан 6 бош насли ва 11 бош маҳаллий қорамол боқилмоқда. Ҳар куни сутни қайта ишловчи цехга шартнома асосида сут етказиб берилмоқда.

– Етти йилдирки шу хўжалиқда меҳнат қиламан, – дейди молбоқар Жуманазар Матёкубов. – Вақтида иш ҳақимни оляпман, ҳамма шароитлар етарли.

4 хонали, кенг айвонли дала шийпонининг олдидаги ҳовуз диққатимизни тартади Хўжалиқда балиқчиликка

ҳам эътибор қаратилган экан. Ҳовуз атрофидаги боғ тартибли, мевали дарахтлар файз ва тароват бағишлаб, дала йўллари яшнатиб турибди.

– Ҳар йили ғалладан бўшаган ерларимизнинг 1 гектарига сабзи, 1 гектарига озуқабоп экинлар, 14 гектарига шоли ва бошқа экинлар экамиз, – дейди иш бошқарувчи Равшан Халилов. – Моллар учун қишки озуқа йиғамиз.

9 нафар асосий ва мавсумда 40-50 нафар ишчига эга бўлаётган хўжалик меҳнаткашлари ўз ишларидан мамнун. Механизаторлар Амин Нуримов, Маҳмуд Бобоев, сувчилар Арслон Халилов, Шокир Абдурахмонов ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхши биладилар ва ўз ишларига пухта ёндашдилар. Шунинг учун йилдан йилга ривожланаётган хўжалиқда ўтган йили умумий даромад салкам 1 миллиард 247 миллион сўмни, соф фойда 169 миллион 479 минг сўмни ташкил қилди.

Хўжалиқда бугун ишлар қизгин. Ўз ҳисобидан маҳалла гузари қурилишини бошлаб юборган фермернинг қўли-қўлига тегмайди. Ҳисобкитобларга кўра қурилиш ишлари учун 1,3 миллиард сўм маблағ керак бўлади. Келишувга кўра, Агробанкнинг Шовот филиалидан 700 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш кўзда тутилган. 600 миллион сўм эса фермернинг ўз ҳисобидан. Маҳалла гузари, хусусий касалхона биноси, замонавий мактабгача таълим муассасаси, аптека, мактаб бинolari, турли хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиши бошлаб юборилди.

Демак, ҳали олдинда яна югур-югурлар, уйқусиз тунлар, машаққатлар турибди. Аммо Рустам Жуманиёзов учун булар чўт эмас. Чунки бу югур-югурлар, уйқусиз тунлар, машаққатлар эзгуликка, фаровонликка бошлайди.

**Суратда:** – Кўкликни кўрсам кўзим яйрайди, – дейди Р.Жуманиёзов буғдойзор ораларкан.

**Шукржон ЖАББАРОВА,**  
ўз мухбиримиз

## ЯНГИЛИКЛАРГА ИНТИЛГАН ФЕРМЕР



Боғот “Боғлар маскани” деган маънони англатади. Қадим-қадимдан Хоразмда, жумладан, Боғотда ҳам боғдорчиликка катта эътибор берилган. Олма, ўрик, анор каби мевалар, узумчилик, қовунчилик баробарида томорка ва хўжаликларда турфа хил полиз экинлари етиштирилиб, шўрхок ерлардан ҳам унумли фойдаланиш йўлга қўйилган. Токлар ер шўрини олишини, қумли, сув етмайдиган жойларда жийда, жиғилдак каби ёввойи дарахтлар ўсишни улар яхши билишган.

Кундан-кунга ривожланаётган Боғотнинг бугуни эса янада қайноқ. Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Эрназар Худойбергеновнинг тавсиясига биноан “Қулонқорабоғ” қишлоғидаги “Қорабоғ” маҳалласига йўл олдик. Қаранг-а, қишлоқ номига ҳам, маҳалла номига ҳам боғ қўшимчаси қўшилган. Биз фаолияти билан қизиқаётган фермер хўжалиги номи эса “Хикмат Хурсанд боғи” экан.

Хўжалик раҳбари Қўзибой Рўзметов фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёйган 2006 йилда тендер асосида 13,3 гектар ерга эга бўлди ва фаолиятини икки нафар ишчи билан бошлади. Дастлаб пахтачилик ва ғаллачилик билан шуғулланди. Шу билан бирга, боғдорчиликни яхши кўргани боис, 1,4 гектар ерда мева етиштиришни ҳам йўлга қўйди. Кейинчалик эса фаолиятини кенгайтиришни ўйлади.

2009 йилнинг апрелидан хўжалик паррандачилик йўналишига ўтиб, мавжуд ерларга озуқа экинлари экила бошланади. Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги “Оғалик” фермасидан 10 минг бош 40 кунлик жўжа олиб келинди. Хуллас, изланишларга ўч бўлган фермер соҳани ривожлантириш фикри билан яшади. Шу сабаб, хўжалик четдан инвестиция киритиш лойиҳасига киритилиб, 2019 йил августда янги технология асосидаги паррандачилик комплекси қурилишини бошлади.

–30 минг бош она товуқ боқишга мўлжалланган бу замонавий технология учун давлат ҳисобидан 107 000 АҚШ доллари ажратилиб, Хитойнинг

“Шандон” компанияси билан шартнома қилдик, – дейди Қ. Рўзметов. –Тез орада техносулда товуқ боқишга ўтамыз. Автоматик бошқарувга асосланган, компютерлаштирилган технология олиб келиняпти. Ҳозир коронавирус каби офат туфайли келтириляётган технологиямиз карантинда сақланмоқда.

Бугунги кунда тухум етиштиришга ихтисослашган хўжаликдаги 12 минг бош она товуқдан кунига 9 -10 минг дона тухум олинмоқда. Бу маҳсулот шартнома асосида савдо шохобчаларига, ташкилотларга, бозорларга етказиб берилмоқда. Бир ойда камида 270 минг дона тухум сотилади.

Ўтган йили 1,4 гектар боғнинг ўзидан 60 миллион сўм даромад қилинди, соф фойда 30 миллион сўмдан ошди. Паррандачиликдан эса 140 миллион сўм соф фойда олинди. Юқоридаги фойда эвазига янги технология учун қурилиш ишлари бошлаб юборилган эди. Айни пайтда қурилиш тугалланиб, цех янги технологияни ўрнатишга тайёр.

Хўжаликда 12 нафар ишчи-хизматчи бор. Янги технология ишга тушса, яна 8та янги иш ўрни очилади. Фермернинг ўғиллари Хикмат ва Мўмин озуқа экинларини суғориш, экиш, йиғиштириш ишларида бош-қош бўлса, келинлар Гули, Муаззам, Наргиза товуқ боқиш билан банд. Зеро, бугун уч келиннинг қайнонаси, қатор невараларнинг бувижони бўлган Хайитгул опа ҳам хўжалик ишида доимо турмуш ўртоғига елкадош. Бу оилада фақат Хурсанд Рўзметов бошқа касбни эгаллаган. Аммо у ҳам қишлоқ хўжалиги учун яқин касбларнинг бирида, “Боғотхўжаликкимё” корхонасида ишламоқда.

Фермернинг айтишича, хўжалик янги техносулга ўтиб иш бошласа, кунига 24 минг дона тухумни четга экспорт қилиши мумкин бўлади. Қўзибой аканинг яна бир холис нияти бор. У энди балиқ хўжалиги ташкил этиш бўйича ҳам режалар тузмоқда. Боғот рамзи бўлган боғни ҳам кенгайтиришни орзу қилаётган фермернинг ишлари бароридан келсин деб қоламыз.



Рўзметовлар оиласи “Етти хазинанинг бири товуқ” эканлигини яхши биладилар.

*Ўз мухбиримиз.*



## ТАДБИРКОР – ЭЛГА МАДАДКОР

Кўхна ва қадим Наманган кўркли ва тароватли шаҳар. Унда истиқомат қилучи инсонлар эса тадбиркор ва уддабуронликлари билан танилишган. Биз ушбу шаҳарда бўлиб, республикамиз сув ва қишлоқ хўжалигига бутловчи қисмлар етказиб бераётган тадбиркор Илҳомжон Ходжиев билан суҳбатлашдик.



– Илҳомжон ака, сизни тадбиркор сифатида мамлакатимизда яхши танишади. Узингизни тадбиркорликка етаклаган омиллар ҳақида сўзлаб берсангиз?

– 1969 йили Наманган шаҳрида таваллуд топганман. 1980 йилда Наманган Мухандислик ва педагогика институти техникум-технолог йўналишини тамомлаб, ўша пайтдаги қурилиш ташкилотида оддий уста бўлиб иш бошлаганман. Сўнгра Россия Федерацияси фирмасининг Намангандаги филиалида иш бошқарувчи лавозимида фаолиятимни давом эттирдим. Ўша пайтлардаёқ нима учун ўзимизда ҳам тайёрлаш мумкин бўлган маҳсулотларни чет эллардан қиммат нархларда харид қилишимиз керак деб ўйлардим. 2000 йил ўз маблағим ҳисобидан кичик корхона қуриб ишга туширдим. Аввалига хўжалик ва қурилиш моллари ишлаб чиқара бошладик. Ўшанда хис қилдимки, маҳсулот ишлаб чиқариш сизнинг ҳаракатингизни эллик фоизини ташкил қилса, уни сотиш эллик фоизини ташкил қиларкан. Фуқороларимиз чет эл маҳсулотими, демак унинг сифати яхши деб ўйлашаркан. Мен маҳсулотларимни сотиб учун машинага ортиб вилоятта-вилоят юриб харидор излаганман. Харидорлар маҳсулотим сифати чет элликдан қолишмаслигига ишонч ҳосил қилишга савдом юра бошлади. Бир маҳсулотни ишлаб чиқараман ва сотиб пул қиламан деган тадбиркор адашади. Ишимиз юришиб, қаддимизни тиклаганимиздан сўнг маҳсулотларимиз турини кўпайтира бошладик. Аввалига темир йўллар учун тўшамалар, шифер заводлари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқардик. Аста-секин харидорлар ҳам кўпайиб маҳсулотларимизни қўшни Қозоғистонга ҳам экспорт қиладиган бўлдик. 2010 йилга келиб “Мега резинапласт” МЧЖ корхонасини ташкил қилдик.

Мана, қарийиб 10 йилдан зиёд вақт оралиғида фаолият юритаётган бўлсак, 70-80 турдаги 90 фоиз маҳсулотларимиз сув хўжалигида қўлланилади. Авваллари чет давлатлардан сотиб олинган маҳсулотларни сифатли, арзон нархларда халқимизга етказиб беряпмиз. Собиқ иттифоқ даврида лоток зичлагичлар Россиядан келтирилди. Бу маҳсулотнинг келиши тўхтагач ўрнига ёғоч қўя бошлашди. Биз шу маҳсулотни ишлаб чиқарила бошлаганимиздан сўнг яна резина зичлагичлар қўлланиладиган бўлди. Натижада сувнинг исроф бўлишига барҳам берилди. Бундан ташқари, корхонамизда гидроиншоотларда сувни меъёрда ўтишини таъминлайдиган резина затворлар, сув омборларида бетон қоришмаларни бир-бири билан боғлашда қўлланиладиган зичлагичлар, ГЭСда сувни тўхтатиш учун қўлланиладиган VATER STOPлар (бу маҳсулот авваллари Туркия, Хитой ва Германиядан олиб келинарди), резина шнурлар ва темир йўллар, кўприклар

ҳамда метроларда қўлланиладиган тўшамалар каби кўплаб маҳсулотларни ишлаб чиқаряпмиз.

Ҳозирги кунга қадар “Бунёдкор” стадионида, Тошкент Ситида, Тошкент метросида, пойтахтимиздаги замонавий уч қаватли кўприкда, юртимиздаги кўплаб сув омборларида бизнинг маҳсулотларимиздан фойдаланишди ва фойдаланишмоқда. Бундан мен ҳам, корхонамиз ишчилари ҳам фахрланамиз.

– Келгуси режаларингиз ҳақида ўртоқлашсангиз?

– Келгусида жуда ката-катта режаларимиз бор. Айти кунларда юртимизда сув танқислигини олдини олиш мақсадида, томчилаб суғоришга эътибор қаратилмоқда. Биз ҳам янги турдаги томчилаб суғориш шлангларини деҳқонларимизга тақдим қилмоқчимиз. Бизнинг шлангларимиз сал ўзгачароқ ишланган, яъни ундан сув томчилаб турмайди. Майда-майда тешикчаларидан чиққан сув кишида худди терлагандай таассурот қолдиради. Сувни бир неча бор аниқликда сарфлайди. Яна бир янги маҳсулот, бетон қоришмаларини тирқишларини мустаҳкам беркитиш учун шишадиган резина ишлаб чиқармоқчимиз. Куни кеча Олмалик кон-металлургия корхонаси билан шартнома имзоладик. Иккиламчи хом ашёдан мини ўйингоҳлар учун суний қопламалар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона қуриб ишга туширмоқчимиз. Бундан ташқари, Оролни қутқариш фонди билан 10,5 млрд сўмлик шартнома имзоладик. Яқин кунларда Мўйноқ туманига ҳам маҳсулотларимиз кириб боради.

– Кўпгина тадбиркорларни маҳсулот сифати назорати қийнайди. Чунки иш мунтазам давом этгач, маҳсулот сифатини доимий назорат қилиб боришга эҳтиёж туғилади.

– Тўғри, менинг маҳсулотим юқори сифатли деб айтиш осон. Лекин бунга эришиш қийин. Юртимизда лабораториялар фаолиятида жуда катта камчиликлар бор. Шунинг учун биз ҳам баъзи маҳсулотларимизни Россия ва Қозоғистонга бориб лабораториядан ўтказиб келамиз. Мана шу ҳолатга чек қўйиш мақсадида ўз лабораториямизни қуриб ишга туширмоқчимиз. Ҳозирги кунда маҳсулотларимиз ички бозордан ортмаяпти. Биз Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Қозоғистон республикаларини ички бозорларини ўрганишни бошлаганмиз. Келгусида маҳсулотларимизни албатта экспорт қилишни мақсад қилганмиз.

– Эзгу ниятларингиз, албатта, амалга ошишини тилаб қоламиз. Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

**Суҳбатдош: ўз мухбиримиз К.Ҳайтбоев.**

**Суратда:** (чапдан) уста Илхом Ахмаджонов, корхона раҳбари Илхомжон Ходжиев ва Мухаммадjon Мамадалиевлар маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

## ЧЎПОНЛАР НЕГА КЎЗОЙНАК ТАҚМАЙДИ?



Чўл шароитини фақатгина ўша ерда яшаган инсонлар билди. Шаҳарликлар «экзотика» деб билувчи гўзал табиатнинг шу қадар инжиқликлари борки, бу манзилда яшовчиларга қорқировли қишда ҳам, жазирама саратонда ҳам ҳамроҳ – сабот, қанот – умид бўлади.

Тасаввур қилинг, атроф қум, ёлғиз ўтов, қўни-қўшни йўқ, дардкашингиз фақат қўй-қўзилар. Қишда чўпоннинг кўрасига баъзан бўри «меҳмон» бўлса, ёзда чаён ва соя излаган ўқилонлар ўзини ўтовга уради. Лекин шу шароит чўпонлар учун кўникма ҳаёт, тақдир.

Ана шундай тақдир эгаси бўлган қаҳрамонимиз Нурота туманининг олис чўли — бир томони Айдарқўл соҳиллари билан туташган ҳудудида яшайдиган Жумабек Давлатов. Туман ҳокимлиги вакиллари «мухбир» деб таништиргандан сўнг, ийманиб ўзини таништирган чўпон шошилганича бошланасига кириб кетди. Нима бўлди, деб саволомуз ҳамроҳларимга қарадим, «Шошилманг, ҳозир» дейишди. Шу ондаёқ сокин отарда ўчоққа ўт қалаш, яна нималардир бошланиб кетди.

— Бир пиёла чой ичиб кетмасак, чўпон хафа бўлади, бу — удум, — дейди ҳамроҳларим.

Шу аснода бир пиёла чой устида чўпон билан суҳбатимиз бошланди.

— Кайфиятимиз зўр, — дейди, чўпон. — Бу йил айнан биз кутган об-ҳаво бўлди. Билсангиз, биз чўпонлар осмонга қараган халқимиз. Қор ва ёмғирдан доим умидвормиз. Чорва-мизнинг ва ўзимизнинг тақдиримиз шу ўзгарувчан табиатга боғлиқ.

Шу аснода суҳбатдошимиз очила бошлади.

### Чўпон таёғи...

Бир қарашда оддийгина кўринган чўпон таёғида кўп рамзий маъно бор экан. Ўша таёқ жуда қадрланар экан.

— Отамдан 26 ёшимда шу таёқни қабул қилганимдан сўнг чўпон деган ҳақиқий мавқега эришганман, — дейди қаҳрамонимиз. — Бу таёқни отамнинг отаси унга берган, у менга, мен эса фарзандларимга бераман. Бу таёқ аجدодларимиздан қолган мерос. Биз учун жуда қадрли. У доим отамни эслатиб туради. У, ҳатто, бир бор ҳаётимни асраб қолган, — дейди бизни ҳайрон қолдириб. — Бир куни очиқ чўлда иккита бўрига дуч келиб қолдим, атрофда ҳеч ким йўқ, ёрдам чақириш бефойда. Бўрилар эса ҳужумга шайланяпти, шунда шу таёқни олиб ҳавода силкидим-да, худди милтиқ ушлагандай уларга ўқталдим, бўрилар дарров қочиб қолди...

### “Чўпонлар нега кўзойнак тақмайди?”

Шу аснода суҳбат қизиқ борди. Бир-биридан қизиқ ҳикоялар эса диктофонимга муҳрланарди...

Айтишларича, дунёдаги энг ўткир кўз соҳиблари — чўпонлар бўлар экан. Бунинг сабаби эса, фақат олисларга

қадалган нигоҳлар эмас, балки чўпонларнинг ҳар оқшом гулхан атрофидаги ўтиришидан экан. Маълум бўлишича, ўша гулхан асосан чўл янтоғидан ташкил топади ва у кўзнинг зарарли захрини оларкан.

Чўпонларнинг аксарияти соғлом бўлиб, улар кунига 30 километргача масофани пиёда босиб ўтар экан. Яна бир қизиқ маълумот — чўпонлар деярли дорихонага мурожаат этмайди. Эҳтимол, бунда чўлдаги табиий гиёҳлар, кўлдан тутилган балиқлар, барра гўшти, туя, эчки сут-қатигининг ўрни бўлса, не ажаб.

### Цивилизация ва чўпон ҳаёти...

Чўпонлардан интернет ҳақида сўраганимизда, саволнинг моҳиятини бошқача тушунишди шекилли, «қишлоққа борсақ-кина кўрамиз телевизорни» деб жавоб беришди. Соддалаштириб сўраганимиздан сўнг, маълум бўлишича, ҳар овулда биттадан Nokia телефони борлигини, у ҳам наслчилик МЧЖ томонидан берилганини билдиришди. Яна бир эътиборимни тортгани бу — чўпонларнинг қалин кийими бўлди. Бу қалин кийим уларни қишда қаҳратондан, ёзда эса иссиқдан сақлар экан. Қандай дейсизми, жазирамада уни кийиб бир терлаган одам салқингина юрар экан.

Шу аснода суҳбатимиз қизиқ турганда, давраимизга «Кизилча» қоракўл наслчилик МЧЖ директори Бўридек Қодиров ҳам келиб қўшилди. У киши қоракўлчилик соҳаси ривожланишинг аҳамияти ва бошқа чорвачиликка оид маълумотларни гапириб ўтди.

— Қоракўлчилик — сермахсул соҳа. Уни ривожлантириш орқали марказдан олисда жойлашган ҳудудларда яшовчи аҳолини муқим иш ўринлари билан таъминлаш, одамларга арзон ва сифатли гўшт маҳсулотлари етказиш, бежирим ва сифатли қоракўл терини хориж давлатларига экспорт қилиш имконимиз пайдо бўлмоқда. Бизда асосан териси сифатли ва талабгир бўлган кўк қўйлар боқилади, мақсадимиз уларни янада кўпайтириш, — дейди Бўридек Қодиров.

Шу аснода сафаримизни давом эттириб, қўшни “Нурота” наслчилик масъулияти чекланган жамияти отарларида ҳам бўлдик. Мазкур МЧЖ директори Ҳазраткул Тўйчиевнинг маълум қилишича, ҳозирда бу ерда Россия федерациясидан олиб келинган 1 минг 418 нафар “Оренбург тивити” эчкилари боқилаётган экан.

— Тўл мавсуми давомида мазкур ноёб эчкилар сони ошиб бормоқда, — дейди Ҳазраткул Қурбонов. — Айни кунларда бор этиборимизни тўл мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиб олишга қаратганмиз. Режаларимиз кўп, шулардан энг муҳими, тивитдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни, янги иш ўринлари яратишни кўзлаб турибмиз.

Шу аснода Айдарқўл соҳилидаги чорвадорларнинг манзилидан олислаб туриб, катта шаҳарларда интернет ярим соатга ишламас, ТВ-кабели ўчиб қолса юзага келадиган бетоқатликлар ҳақида ўйладим. “Инсон шуларсиз ҳам бахтли яшаса бўларкан-у”, деган фикр ҳаёлимдан ўтди. Мақола тайёрлаш давомида чўпонларнинг аёллари билан ҳам суҳбатлашдик. Уларнинг юзида чексиз сабот, ҳаёт синовлари изларини ва шу билан бирга, мағрурлик, ўзига яраша бахтиёрлик, чексиз тоқат, камтаринлик, бардош намоён. Уларда ўзбек аёлининг садоқатини, оиласига бўлган чексиз меҳрини, бориға қаноатини ва саботини кўриш мумкин.

Англаганим, чўпон бўлиш учун қўйнинг туёғидан қаттиқ бўлиш керак экан.

Шуҳрат НОРМУРОДОВ,

ўз мухбиримиз,

Суратда: бош чўпон Жумабек Давлатов.



## ЧИГИТГА УЛЬТРАБИНАФША НУР БИЛАН ИШЛОВ БЕРИШ САМАРАДОРЛИГИ

*В статье приведены данные по применению УФО (ультрафиолетовое облучение) при посеве семян хлопчатника сорта С-6524, обеспечивающее получение ранних всходов хлопчатника на 1-2 дня.*

*The paper presents materials related to processing the cottonseeds will ultra violet radiation which resulted the acceleration of germination by 1 to 2 days.*

Ҳозирги пайтда илғор пахта етиштирувчи хорижий мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Хитой халқ республикаси, Туркия ва Грецияда ғўзанинг эртапишар навлари мавжуд бўлиб, ҳосилни бир марта териб олиш амалга оширилмоқда. Ўзбекистон пахта етиштирувчи мамлакатлар орасида энг шимолий ҳудудда жойлашган бўлиб, иқлими континентал тез ўзгарувчанлиги билан фарқ қилади.

Шу боис Ўзбекистонда ғўзани парваришлашнинг ноанъанавий агротехнологиялари ишлаб чиқиш долзарб вазибалардан биридир. Жумладан, ғўзанинг чигитни экишга тайёрлашдан, унинг ҳосилини териб олишга тайёрлашгача бўлган физиологик жараёнларда “уруғ, тупроқ ва ўсимлик”га мажмуий ва босқичли ультра бинафша нурларини таъсирни татбиқ этиш. Мазкур мураккаб биологик объектга (уруғ, тупроқ ва ўсимлик) нур билан таъсир этиш ҳисобига ушбу объектнинг ички имкониятларидан фойдаланишга эришилмоқда.

Н.Н.Константинов (1939), М.Ф.Быстрой (1958), олиб борган тадқиқотларида узун тўлқинли ультрабинафша нурларининг қишлоқ хўжалиги экинларини ривожланиш даврида назоратга нисбатан кескин фарқланиши, ульт

трабинафша нурланиш сунъий манбалардан ва жуда кам микдорда қуёшнинг ультрабинафша нурлари таъсирида олинган.

Ўзанинг С-6524 нав чигитини УБН (ультрабинафша нур) электростимулятори билан ишлов бериш натижасида навнинг биологик ҳолатидан фойдаланиш орқали чигитни мақбул муддатларда ундириб олиш, эрта муддатларда униб чиққан чигитни ўсиш ва ривожланишини тезлаштириш ҳамда етиштирилган ҳосилини 10 октябрдан кечикмаган ҳолда 90-100% пишиб етилишини таъминлашдан иборат.

Тадқиқотларни ПСУЕАИТИнинг марказий тажриба участкасида олиб борилган. Тажриба майдонининг тупроғи эскидан суғориладиган типик бўз, механик таркиби оғир, ўртача қумоқ, ерости сувлари 18-20 м чуқурликда жойлашган. Тажриба қўйишдан олдин (26.04.2019 й.) тупроқнинг ҳайдалма (0-30 см) қатламида ҳажм массаси 1,241 г/см<sup>3</sup>, ғоваклиги 54,1% ни ташкил этди.

Тадқиқот олиб борилган майдонда тажриба тизимига асосан шудгорлашдан олдин фосфорли минерал ўғитнинг 70%, калийли ўғитни 50% солинган. Олиб борган илмий изланишларимизда ерни бороналаш, молалаш каби агротехник тадбирларни ўтказгандан сўнг С-6524 ғўза навининг чигити 4 май куни ерга 1-жадвалда келтирилган тажриба тизимига уялаб экилди. Тажриба майдонида чигитни экишдан олдин бир қисмини ультрабинафша нурлари (УБН) билан ишлов берилган бўлиб, бир қисми эса ишлаб чиқариш шароитида олиб бориладиган тадбирлар асосида тайёрланди.

Чигитларни экилгандан сўнг 3 кунга бориб ультра бинафша нур билан ишлов берилган вариантларда *1-жадвал* ниҳолларни бирин-кетин униб чиқиши кузатилди.

Чигитларни униб чиқиш даражаси бўйича олиб борган кузатувларимизда анъанавий усулга нисбатан ультра бинафша нур билан ишлов берилган вариантларни бир-бирига таққослаб ўрганилди.

Олиб борган илмий изланишларимизда чигитни ультра бинафша нур билан ишлов берилган вариантларимизда чигитни униб чиқиши 9 май куни 1 м<sup>2</sup> да 4,9 донани (54,4%) ташкил этиб, назорат вариантга нисбатан 1,8 донагача (10,1%) юқори бўлди (2-жадвал).

Олиб борган 15 май кунги кузатуви-мизда ультрабинафша нур билан ишлов берилган вариантимизда чигитларни униб чиқиши 8,2 донани (91,1%) ташкил этди. Бу эса назорат вариантга нисба

Тажриба тизими

Вариантлар		Ўғитлар меъёри			Кўчат қалинлиги (минг/га)
		Н	Р	К	
1	Ишлаб чиқариш шароитидаги олиб бориладиган тадбирлар ўтказилади (Назорат)	200	140	100	70
2					90
3	Чигит ва амал даври давомида ғўза ультрабинафша нур (УБН) билан ишлов берилади	200	140	100	70
4					90
5	Ишлаб чиқариш шароитидаги олиб бориладиган тадбирлар ўтказилади (Назорат)	250	175	125	70
6					90
7	Чигит ва амал даври давомида ғўза ультрабинафша нур (УБН) билан ишлов берилади	250	175	125	70
8					90

2-жадвал  
**Чигитнинг униб чиқиш даражаси (дала шароитида)**

№ Вариантлар	1 м <sup>2</sup> /дона			1 м <sup>2</sup> /%		
	09.05	11.05	13.05	09.05	11.05	13.05
1	3,1	3,9	5,5	44,3	55,7	78,6
2	4,9	5,9	8,2	54,4	65,6	91,1

тан дала шароитида чигитларнинг униб чиқиш даражаси 12,5% гача юқори бўлганлиги кузатилди.

Олинган маълумотларга асосан, чигитларни ультрабинафша нур билан ишлов бериб экилганда анъана-

вий усулда экилган чигитларга нисбатан 1-2 кун олдин униб чиқиши исботланди.

**Виктор АВТОНОМОВ,**  
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор,  
**Аброр ҚУРБОНОВ,**  
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, к.и.х.,  
**Жамолiddин ШАДМАНОВ,**  
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, к.и.х.,  
**Икром КАРАБАЕВ,**  
қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори,  
к.и.х.,  
**ПСУЕАИТИ.**

**АДАБИЁТЛАР**

*Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент, 2007, 148 б.*

*Быстрой М.Ф. Влияние экологических условий выращивания семян хлопчатника на продуктивность их потомства. «Хлопководство», изд. Колос.-1958.-С. 43-44.*

*Константинов Н.Н. Влияние места репродукции семян и принцип снабжения сорто участков семенами. // «Сел-сем». -Москва, -1939. -С 18-20.*

**УЎТ: 633.511+631.**

**ТАДҚИҚОТ**

## **АГРОТЕХНИК ОМИЛЛАРНИНГ ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ДЎЗА НАВЛАРИНИНГ БИР ДОНА КЎСАКДАГИ ПАХТА ВАЗНИГА ТАЪСИРИ**

**The paper presents the influence of the production agrotechnology elements on boll weight of long staple cotton varieties in the condition of taky soils of Kashkadarya province with transition to meadow type.**

Бугунги кунда селекционер олимларимиз томонидан яратилаётган, тола сифати бўйича дунёда етакчи ўринларда турадиган янги ва истиқболли ингичка толалари ўза навларидан олинган толага бўлган талаб тобора ортиб бораётганлиги ва ингичка толалари ўза майдонлари йил сайин кўпайиб бораётганлиги ушбу ўза навларини етиштириш агротадбирлар тизимини тезликда ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 декабрдаги ПҚ-1037-сонли қароридан таланинг сифати бўйича жаҳон стандартлари ва Давлат талабларига жавоб берадиган ўрта-ингичка толалари ўза навларини Республикаимиз минтақалари тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда оқилона жойлаштирилди. Ушбу қарор юзасидан ингичка толалари ўза навларига мос, юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришни таъминлайдиган агротадбирлар тизимини тезликда ишлаб чиқиш бўйича қишлоқ хўжалик олимлари ва мутахассислари олдига бир қатор вазифалар қўйилди.

Ингичка толалари ўза навлари катта майдонларда яъни қарийб 200 минг гектарда парваришланган бўлса, кейинчалик экин майдони кескин камайиб кетган эди. Ҳозирги кунга келиб, Президентимизнинг 2019 йил 17-18 октябр кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи доирасида олимлар ва фермерлар билан ингичка толалари

ўза даласида бўлиб ўтган учрашувда ингичка толалари ўза навларини кўпайтириш ва экин майдонларини кенгайтириш, жумладан, Сурхондарё вилоятида 40 минг, Қашқадарё вилоятида 6,5 минг, Бухоро вилоятида 5 минг, Навоий вилоятида 1 минг гектарга экилиши режалаштирилганлиги таъкидлаб ўтилди. Юқоридаги топшириқ асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январда “Ингичка толалари пахта етиштиришни самарали ташкил қилиш, янги навларни кўпайтириш ва рағбатлантириш механизминини жорий этиш тўғрисида”ги 47-сонли қарори қабул қилиниб, қарорга кўра, ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда, ингичка толалари ўзанинг тола сифати юқори бўлган, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, тезпишар, серҳосил навларини яратиш, уларнинг экин майдонларини кенгайтириш, янги ва истиқболли навлари уруғларини кўпайтириш ҳамда етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган.

Ингичка толалари ўза навлари агротехникасини ишлаб чиқиш йўналишида кўплаб тадқиқотлар ўтказилган. Жумладан, Э.Авлиёқулов, В.Т.Левларнинг маълумотларига кўра, заҳоб сатҳи чуқур жойлашган, бўз-тақир тупроқли Сурхон-Шеробод воҳаси янгидан суғорилган ерлари учун ингичка толалари ўза навларини 1-5-1 тизимда суғориш яхши натижа беради. Бунда муаллифлар



тупроқ намлигини ЧДНСга нисбатан 70-70-(75)-70% да ушлаб туришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашган.

А.Э.Авлиёкуловнинг олиб борган тажриба натижаларига кўра, Сурхон-Шеробод воҳаси тақир тупроқларида ингичка толали 5904-И ва Т-7 ғўза навларидан энг юқори пахта ҳосили (35-38 ц/га) суғориш даврида 6-7 марта, суғориш тизими 1-4-1 ёки 1-5-1 ва мавсумий сув меъёри 8237-9411 м<sup>3</sup>/га бўлган вариантлардан олинган.

Б.Жўрақулов, Ш.Мирзаев [2] лар тадқиқотларида Сурхон-Шеробод воҳаси ўтлоқи тупроқларида “Термиз-31” ғўза навини томчилатиб ва плёнка остидан суғориш, эгатлаб суғоришга нисбатан 50% гача сувни тежалишига ҳамда плёнка устидан суғорилганда, 41,4-44,0 ц/га ҳосил олиш мумкинлигини аниқлашган.

Ҳозирги глобал иқлим ўзгаришлари шароитида янги, истиқболли ва районлаштирилган ингичка толали ғўза навларини парваришlash агротехнологиясини ишлаб чиқиш юзасидан Давлат илмий-техник дастурлари доирасида амалга оширилаётган ҚХ-А-ҚХ-2018-153 амалий лойиҳаси бўйича тадқиқотлар Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Қашқадарё илмий-тажриба станциясида олиб борилмоқда.

Қашқадарё вилоятида ҚХ-А-ҚХ-2018-153 амалий лойиҳаси доирасида “Қашқадарё-5” (назорат), “Иолотан-14”, “Сурхон-104” (Қашқадарё вилояти) ўрганилиб, тажриба 17 та вариантда, 3 та такрорланишда, битта ярусда жойлаштирилди. Ҳар бир делянка 8 қатордан, қатор оралиғи 90 см, бир делянка умумий майдони 720 м<sup>2</sup>, шундан ҳисоб майдони 360 м<sup>2</sup> ни ташкил этди. Тажриба даласи тупроғи эскидан суғориладиган, ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлар ҳисобланади.

Ўрганилган ингичка толали ғўза навларининг бир дона кўсақдаги пахта вазни ўзгаришлари тадқиқ қилинди. Ғўзанинг ҳосилдорлик салмоғини ва сифат даражасини белгиловчи омиллардан бири, бир кўсақдаги пахта вазнининг катта-кичиклигига кўп ҳолларда боғлиқ бўлади. Бир дона кўсақдаги пахта вазни қанчалик оғир бўлса, ҳосилдорлик ҳам юқори бўлишини таъминлайди. Турли сув-озика меъёрлари, кўчат қалинликларининг ўрганилган ингичка толали ғўза навлари бир дона кўсақдаги пахта вазнига турлича таъсир этганлиги аниқланди. “Қашқадарё-5” (назорат) ғўза навида бир дона кўсақдаги пахта вазни теримлар бўйича ўртача 2,7 г ни ташкил этди. “Иолотан-14” ғўза нави суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% да суғорилиб, минерал ўғитлар NPK 200:1140:100 кг/

га қўлланилиб, кўчат қалинлиги 110-120 минг туп/га таъминланганда ўртача 2,7 г ни, 130-140 минг туп/га бўлганда эса 2,5 г ни, худди шу суғориш тартибиде суғорилиб, минерал ўғитлар NPK 250:175:125 кг/га қўлланилиб, кўчат қалинлиги 110-120 минг туп/га бўлганда 2,9 г ни, 130-140 минг туп/га бўлганда эса 2,7 г ни ташкил этиб, минерал ўғит меъёрлари ошиши бир дона кўсақдаги пахта вазнининг ошишини, кўчат қалинлигининг гектарига 110-120 минг тупдан 130-140 минг тупга оширилиши эса бир дона кўсақдаги пахта вазнининг камайишига олиб келди.

Ушбу қонуният “Сурхон-104” ғўза навида ҳам кузатилиб, иккала ғўза навида ҳам суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% дан 70-75-65% га оширилиши бир дона кўсақдаги пахта вазнининг ошишини таъминлади. Ушбу кўрсаткични ингичка толали ғўза навларининг сувга бўлган талабининг юқори эканлиги билан изоҳланади.

2019 йилда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, теримлар бўйича бир дона кўсақдаги пахта вазни кўрсаткичлари, назорат “Қашқадарё-5” ғўза навида теримлар бўйича 3,0; 2,9; 2,7 г ни, теримлар бўйича ўртача 2,9 г ни ташкил этди. “Иолотан-14” ғўза нави суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60%, минерал ўғит меъёрлари N-250, P-175, K -125 кг/га, кўчат қалинлиги 110-120 минг туп/га қўлланилганда теримлар бўйича ўртача 2,7 г ни, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65%, минерал ўғит меъёрлари N-250, P-175, K -125 кг/га, кўчат қалинлиги 110-120 минг туп/га қўлланилганда теримлар бўйича ўртача 2,7 г ни, 2,9 г ни ташкил этиб, суғориш тартибларининг оширилиши билан бир дона кўсақдаги пахта вазни 0,2 граммга юқори бўлиши кузатилди. “Сурхон-104” ғўза навида энг юқори бир дона кўсақдаги пахта вазни кўрсаткичлари суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65%, минерал ўғит меъёрлари N-250, P-175, K -125 кг/га, кўчат қалинлиги 110-120 минг туп/га қўлланилганда теримлар бўйича ўртача 3,2 г ни ташкил этди.

Хулоса қилиб айтганда, ингичка толали ғўза навларининг бир дона кўсақдаги пахта вазни кўрсаткичлари суғориш, озиклантириш ва кўчат қалинликларига боғлиқлиги яна бир бор ўз исботини топди.

**Холик АЛЛАНОВ,**  
қ.х.ф.н., доцент,  
**Ойбек СОТТОРОВ,**  
қ.х.ф.ф.д, ассиссент,  
ТошДАУ.

#### АДАБИЁТЛАР:

- 1, Авлиёкулов А.Э. Сурхон-Шеробод воҳасида ингичка толали ғўзани суғориш. «Пахтачилик» ойнамаси. М.,1975, 5-сон, 41-42 бет.
- 2, Жўрақулов Б., Мирзаев Ш. Суғориш технологиялари ва ингичка толали пахта навлари ҳосилдорлиги. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. - Тошкент, 2001., - 3-сон. –б. 36-38.
3. Лев В.Т., Авлиёкулов А.Э. Сурхон-Шеробод водийси янги ўзлаштирилган ерларида ингичка толали ғўзани суғориш тартиби. // ТошҚХИ илмий тўплам. - ЎзССЖда дала зироатларини суғориш. 30-тўплам. - Тошкент, 1972., -б. 7-8.

## F<sub>3</sub> МУТАНТЛАРАРО ДУРАГАЙЛАРНИНГ ВЕГЕТАЦИЯ ДАВРИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ ШАКЛЛАНИШИ

*В результате гибридизации мутантов хлопчатника полученных воздействием различных мутагенов наблюдалась широкая изменчивость семей по длине вегетационного периода и в результате селекции созданы ультраскороспелые семьи хлопчатника.*

*In results of hybridization several mutants developed by irradiated different mutagens the wide variability families on vegetation period is observed. After long term breeding work new early matured families were developed.*

Дунёнинг шимоллий минтақаларида жойлашган пахта етиштирилаётган давлатларучун тезпишарлик энг долзарб муаммолардан бири. Ер юзида аҳоли сонининг ўсиши ва суғориладиган экин майдонларини чекланиб бораётганлиги, дунё давлатларининг кишлоқ хўжалигида экилаётган экин майдонларини кенгайтормасдан юқори ва сифатли ҳосил олишни тақозо қилади. Бу вазифани ечиш учун олимлар турли генетик усуллар орқали кўп экстремал омилларга бардошли бўлган навлар яратмоқдалар. Шунинг учун ҳам, районлашган ғўза навлари чигитларини турли хил мутагенлар таъсирида нурлантириб, олинган мутантларни мутантлараро дурагайлаш натижасида янги мутант шакллари яратиш долзарб вазифа бўлиб келмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда 700.000 га ғалла майдони пахта орасига шудгорламасдан экилади ва шунинг натижасида бугдойнинг илдиз системаси яхши ривожланмасдан бошоқлар сони кескин камаяди. Шунинг учун тезпишар навларни яратиш Ўзбекистон селекционерлари олдидаги асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

Ўзгарувчанлик жараёнини кенгайтириш мақсадида мутантлараро чатиштириш ўз самарасини намоеън этиши мумкин. Бундай ҳолда мутантларнинг ўзи гетерозигота ҳолда бўлганлиги туфайли уларни дурагайлаш натижасида гетерозиготалик даражаси кескин ошади ва хилма-хил шакллари ажратиб олиш мумкин.

Дала шароитида вилт замбуруғлари билан табиий кучли даражада зарарлантирилган муҳитда мутант дурагайларни ўрганиш ва тезпишар генотипларни ажратиш учун Д.Г. Минько ва П.В. Попов услуби бўйича ўсимликларнинг вилт билан зарарланганини баҳолаш ва вегетация даврини П.Содиков услуби орқали аниқлаш. Дала ва лаборатория шароитида дурагайларнинг ўсимлик бўйи, ҳосил шохлари сони, ўсув шохлари сони, 1 та ўсимликдаги кўсақлар сони, маҳсулдорлиги, тола чикими, 1 та кўсақдаги пахта вази ва толанинг сифат кўрсаткичлари аниқланади. Изланишлар натижасида олинган маълумотлар Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” (1986) услуби асосида статистик таҳлилдан ўтказилди.

Илмий тадқиқотлар Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти «Иммунология ва сунъий иқлим» лабораториясида олиб борилди.

Тақиқотлар объекти сифатида “С-2612”, “С-2615”, “Султон”, “Барҳаёт” навлари ва “Л-20”, “Л-707” тизмаларидан фойдаланилди. Ушбу навларнинг чигитларга Ўзбекистон Фанлар Академияси Ядровий физика институтида Со<sup>60</sup> ва электрон тезлатгич нурлари билан ишлов берилди. Ҳар бир навнинг уруғлари 2, 3 ва 4 қр. миқдоридан нурлантирилди. Электрон

тезлатгичнинг магнит майдони ҳам 2, 3, 4 қр. миқдорда таъсир этирилди. Демак, Со I-2000 р, Со II-3000 р, Со III-4000 р, ЭУ I-2000 р, ЭУ II-3000 р, ЭУ III-4000 р.га тенг бўлди.

Тажрибага жалб этилган ғўза навлари ва тизмаларнинг радиотаъсирчанлиги ва уларнинг мутагенларга таъсирчанлиги ҳар хил бўлганлиги аниқланди ва С-2615 навининг энг кўп мутант генотипларининг пайдо бўлиши ЭТ-II ва Со<sup>60</sup> III мутагенлар таъсири кузатилди. Шу билан бирга “Барҳаёт” ва “Султон” навлари бўйича энг юқори самарали мутаген ва миқдорлар ЭТ-I ва Со<sup>60</sup> I бўлганлиги маълум бўлди. F<sub>3</sub> (M<sub>1</sub> × M<sub>1</sub>) оилаларда тезпишарлик бўйича ўзгарувчанлик кенг миқёсда кузатилиши натижасида 104-105 кунлик вегетация даврига эга бўлган мутантлараро дурагайлар ажратилди ҳамда M<sub>3</sub> мутант оилаларнинг белгилари бўйича босқичма-босқич чикитга чиқариш ишлари асосида 10 та оила асосий белгилар бўйича андоза навига нисбатан яққол устунлигини намоеън этди ва улар селекцион дастурларда фойдаланиш учун селекционерларга тарқатилди.

Қуйидаги 1-жадвалда 12 та мутантлараро F<sub>3</sub> дурагайларининг вегетация даври андоза С-6524 нави билан таққосланиб ўрганилган ҳамда вегетация даври белгиси бўйича маълумотлар келтирилган. Ушбу белги бўйича ўсимликлар 8 синфга бўлинди, яъни 105 кундан 126 кунгача вегетация даври ўзгарувчанлиги маълум бўлди. Андоза С-6524 нави ўртача 121 кунда кўсақ очди. Мутантлараро дурагайларидан андоза навидан 13-14 кунга эртапишар ўсимликлар 3 ва 4-чи дурагайлардан ташқари барчасида пайдо бўлди. Умуман барча дурагайларда тезпишар оилалар мавжуд бўлган ва уларнинг сони 156 тани ташкил этди. Бундан ташқари, 50 дан кўп ўсимликлар 3-4 кунга эртапишарлиги билан ажралиб турди. Вариация коэффициенти 10,3-14,1% ташкил этди.

Демак, мутантлараро дурагайларида “гуллаш-пишиш” фазаси тез муддатда кечар экан ва тезпишар ўсимликларнинг кўпи сентябр ойида пайдо бўлди. Энг нисбатан кечпишар ўсимликлар F<sub>3</sub> (III ЭТ С-2612 × Барҳаёт СО<sub>3</sub>), F<sub>3</sub> (I ЭТ С-2615 × Султон СО<sub>1</sub>), F<sub>3</sub> (III ЭТ Султон × Барҳаёт СО<sub>3</sub>), F<sub>3</sub> (I ЭТ Л-20 × Султон СО<sub>1</sub>), F<sub>3</sub> (II ЭТ Л-20 × С-2612 СО<sub>2</sub>), F<sub>3</sub> С-2615 × Биомутант 7,5:1 дурагайларда кузатилди. Уларнинг вегетация даври 119-121 кунни ташкил этди.

**Бехзод ЭРГАШЕВ,**  
мустақил тадқиқотчи,  
**Паридун ИБРАГИМОВ,**  
“Иммунология ва сунъий иқлим” лабораторияси мудири,  
қ.х.ф.д., профессор,  
**Сайёра ЭРГАШЕВА**  
мустақил тадқиқотчи,  
ПСУЕАИТИ.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Джаникулов Ф., Каххаров И.Т. Роль элиминации в радиационном мутагенезе хлопчатника. Материалы международной научной конференции “Достижения, проблемы и перспективы агробиологии сельскохозяйственных культур”. Ташкент 2005. С. 186.
2. Ибрагимов Ш. и др. “Отдаленная гибридизация хлопчатника, излучения и рекомбиногенез”. Ташкент. Издательство “Фан” 1986. С. 5-159.
3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. —М.: Агропромиздат, 1985. - 351 с.



## ШИМОЛИЙ МИНТАҚАЛАРДА СОЯ НАВЛАРИНИ СИНАШ

Efficacy will be higher if precocious, productive and suitable varieties for soil-climatic conditions of the region are selected and planted in the northern parts of the Republic.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарорида, унумдорлиги паст пахта ва ғалла майдонларини қисқартириб, ушбу майдонларга тупроқ унумдорлигини оширадиган, аҳолини озиқ-овқат ва чорвани ем-хашак билан таъминлайдиган дуккаклидон, ем-хашак, сабзавот, полиз ва картошка экинларини босқичма-босқич экишни ташкил этиш белгиланган.

Соя дуккакли ўсимлик сифатида барча қишлоқ хўжалик экинлари кузги дон экинлари, ғўза, маккажўхори, сабзавот экинларининг барча турлари учун энг яхши ўтмишдош экин ҳисобланади.

Соя экинни селекциясида асосий эътибор юқори ҳосилли, тезпишар, касалликларга ва зараркунандаларга чидамли, уруғида мой ва оқсил моддаси кўп бўлган навларни яратишга қаратилиши керак.

Республикамизнинг тупроқлари таркибида соя ўсимлигига мослашган муҳим туганак бактерияларнинг мавжуд эмаслиги сабабли, соя уруғларини экишдан аввал Ризовит- АКС билан 1 гектар майдонга 200 грамм ҳисобида ишлов берилиши керак, акс ҳолда соя ўсимлиги илдизида азот тўпловчи туганаклар ҳосил бўлмайди.

Соя тупроқ унумдорлигини яхшилашга, аҳолини қимматли, оқсилга бой маҳсулотлар ҳамда чорвачиликни тўйимли ем-хашак билан таъминлашга хизмат қилади.

Дуккакли-дон экинлари ишида соя экин майдони бўйича жаҳонда биринчи ўринда туради. Дунё бўйича етиштирилаётган ўсимлик мойларининг 40 фоизи соя мойига тўғри келади. Шунинг учун ҳам бу экин қимматбаҳо экинлар қаторига киради, унинг уруғи таркибида 12-28% мой ва 35-50% оқсил, турли витаминлар ва ферментлар мавжуд.

Сояни асосий ва такрорий экин сифатида етиштириш, экин майдонларини кенгайтириш, ўнинг уруғчилиги билан кенг кўламда шуғулланиш ҳозирги кунда аҳамиятли масалалардан ҳисобланади. Ҳар қандай нав самарали бўлиши учун, ўзига хос бўлган муҳитда экилиши керак. Чунинг учун навлар, унга таъсир этувчи экологик, тупроқ-иқлим шароитларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилса, навнинг самарадорлиги юқори бўлади. Навларнинг экилаётган шароитга мослигини белгилловчи омил — уларнинг яхши ўсиб-ривожланиши ва ҳар йили мунтазам юқори ҳосил беришга қодир эканлиги.

Қорақалпоғистон Республикасининг тупроқ-иқлим шароити соя экиб-устириш учун анча қулай. Шунинг учун республиканинг шимолий ҳудудларида экиш учун эртапишар, серҳосил навларни танлаш мақсадида, Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институтида, соянинг 13 та нави экиб ўрганилди. Ўрганиш натижаси бўйича, шимолий минтақа тупроқ-иқлим шароитига мос, юқори ҳосилдор, эртапишар навларни танлаб, ишлаб чиқаришга тавсия этилади.

Ишлаб чиқаришда навларни баҳолашда, уларнинг шу муҳитда яхши ўсиб-ривожланиши ва мунтазам юқори ҳосил беришига аҳамият қаратилади.

Тажриба даласига ерни ҳайдаш олдида гектарига 20 тонна ҳисобидан органик ўғит (шириган гўнг) ва фосфор-

ли ўғитнинг 80 фоизи солинди ва 26-28 см чуқурликда ҳайдалди. Соя уруғи мақбул муддатда, яъни тупроқнинг 0-10 см қатламида ҳарорат +12+14°C бўлганда экилди. Экиш 60 см ли усулда бўлса, 60x4x1 схемасида экилади. Бунда 1 гектар майдонда 416 минггача кўчат бўлади. Уруғнинг 1000 донаси 140 грамм бўлганда, гектарига 58 кг уруғлик сарф қилинади. Агар уруғнинг дала шароитида унвчанлигини 85 фоиз деб ҳисобласак, унда экиш меъёри 68 кг.ни ташкил этади. Уруғлар 120-130 даража эффектив ҳарорат олганда униб чиқди. Экилган уруғлар тупроқнинг табиий намига ундириб олинди.

Соя ўсимлиги униб чиққандан кейин биринчи учталиқ барглар пайдо бўлганда тупроқда ҳаво алмашишини таъминлаш ва бегона ўтларни йўқотиш мақсадида қатор ораларига культиватор билан ишлов берилди. Бунда культиватор ишчи органларининг чуқурлиги тупроқ шароитидан кейиб чиқиб, 10-12 см, ўсимликдан эса 8-10 см узоқликда жойлаштирилиши керак. Соя майдонларини бегона ўтдан тозалаш мақсадида гербицидлар билан ишлаш ҳам яхши натижа беради. Бунда Пульсар КЭ, Фюзилат Форте, Нитран, Торнадо ВР гербицидларидан фойдаланиш мумкин.

Соядан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун, соф ҳолда йиллик 120-150 кг азотли, 90-120 кг фосфорли ва 60-70 кг калийли ўғитлар берилиши керак. Экиш билан бир қаторда гектарига ўртача 30 кг азотли ўғит солиниши лозим. Агарда уруғлар инокулянтлар билан ишлаб экилиб, илдизларда туганаклар ҳосил бўлса, бошқа ўғит берилмаса-да бўлади. Илдизларда туганаклар ҳосил бўлмаса, сояни иккинчи марта шоналаш-гуллаш даврида гектарига 60 кг (соф ҳолда) азот билан, тупроқ юзасидан 16-18 см чуқурликка солиниб озиқлантирилади. Азотли ўғитлар билан бундан кейинги фазаларда озиқлантириш, ўсимликларнинг ўсув даврини кечиктириб юборади.

Соянинг ўсув даври давомида шоналаш-гуллаш фазасида гектарига 600-650 м<sup>3</sup> меъёрида бир марта, гуллаш-дуккаклаш даврида икки марта, доннинг тўлиши даврида бир марта 800-850 м<sup>3</sup> меъёрида суғорилади. Суғоришнинг ўз вақтида амалга оширилиши доннинг тўлиқ бўлишини таъминлайди. Тупроқда намлик кам бўлганда соя дони майда бўлиб қолади ва ҳосилдорликни кескин камайтириб юборади.

Соя ҳар хил зараркунандалар билан зарарланиши мумкин. Уларга қарши Дельтафос 1.0 л/га, Фуфанон 1 л/га, Карбофос 0.6-1.0 л/га, Адмирал 0.5 л/га, Калипсо 0.1 л/га миқдорида кимёвий препаратлари билан ишлов бериш орқали курашиш мумкин.

Ўсиб-ривожланиши бўйича, эртапишар “Селекта-201”, “Аванта”, “Спарта”, “Арлетта” ва “Фаворит” навларида уруғ палла барглари, иккиталик барглари, кейин учталиқ барглари, бошқа навларга нисбатан эрта пайдо бўлди. Уларнинг гуллаш ва дуккаклаш вақти анча эрта бошланди. Биринчи дуккакнинг жойлашиш баландлиги 13-17 см атрофида. Ҳар бир дуккакда 2-3 тадан уруғ ҳосил қилди. Пишиб етилиш вақти бўйича “Селекта-201” навида 118 кун, “Фаворит” навида 121 кун, “Спарта” навида 125 кун, “Аванта” ва “Арлетта” навларида 128 кунни ташкил этди. Қолган навларнинг пишиб етилиши 135 кундан юқори, навларнинг ҳосилдорлиги 22,4-25,5 центнер атрофида бўлди.

Соя ўсимлигини экиш ва ундан юқори ҳосил етиштиришда, тупроқ унумдорлиги ҳамда сув таъминоти яхши бўлган майдонларни танлаб олиш, шунингдек, ўсимликнинг тупроқ

ва иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Соянинг ўсиш даври 100-120 кун бўлган, энг муҳими юқори ҳосилли эрта ва ўртапишар навлари асосий экин сифатида, эртаги муддатларда экилса, унинг иқтисодий самарадорлиги юқори бўлади.

**Оракбай УТАМБЕТОВ,**  
докторант,  
**Бисенбай БЕКБАНОВ,**  
қ.х.ф.н.,

Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Атабаева Х.Н. Ўзбекистонда соя экиб ўстириш технологияси. Тошкент, Матбуот, 1989, 68 б.
2. Ёрматова Д. Республикада инновацион технологиялар асосида соя етиштириш бўйича тавсиялар. Тошкент, 2018, 2-30 б.
3. Ҳаликов Б., Иминов А. Тупроққа дармон, деҳқонга даромад. //“Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. 2017, №3, 11- б.

УЎТ: 633/635.65

ИЗЛАНИШ ВА САМАРА

## ЛОВИЯ (ФАСОЛЬ) НИ АСОСИЙ ВА ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ



*В статье приведены данные по агротехнологии фасоля возделываемого в качестве основной и повторной культуры, где освещены агротехнические мероприятия, также как предпосевная подготовка поля, оптимальные сроки и нормы посева, междурядная обработка, орошения, подкормка, борьба против сорных растений и уборка урожая.*

*In the article of presents data on agrotechnology of string bean cultivation as a basic and repeated culture, where agrotechnical events are lighted up, also as preseed preparation of the field, optimal terms and norms of sowing, interrow treatment, irrigations, additional fertilizing, fight against ruderal plants and harvesting.*

Ловия дуккакли-дон экини ҳисобланиб, тупроқ унумдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Ловия ҳосили йиғиб олингандан сўнг 1 гектар майдонда 60-70 килограммдан 150 килограммгача биологик азот тўплади. Уни тупроқ унумдорлиги паст бўлган ерларда асосий ва такрорий ҳамда сидерат экин сифатида экиб, тупроқ унумдорлигини ошириш мумкин.

Ловияни ғўза, кузги бошоқли дон экинлари, шоли, бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар, картошка, сабзавот, силос учун экилган маккажўхори ва бошқа экинлардан бўшаган ерларга экиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ловия экилган жойга қайта экиш камида 2-3 йилдан сўнг амалга оширилиши лозим. Ловия экилган жойга кейинги йил яна ловия экилса унинг ҳосили кескин камайиб кетади. Ловияни дуккаклидон экинлари ва кунгабоқардан сўнг экиш тавсия этилмайди. Чунки, ушбу экинларнинг касалликлари ловия экинининг касалликлари билан бир хил ҳисобланади. Бундан ташқари, ловияни акация кўчатзори ва кўп йиллик дуккакли ўтлар яқинига ҳам экиб бўлмайди. Бундай майдонларга ловия экилса, зараркундалар билан зарарланиш хавфи юқори бўлади. Ловияни такрорий экин сифатида кузги бошоқли дон экинлари ва эртаки сабзавотлардан бўшаган майдонларга экилади.

Республикамизнинг турли тупроқ ва иқлим шароитларида ловиядан юқори ва сифатли дон ҳосили олиш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, натижаларга кўра, ловиянинг “Олтин” ва “Олтин соч” навлари такрорий экин сифатида экилганда Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида 25-28 ц/га, Қашқадарё вилоятининг тақир тупроқлари шароитида 28-30 ц/га, Фарғона вилоятининг ўтлоқи-соз тупроқлари шароитида 27-29 ц/га дон ҳосили олинган.

Республикамизда ловияни асосий экин сифатида жанубий ҳудудларда 25.03-05.04 муддатларда, марказий ҳудудларда 01-15.04 муддатларда, шимолий ҳудудларда эса 15-25.04 муддатларда экилади. Агар апрел ойи совуқ келадиган бўлса, ушбу экинни май ойида ҳам экиш мумкин. Экиш меъёри экиш

муддати, тупроқ намлиги ва 1000 дон дон оғирлигидан келиб чиқиб, гектарига 80-120 кг меъёрда, 4-6 см чуқурликда экилади. Кўчат қалинлиги гектарига 200 минг дон қолдирилади. Ловия экинини парвариш қилишда амал даври давомида қатор ораларига 3-5 мартагача ишлов берилиб, 2 марта бегона ўтлардан тозаланади. Ловия экинини экишдан олдин шудгор остига 10-15 т/га гўн қўллаш яхши самара беради. Ушбу экин минерал ўғитлардан кўпроқ фосфор ва калийли ўғитларга талабчан бўлиб, асосий экин сифатида экилганда, соф ҳолда гектарига 100-120 кг фосфор, 80-100 кг калийли ўғитлар берилади. Бунда фосфорли ўғитларни йиллик меъёридан 70 фоизи ҳамда калийли ўғитларни 100 фоизи кузги шудгор остига ёки далани экишга тайёрлаш вақтида берилади. Азотли ўғитларни йиллик меъёри соф ҳолда 80-90 кг ни ташкил этиб, озиклантириш икки мартада, ҳосил шохи пайдо бўлиш даврида азотли ўғитнинг йиллик меъёрининг 50 фоизи, тўлиқ гулга кирганда эса, азотли ўғитларни қолган қисми ва фосфорли ўғитларни қолган 30 фоизи билан биргаликда берилади. Ловия экини уруғларини экиш олдида азотни фаол ўзлаштирувчи туганак бактериялар (нитрагин) билан ишлов берилиб экилса, ҳосилдорлиги 15-20 фоизга ортиб, ловияни парваришда қўлланиладиган азотли ўғитлар меъёрлари сарфини 20-25 фоизга камайтириш, тупроқда соф ҳолда 80-120 кг/га миқдорда биологик азот йиғилишини таъминлаш, бунинг натижасида келгуси йили етиштириладиган қишлоқ хўжалик экинларини парваришда қўлланиладиган минерал ўғитлар меъёрларини ҳам 25-30 фоизга камайтириш имконияти яратилади.

Ловия об-ҳаво ва тупроқ шароитига қараб амал даври давомида 3-5 марта суғорилади. Ҳар бир суғориш меъёрлари гектарига 600-700 м<sup>3</sup> ни ташкил этади.

Ловия экинини кузги бошоқли дон экинларидан сўнг такрорий экин сифатида ҳам етиштириш мумкин. Ловияни такрорий экин сифатида экиш ёз ойига, ҳаво ҳароратининг максимал даражада ошган кезларига тўғри келиши сабабли уруғининг



униб чиқиши учун тегишли намлик заҳирасини тўплаш зарурияти туғилади. Шунинг учун ловия экинни уруғини экишдан олдин элакларда элаб, тозалаб, бир хиллигини таъминлашга эришилади. Тупроқда тегишли нам заҳирасини тўплаш мақсадида анғиз суғорилади, ер етилганидан кейин 22-25 см чуқурликда ағдарилиб ҳайдалади ва орқасига борона тиркалган мола босилиб, тупроқнинг 8-10 см юза қатламининг 4-5 см дан пастки қисми зичлаштирилади, натижада тупроқнинг пастки қисмидаги намликнинг беҳуда буғланиб кетишининг олди олинади.

Одатда, ҳаво ҳарорати юқори бўлганида тупроқнинг пастки қатламларидаги намлик ва унда эриган озуқа элементлари тупроқ юзасига кўтарилади. Ҳайдалган ернинг юза қатлами зичлаштирилганда ернинг пастки қатламинан кўтарилган намлик ернинг ҳайдалма қатламида тўпланиб, такрорий экин сифатида экилган ловия экинни уруғларининг қийғос униб чиқишини таъминлайди.

Ушбу экинни такрорий экин сифатида республиканинг шимолий ҳудудларида (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти) 10-30 июнда, марказий ҳудудларида (Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона) 15 июн-5 июлда, жанубий ҳудудларида (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари) 15 июн-10 июл муддатларида экиш яхши самара беради. Экиш меъёри уруғларнинг йирик майдалигига қараб 80-100 кг/га миқдорида экилади. Экиш чуқурлиги 4-6 см.

Бундан ташқари, ловия экинни такрорий экин сифатида кузги буғдой анғизига экишда ресуртежамкор технологиялардан фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Жумладан, кузги буғдой дон ҳосили йиғиштириб олингандан сўнг дала сомон-

дан тозаланади ва енгил суғорилади. Тупроқ етилиши билан культиваторлар ёрдамида 14-16 см чуқурликда юмшатилиб, сеялкалар ёрдамида экилади.

Ўсув даври давомида қатор орасига 2-3 марта ишлов берилади. 2-3 марта суғорилиб, чопиқ қилинади. Такрорий экин сифатида экилган ловия соф ҳолда гектарига 50-60 кг азот, 90-100 кг фосфор ва 60-70 кг калийли ўғитлар билан озиклантирилади.

Ловиянинг дуккаклари тўлиқ пишганда ҳосили йиғиб олинади ва доннинг намлиги 14-15 фоиздан ошмаслиги керак.

Юқорида келтирилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, ловияни тупроқ унумдорлиги паст бўлган майдонларда асосий экин сифатида, кузги бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларда эса такрорий ва сидерат экин сифатида парвариш қилиниши тупроқдаги гумус миқдорини унинг ҳайдов (0-30 см) қатламида 0,026-0,030 фоизга, умумий азот миқдорини 0,010-0,014 фоизга, умумий фосфор миқдорининг эса 0,008-0,012 фоизга ортисини таъминлаб, ғўзадан 4-5 ц/га кўшимча пахта ҳосили олишга замин яратади.

Бу эса, ўз навбатида, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишни таъминлаб, аҳолининг озиқ-овқат ва чорвани ем-хашак маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришга, қишлоқ аҳолисининг даромади ва фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

**Абдували ИМИНОВ,**  
қ.х.ф.н., доцент,  
**АХМАТ ҚУРБОНОВ,**  
ассистент,  
**Дилноза УСМОНОВА,**  
талаба,  
ТошДАУ.

#### Адабиётлар

1. Атабаева Х.Н., Худайкулов Ж.Б. –Ўсимликшунослик, Тошкент. “Фан ва технологиялар”, 2018. 407 б.
2. Ёқубжонов О., Турсунов С., Муқимов З. –Дончилик, Тошкент. “Янги аср авлоди”, 2009.
3. Халиков Б.М. Ўзбекистоннинг суғориладиган ҳудудларида ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни қиска ротацияда алмашлаб экишда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишнинг илмий-амалий асослари: к.х.ф.д. автореферати. Тошкент. 2007. 44 б.

УЎТ: 633.51+631.459.3(575.192)

ИЗЛАНИШ ВА САМАРА

## МЕВАЛИ ВА МАНЗАРАЛИ ИХОТА ЎРМОНЗОРЛАРДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИХОТА ЎРМОНЗОРЛАРИНИНГ САМАРАСИ

**К**ашқадарьинская область в основном делится на три региона, которые подвержены ветровой эрозии, слабому, умеренному и серьезному ущербу в пустынной зоне. Данная информация помогает в решении вопроса с какой области требуется начать борьбу с эрозией. Для защиты почвы и посевов от ветровой эрозии требуется создание трехрядных (два ряда плодовых и один ряд декоративных со стороны ветровой эрозии) лесных укрытий шириной от 150 до 200 метров.

**The Kashkadarya region is mainly divided into three regions that are susceptible to wind erosion, weak, moderate and severe damage in the desert zone. This information helps in deciding which area is required to begin the fight against erosion. To protect the soil and crops from wind erosion, the creation of three-row (two rows of fruit and one row of decorative from the side of wind erosion) forest shelters with a width of 150 to 200 meters is required.**

Шамол эрозияси (дефляция жароёнлар) ер юзининг иссиқ ва қуруқ регионларида, тупроқнинг механик таркиби енгил, тезлиги кучли бўлган шамолларнинг эсиши натижасида пайдо бўлади. Шуни ҳам айтиш жоизки, тезлиги кучли шамоллар қайси ойда неча марта эсишини билиш алоҳида аҳамиятга эга, чунки кузнинг охири, қиш ва эрта баҳорда атмосферадан тушган ёгиндан тупроқ нам бўлиб, уни шамол кўтариши қийин бўлади. Ундан ташқари, кўпчилик чопиқталаб экинлар

(бошоқлилардан ташқари) асосан март ойининг охиридан бошлаб экилади. Шунинг учун март-июнь ойларида эсадиган, тезлиги кучли шамоллар катта зарарли ҳисобланади.

Бу ҳўжалиқда мевали ва манзарали ихота ўрмонзорлари Қашқадарё вилоят атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими ёрдамида 2009 йилда барпо қилинган бўлиб, Қ.Мирзажонов тавсиясига асосан қуйидаги вариантлардан иборат: тезлиги кучли шамолларга кундаланг қилиб, I- минтақани (ўрмон

## Иҳота ўрмонзорлари бўйича мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатларини ўсиш ва ривожланиш ҳолати (1.06.2016 йил)

Иҳота ўрмонидаги дарахтлар	1-минтақа, ўртача				
	Бўйи, метр	Диаметри, см.	Шоҳлар сони, дона	Шоҳлар узунлиги, метр	Қалинлиги, см
Қайрағоч	12,7	90,2	25,7	6,7	9,7
Терак	15,4	50,7	20,6	3,4	11,6
Тут	5,6	52,8	8,5	4,6	5,4
Ўрик	8,2	35,1	14,6	4,9	6,7
2-минтақа, ўртача					
Терак	14,8	48,9	19,7	3,2	10,2
Тут	5,3	50,9	7,9	4,3	5,6
Бодом	6,4	50,6	12,4	4,8	4,6
3-минтақа, ўртача					
Терак	15,1	50,3	20,0	3,6	11,2
Тут	5,8	53,1	8,9	4,9	5,3
Қароли	4,8	40,2	12,3	2,6	4,8

минтақаси), биринчи қаторига қайрағоч, иккинчига ўрик ва учинчи қаторига терак; II -минтақани биринчи қаторига тут, иккинчига бодом ва учинчисига терак; III- минтақани биринчи қаторига тут, иккинчисига ғайноли (олхўри) ва учинчисига терак экилган.

Қашқадарё вилояти, Косон тумани, суғориладиган тақирсимон тупроқларида мевали ва манзарали иҳотазорлар барпо қилинган ерларнинг механик таркиби, агрокимёвий хоссалари ва мелиоратив ҳолатлари, тупроқларнинг механик таркиби энгил қумоқ бўлиб, пастки гаризонтларга қараб энгиллашиб борган ва бу хилдаги тупроқлар шамол эрозиясига мойл бўлса-да, шўрни ювишга яхши имконият яратади. Қуруқ қолдиқ 1-0,8% атрофида бўлиб, кучсиз шўрланиш тоифасига мансуб. Агрокимёвий жиҳатидан гумусга ниҳоятда камбағал (0,3-0,5% атрофида), азот билан ҳам кам, фосфор ва калий билан эса етарли эмас даражада таъминланган бўлиб, экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш учун юқори миқдордаги азот ва ўрта миқдордаги фосфор ва калий талаб этилади.

2016 йилда ўрик бўйининг ўртачаси 8,2, бодомники 6,4, олхўриники 4,8, қайрағочники 12,7, тутники 5,6. теракники 15,1, метрга баравар бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар қандай илмий тадқиқотлар натижаси иқтисодий кўрсаткичлари билан баҳоланади.

Қашқадарё вилояти Косон туманининг Аҳмад ўғли Бўрибой фермер хўжалигида мевали ва манзарали дарахтлардан

барпо этилган иҳотазорларнинг иқтисодий кўрсаткичлари кўрсатишича, биринчи минтақа орасида экилган кузги буғдойдан ва мевадан олинган соф даромад 15604,7, иккинчи минтақада – 22540,6 ва учинчи минтақадан – 20347,4, назорат-да эса, 12858,3 сўмни ташкил этиб, рентабеллик минтақаларга мос 51,8; 64,0; 59,5 ва 45,0 фоизга баробар бўлди.

Шахриёр АҲМЕДОВ,

қ.х.ф.ф.д. доцент. (PhD),

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Одилхонов С., Толипов Х., Кубяшев Б. Кўчат экиб, боғ яратиш. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”, 2011, № 3.
2. Мирзажанов К.М. Научные основы борьбы с ветровой эрозией на орошаемых землях Узбекистана. Изд-во «Фан», Ташкент, 1981.
3. Амонов З. “Яшил қалқон” фермер хўжалиқларининг иқтисодий самарадорлигини оширади. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”, 2011, № 1, 24-б.

УЎТ: 635.21;631.87

ТАДҚИҚОТ

## КАРТОШКА ҲОСИДДОРЛИГИ, УРУҒБОП ТУГАНАКЛАР ЧИҚИМИ ВА КЎПАЙИШ КОЭФФИЦИЕНТИНИНГ СИДЕРАТЛАРГА БОҒЛИҚЛИГИ

The article presents the results of a study of the influence of summer and winter siderat crops on the growth, development, yield, yield of marketable and seed tubers, the reproduction rate of early and medium early potato varieties. It was revealed that the highest of marketable yield (30.0-35.0 t / ha), yield of seed (21.2-25.4 t / ha) tubers with a high breeding coefficient (6.4-7.7) was obtained from potato varieties after winter siderat crops - peas and peas + oil radish. Wherein, the share of degenerated tubers did not exceed 3.0-3.4%.

Маълумки, сидерат экинлардан фойдаланиш катта имкониятларга эга бўлиб, ҳосил миқдори ва сифатига, айниқса, уруғлик сифати - соғломлигига сезиларли ижобий таъсир этади.

Шунинг учун картошка навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосил тўплаши, ҳосилдорлиги, уруғбоп туганаклар чиқими ва кўпайиш коэффицентига турли сидерат экинларнинг таъсирини ўрганиш мақсадида дала тажрибаси ўтказдик. Дала

тажрибалари Қашқадарё вилояти Яқкабоғ тумани “Ҳисор” фермерлар уюшмасининг қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида 2016-2019 йиллар мобайнида ўтказилди. Тупроқнинг механик таркиби ўртақумоқ, ер ости сувларичуқурлиги 5-7 метр. Тажриба участкасида гумус миқдори (0-30 см) 1,08-1,12%, тупроқ ҳажм массаси 1,26-1,29 г/см<sup>3</sup>, солиштираммассаси 2,5-2,7 г/см<sup>3</sup>, ялли азот 0,092-0,096%, фосфор 0,148-0,162%, калий 2,7-2,8%, ҳаракатчан азот шакллари миқдори 5,18-6,56 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 18-23 мг/кг ва алмашинувчан калий 286-298 мг/кг ни ташкил этди

Тадқиқот объекти қилиб картошканинг Давлат реестрига киритилган тезпишар “Қувонч-1656-м”, ўртатегишар “Бахро-30” ҳамда Нидерландиядан келтирилган “Сантэ” ва “Кондор” навларининг маҳаллий 1-репродукция уруғлик туганаклари олинди.

Бу навлар қуйидаги сидератларда ўрганилди: 1. Кузги шудгор (назорат); 2. Баҳорги шудгор; 3. Рапс-Немерчанский -2268 нави; 4. Мойлитурп-Радуга нави; 5. Арпа-Темур нави; 6. Горох (кўкнўхат)-Восток-55 нави; 7. Кўкхантап-Юбилейная нави; 8. Горох+мойли турп.



Делянканинг майдони сидератлар бўйича 224 м<sup>2</sup>, навлар бўйича 14 м<sup>2</sup>, такрорлар сони 3-4 та. Сидерат экинларни экиш 2 муддатда: ёзда 26-28 июлда, кузда 14-19 октябрда амалга оширилиб, экиш меъёрлари: рапс-16,0; арпа-160; горох-70; кўк хантал-14,0; мойли турп-20,0 кг/га ва аралаш вариантларда бу экиш меъёрлари яримдан олинди. Экишдан олдин гектарига N30 P100 K60 кг таъсир этувчи мода ҳолида солиниб, кузги сидератлар эрта баҳорда N30 билан озиклантирилди. Экилгач 500-600 м<sup>3</sup>/га меъёрда ёзги сидератлар 9 марта, кузги сидератлар 2 марта — кузда ваэрта баҳорда суғорилди.

Картошка экишдан 10-12 кун олдин кузги сидерат экинлар, ёзги сидерат экинларда эса кеч кузда ҳосилдорлиги аниқланиб, сўнгра тўлиқ гуллаш ёки бошоқлаш даврида КИР-1,5 русумли агрегатда ўриб, янчиб, дискаланди ва 28-30 см чуқурликда шудгорланди.

Дала тажрибаларини ўтказиш, экиш, экинни парвариш қилиш, ҳосилни йиғиш, ҳисоблаш ва анализлар умумқабул қилинган услуб ҳамда тавсиялар асосида олиб борилди.

Тадқиқот натижаларининг таъкидлашича, кузги ва ёзги сидератлардан сўнг синалган картошка навларининг уруғлик туганаклар дала унвчанлиги, униб чиқиш жадаллиги, ўсиши ва ривожланиши юқори бўлиб, ўсув даврининг давомийлигига ижобий таъсир этиб, горох соф ҳолда ва мойли турп билан аралаш ҳолда қўлланилганда уруғлик туганаклар дала унвчанлиги навлар бўйича 99,6-99,9% ни ташкил этди ва назорат-кузги шудгорга нисбатан униб чиқиш 2-6 кунга, шоналаш ва гуллаш 2-5 кунга тезлашиб, ўсув даври эса 4-8 кунга узайди. Шунда навлар бўйича барг сатҳи назорат-кузги шудгорга нисбатан 20,6-21,7 минг м<sup>2</sup>/га, ўсимлик бўйи 11,9-14,4 сантиметрга, поялар 2,0-2,6 донага, барг 28,4-32,1 донага, бир туп туганак ҳосили 206,0-223,7 граммга ва туганаклар 0,9-1,4 донага зиёд бўлишини таъминлади.

Сидератлар қўлланилганда картошка навларининг ҳосилдорлиги гектаридан 26,1-32,0 тоннани ташкил этиб, назорат (кузги шудгор)га нисбатан гектаридан 5,1-10,2 тонна (27,6-46,8%) қўшимча ҳосил олинди. Кузги муддатда сидерат экин қилиб, горох соф ёки мойли турп билан аралаш ҳолда экилганда навлар бўйича гектаридан 31,4-35,5 тонна ёки назоратга нисбатан 9,6-12,3 тонна қўшимча ҳосил олишни таъминлади.

Картошка навларидан энг юқори товар (30,3-35,0 т/га), уруғбоп (21,2-25,4 т/га) ҳосил ва кўпайиш коэффиценти (6,4-7,7) кузги муддатда горох соф ёки мойли турп билан аралаш ҳолда экилганда олинди ва назорат-кузги шудгорга нисбатан айниган туганаклар улуши 3,0-3,4% га камайди ва экологик тоза соғлом ҳосил олиш имконини берди.

Кузги сидератлар шароитида ўстирилган уруғлик туганаклар экилганда навлар бўйича дала унвчанлиги 99,6-99,9% ни ёки 6,0-6,4% га юқори бўлиб, униб чиқиш 3-5 кун олдин, ўсув даври 6-9 кунга, бир тупда поялар сони 1,7-2,1 донага зиёд бўлди ва назорат (кузги шудгор)га нисбатан вирусли касалликлар билан касалланиши 10,7-11,1% га (очикча), 23,8-24,5% га (яширинча) камайди.

Демак, қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ёзги ва кузги сидерат экинлар сифатида горох, горох+мойли турп ва рапс қўлланилганда картошка тезпишар ҳамда ўртатезпишар навларининг ўсиши, ривожланиши, товар ҳосилдорлиги, уруғбоп туганаклар чиқими ва кўпайиш коэффицентига таъсир этиб, мўл ҳамда соғлом сифатли ҳосил олиш имконини таъминлади.

**Носир УСМОНОВ,**  
қ.х.ф.н., доцент,  
**Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ,**  
қ.х.ф.д., профессор, (СПЭКИТИ).

#### АДАБИЁТЛАР

1. Бердников А.М., Косьянчук В.Р. Возделывание картофеля с использованием сидератов. // Ж. Земледелие. - М.: - 1999. - № 4. - С.26.
2. Свист В.Н., Марухленко А.В. При запашке сидератов урожай и качество картофеля повышаются. // Ж. Картофель и овощи. - 2010. - № 4. - С.16-17.
3. Терехов И.В. Сидераты эффективны. // Ж. Картофель и овощи. - 2015. - № 7. - С.33-34.
4. Методика исследований по культуре картофеля. - М.: - ВНИИКХ. - 1967. - С.204.
5. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. - М.: "Агропромиздат". - 1985. - С.351.

УЎТ: 635.549.632.9

ИЗЛАНИШ ВА САМАРА

## АЧЧИҚ ҚАЛАМПИРНИНГ АЛЬТЕРНАРИОЗ КАСАЛЛИГИГА ҚАРШИ ФУНГИЦИДЛАРНИНГ БИОЛОГИК САМАРАДОРЛИГИ

Сабзавот экинлари ичида помидор, картошка ва қалампир ўсимликлари инсон ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлиб, озиқ-овқат рационада муҳим ўрин тутди. 2016 йил 204,6 минг гектар майдонга сабзавот ва 86,1 минг гектар майдонга картошка экинларини экиш ва етиштириш давлат дастурига киритилган. Аҳолини бу маҳсулот билан йил давомида узлуксиз таъминлаш учун уларнинг ҳосилдорлигини ошириш зарур. Ҳосилдорликни ошириш омилларидан бири, бу — экинларда кенг тарқалган касалликларга қарши самарали кураш усул ва воситаларини излаб топишдан иборат.

Аччиқ қалампир экинлари республикамизнинг кўпгина хўжалиқларида ва аҳолининг шахсий томорқаларида етиштирилади. Бу экинларда турли хил касалликлар кўп миқдорда учрайди ва уларга катта зарар келтиради.

Қалампир экинларида, асосан, фитофтороз, фузариоз ва альтернариоз касалликлари зарари натижасида етиштирилаётган ҳосилнинг катта қисми нобуд бўлиб, республикамиз иқтисодиётига катта зарар етказилмоқда. Шунинг учун бу касалликларнинг тарқалиши, келтирадиган зарари ва уларга қарши илмий асосланган кураш чораларини ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидандир.

Қалампирда учрайдиган асосий касалликларга қарши фунгицидларнинг самарадорлигини касалликларни аниқлаш ҳисоб-китоб қилиш ВИЗР (1985) ва Давлат Кимё Комиссиясининг (2004) услубий қўлланмаларига асосан бажарилди.

2018 йилда Тошкент вилояти Паркент тумани Қорақалпоқ худуди "Қорақалпоқ баракали замин" фермер хўжалигига

**Аччиқ қалампирнинг альтернариоз касаллигига қарши фунгицидларнинг биологик самарадорлиги. “Тошкент вилояти, Паркент тумани, Қорақалпоқ ҳудуди, Қорақалпоқ баракали замин, Bursa tohum нави, 2018 й).**

1-жадвал

№	Препаратлар номи	Меъёри, л ёки кг/га	Касалланиш, %	Касалликнинг ривожланиши, %	Биологик самарадорлик, %	Ҳосилдорлик, т/га
1	Назорат – дори сепилмаган	-	25,0	8,6	-	13,3
2	Ридомил Голд МЦ 68% с.д.г. (эталон)	2,5	4,0	0,9	89,5	15,9
3	Акробат МЦ 690 г/кг, с.д.г.	2,0	3,4	0,8	90,6	16,7
4	Браво 50% сус.к.	3,0	4,1	1,0	88,3	15,5

ривожланиши 0,9% ни ташкил қилди. Биологик самарадорлик эса – 89,5% ни ташкил қилди (1-жадвал).

“Акробат МЦ” 690 г/кг, с.д.г. 2,0 кг/га меъёрида қўлланилган касалланиш 3,4% ни, касалликнинг ривожланиши 0,8% ни ташкил қилди. Биологик самарадорлик эса – 90,6% ни, ҳосилдорлик эса 1,0 га майдондан 16 700 кг ни ташкил қилди.

“Браво” 50% сус.к -3,0 л/га меъёрида қўлланилганда касалланиш 4,1% ни, касалликнинг ривожланиши 1,0% ни, биологик самарадорлик

эса – 88,3% ни ташкил этди. Ҳосилдорлик эса 1,0 гектардан – 15 500 кг. ни ташкил қилди.

Аччиқ қалампирнинг альтернариоз касаллигига қарши “Акробат МЦ”. 690 г/кг, с.д.г. (2,0 кг/га) ва “Браво” 50% сус.к. (3,0 л/га) фунгицидларининг биологик самарадорлиги 88,3% дан 90,6% гачани, касалликнинг ривожланиши 0,8% дан 1,0% гачани ташкил қилди.

Хулоса ва тавсиялар. Аччиқ қалампирнинг альтернариоз касаллигига қарши “Акробат МЦ” 690 г/кг, с.д.г. ( 2,0 кг/га ) ва “Браво” 50% сус.к. (3,0 л/га) фунгицидларнинг биологик самарадорлиги 88,3% дан 90,6% гачани, касалликнинг ривожланиши 0,8% дан 1,0% гачани ташкил қилди.

**Сурайё САДИКОВА,**

2-курс таянч докторант,

Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти.

қарашли 0,6 га майдонга экилган аччиқ қалампирнинг “Bursa tohum” навида альтернариоз ва фитифтороз касалликларига қарши фунгицидларнинг биологик самарадорлиги ўрганилди. Фунгицидлар 3 та қайтарилишда 10x10 м<sup>2</sup> майдонда касалликларнинг дастлабки белгилари пайдо бўлганда 1-ишлов ўтказилди, 1-ишловдан 14 кундан кейин 2-ишлов ўтказилди, 2-ишловдан 14 кундан сўнг 3-маротаба кимёвий ишлов ўтказилди. Натижаларга кўра, аччиқ қалампирнинг альтернариоз касаллигига қарши “Акробат МЦ” 690 г/кг, с.д.г. 2,0 кг/га ва “Браво” 50% сус.к -3,0 л/га меъёрларда синалди. Эталон сифатида “Ридомил Голд”, “МЦ” 68% с.д.г. -2,5 кг/га фунгициди олинди.

Назорат вариантда аччиқ қалампирда касалланиш – 25,0% ни, касалликнинг ривожланиши эса – 8,6% ни ташкил этди. Ҳосилдорлик эса 1,0 га майдондан 13 300 кг. ни ташкил қилди.

Эталон сифатида “Ридомил Голд”, “МЦ” 68% с.д.г. қўлланилган вариантда касалланиш 4,0% ни, касалликнинг

**АДАБИЁТЛАР<sup>А</sup>**

1. Каримов И.А. Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари / “Халқ сўзи” газетаси. - Тошкент. 2008. 22 октябр. 1- Б.
2. Грибные болезни перца. Защита и карантин растений. №2. 2015 г. С.- 56.

УЎТ: 636.081/082.636.31.

ТАДҚИҚОТ

**Бухоро зот типигадаги қўчқорлар авлодида сур ранги ва ранг-баранглигининг ифодаланиши**

*Приведены результаты проявления окраски и расцветки в приплоде баранов-производителей Узбекитанского, Нуратинского, Кызылкумского, Свердловского, Сарибельского и Бухороишарифских заводских типов. The results of the development of color changing and coloring in sheep breeding farms of Uzbekistan, Nurata, Kizilkum, Sverdlovsk, Saribelsky and Bukhoroisharif factory types are presented.*

Қорақўлчилик яйлов чорвачилигининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, мавжуд барча яйловлардан унумли фойдаланиш имконини беради. Қорақўлчилик Республикамиздаги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда, мўйна бозорини қорақўл тери, халқнинг гўшт, жун ва бошқа маҳсулотлар, енгил саноатга хомашё турларини етказиб беришда жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, ушбу соҳа билан шуғулланувчи аҳолининг ҳаёт кечирishi манбаи ҳисобланади. Қорақўл зотида хос бўлган рангларга қора, кўк, сур, оқ, гули-

газ, қамбар, зармалла ранглари киради ва булар ўртасида энг мураккаб тузилишга эга бўлгани эса сур ранги ҳисобланади. Бу ранг қорақўл қўйлари генетик жиҳатдан фарқланадиган 3 хил зот гуруҳининг (Бухоро, Сурхондарё, Қорақалпоқ) ҳар хил ранг-барангликларини ва гул шаклларини ўз ичига олади ( С.Ю. Юсупов ва бошқалар 2016).

Таҷриба Бухоро вилояти Жондор тумани “Амир Темур” номи қорақўлчилик наслчилик ширкат хўжалигида (ҳозир ушбу номдаги МЧЖ), кумуш сур ранг-баранглигидаги Ўзбекистон,



Нурота, Қизилқум, Свердлов (махаллий), Сарибел ва Бухороишариф завод типидagi яссигулли ва ярим доира қаламигулли, мустақкам конституциядаги қўчқорларни, кумуш сур ранг-барангликдаги, яссигулли ва ярим доира қаламигулли, мустақкам конституция типли совлиқлар билан жуфтлашдан олинган авлодларда ўтказилди. Қўзиларни баҳолаш қорақўлчиликда наслчилик ишини юргизиш (бонитировка қилиш) қўлланмасига биноан баҳоланди (Тошкент, 2015 йил).

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Нурота, Ўзбекистон, Бухороишариф ва Сарибел завод типидagi қўчқорларнинг авлодида сур рангли қўзилар чиқими бўйича сезиларли фарқ кузатилмади. Жумладан, бошқа рангдаги қора, қамбар ва ола рангли қўзилар чиқими нисбатан Қизилқум ва Свердлов (махаллий) қўчқорлар авлодида кўп бўлиб 5,8-6,3 фоизни ташкил қилди. Демак, ушбу завод типли қўчқорлари ўзининг сур рангини авлодларига мустақкам равишда бера олиш қобилиятига эга экан.

Ранг-баранглиги бўйича қўзилар чиқими (%)

Завод типлари	Барра типли		Қўзилар сони	Ранглар бўйича			
	Қўчқор	Совлик		Кумуш	Тилло	Олмос	Бинафша
Ўзбекистон	Жакет	Жакет	224	76,8±4,0	17,0±3,5	3,1±3,2	3,1±2,9
Нурота	Жакет	Жакет	225	79,6±3,8	12,4±3,1	6,1±3,1	1,9±2,7
Қизилқум	Жакет	Жакет	229	74,7±4,1	19,6±3,7	-	5,7±2,6
Свердлов (махаллий)	Жакет	Жакет	208	70,4±4,4	22,1±4,1	1,8±7,4	5,4±1,9
Сарибел	Ясси	Ясси	192	78,2±3,1	10,4±3,0	1,0±4,1	1,4±1,0
Бухорои-шариф	Ясси	Ясси	190	80,1±3,2	10,1±2,7	8,0±3,1	1,8±1,1

эса Свердлов (махаллий), Қизилқум ва Ўзбекистон завод типли қўчқорлари авлодларида 22,1 – 19,6 – 17,0 % ни ташкил қилди. Олмос сур ранг-барангликдаги қўзилар Бухороишариф ва Нурота завод типидagi қўчқорларнинг авлодида кўп бўлди ва 8,0 – 6,1 % ни ташкил қилди.

Тадқиқот натижаларидан хулоса қилиб ушбу Ўзбекистон, Нурота, Қизилқум, Свердлов (махаллий), Сарибел ва Бухороишариф завод типли қўчқорларнинг авлодларида сур ран-

1-жадвал

гига хос белгилар, яъни ранги, ранг-баранглиги каби белгиларнинг кучли намоён бўлиши ва бу завод типли қўчқорлари ушбу кўрсаткичларни авлодларига мустақкам ҳолда бера олиш қобилиятини эътиборга олиб, юқоридаги завод типли қўчқорларидан ўрганилган белгиларни авлодларда мустақкамлаш мақсадида Республикамиздаги сур қўиларни урчиштишга ихтисослашган барча тоифадаги хўжалиқларда кенг миқёсида фойдаланиш мумкин.

**Субхон САТТОРОВ,**  
қ.х.ф.н., доцент,  
**Хуршид ИМОМОВ,**  
магистр,  
СамВМИ.

Сур ранги бўйича қўзилар чиқими (%)

Завод типлари	Барра типли		Қўзилар сони	Ранглар бўйича	
	Қўчқорлар	Совлиқлар		Сур	Бошқалари
Ўзбекистон	Жакет	Жакет	236	94,9±2,0	5,1±2,0
Нурота	Жакет	Жакет	236	95,3±1,9	4,7±1,9
Қизилқум	Жакет	Жакет	243	94,2±2,1	5,8±2,1
Свердлов (махаллий)	Жакет	Жакет	204	93,7±2,3	6,3±2,3
Сарибел	Ясси	Ясси	204	94,4±3,1	5,6±2,9
Бухороишариф	Ясси	Ясси	201	94,8±2,6	5,2±2,7

Бухороишариф, Нурота ва Сарибел завод типидagi қўчқорларнинг авлодида кумуш сур ранг-барангликдаги қўзилар кўп бўлди. Тилло сур ранг-барангликдаги қўзилар

## АДАБИЁТЛАР:

1. Юсупов. С. Ю. и др. Высокопродуктивные популяции каракульских овец Узбекистана. Монография. Самарканд. 2016 г. с. 156.

УЎТ: 636(075)А-18

ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ



## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИЯЛАР: ТУЯҚ УШЧИЛИК

The paper presents materials related to innovations in agriculture such as the prospects of Straus production in Uzbekistan

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда, ресурсларнинг чекланганлигидан келиб чиқиб, янгиликларни амалиётга жорий этишда инновацион ёндашувни талаб этади. Янги маҳсулот турларини яратиш заруратини келтириб чиқаради. Бугунги кунда ҳудуд қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб

чиқариши ҳажми ва таркиби ва унинг мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги нуқтаи назаридан аҳамиятли жиҳатларига баҳо бериш асосида ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб борилишида туяқушчилик соҳасини ривожлантириш аҳамиятлидир.

Маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, дунё мамлакатлари орасида туяқушчилик соҳасида етакчилик қилувчи давлатлар Хитой ва Украина ҳисобланади. Аммо ҳозирги кундаги туяқушчилик соҳасидаги энг асосий муаммолардан бири бу маҳсулотнинг табиий ва экологик тозаллигини таъминлашдир. Масалан, Хитой давлатида етиштирилаётган туяқушларнинг кўпчилиги табиий маҳсулот сифатида қабул қилинмайди. Шу сабабли Ўзбекистонда етиштирилаётган туяқуш маҳсулотлари табиийлиги борасида ўта юқори туради. Бу борада ҳозир Ўзбекистонда Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона ва Тошкент вилоятлари етакчилик қилиб келаётган бўлса, Сурхондарё вилояти учун ушбу соҳа янги ҳисобланади.

Ватани Африка ҳисобланса ҳам, ҳозирги кунда туяқушлар Ўзбекистон иқлимига мослашиб ҳаёт кечириб келмоқда. Масалан, Қашқадарё вилоятида қора Африка страуслари боқилмоқда. Ушбу туяқушлар камида 30-35 йил тухум беради. Страуслар жуда ҳам меҳрибон ва қизиқувчан бўлиб ўз эгаларига тез ўрганади. Туяқуш фермасига эга бўлганлар нафақат гўшти ва тухумидан фойда кўришлари, балки қизиқувчиларни страусларни кўрсатиш мақсадида экскурсия уюштиришлари ҳам мумкин. Туяқушнинг битта тухумидан тайёрланган куймоқни 8-10 киши истеъмол қилиши мумкин. Бу жонивор овқат танламайди. Одатда емишининг 70 фоизигача турли-туман кўкатлардан иборат бўлади. Қолганига буғдой, жўхори, арпа каби донлар аралаштириб берилаверади. Йирик туяқушлар кунига ўртача 2 кг ем ейди. Яна бир қизиқ жиҳат – ўзининг тўйганини биладиган ягона жонзот. Агар унга 3 кило емак берилса, албатта, 1 килосини қолдиради. Алоҳида жой, ўзига хос парваришни ҳам талаб қилмайди. 20 даража совуқдан 50 даража иссиққача бемалол яшайверади. Қишда ҳам устига қор тушиб, пати музламаса бас. Туяқушчиликдан олинадиган маҳсулотларнинг бирортаси чиқитга чиқмайди ва тўлиқлигича турли соҳаларда фойдаланиб келинмоқда. Туяқушнинг териси пишиқ ва эгиливчан бўлади, пойафзал саноатида ҳам кенг фойдаланилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда туяқушнинг энди тухумдан чиққан жўжасининг нархи 1,5-2,0 млн. сўм, йирик туяқушлар нархи эса 24 млн. ни ташкил этмоқда.

Туяқушлар асосан яшилликни севувчи бўлиб, карам барглари, беда, турли хил ўтлар, ошқовоқ барглари, шўра, сабзи, пичан, похол, турли хил ўсимлик илдизлари, уруғлари ва балиқ уни, шағал, оҳақтош, тухум пўчоғи ва бошқалар билан озикланади. Йирик туяқушлар кунига 10 литргача сув истеъмол қилиши аниқланган.

Ушбу соҳа мамлакатимизда ҳам ривожланиб бормоқда, аммо соҳа ривожланишига асосан илмий ёндашувни ташкил этиш бирмунча кечикмоқда, хусусан ушбу йўналишда тадқиқотларни олиб борилишида қуйидагиларга эътибор берилса, мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

– Туяқушларнинг тури, уларнинг минтақа иқлим шароитига мослашувчанлиги, яшаш шароити, озуқа таъминоти, яратиладиган

маҳсулот турлари унинг реализацияси маркетинг тадқиқотлари ва ишлаб чиқариш самарадорлиги бўйича илмий тадқиқот жараёнлари олиб бориш;

– Туяқушчиликдан етиштириладиган маҳсулотлар улгуржи бозори ҳолати ва унинг шаклланишига таъсир этувчи омиллари бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказилиб, ушбу омилларнинг таснифини ишлаб чиқиш;

– Худуддаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналари, мамлакат аҳолиси озиқ-овқат хавфсизлиги ва саноат ишлаб чиқаришини хомашё билан таъминланиши таҳлили асосида худуднинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш саноатини шакллантириш ва ривожлантириш юзасидан соҳани ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

– Сурхондарё вилояти географик тузилишидаги чўл минтақалари таҳлилини қилиш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш, шунингдек чўл минтақаларидаги унумдорлиги паст бўлган тупроқларда туяқушчиликни ривожлантириш, уларнинг чўл тупроғидаги гумус қатламини ташкил бўлишидаги иштирокини илмий асослаш бўйича тадқиқотлар олиб бориш;

– Фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда инфратузилма субъектлари муносабатларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширувчи механизмни такомиллаштириш юзасидан тадқиқотлар олиб бориш;

– Қишлоқ хўжалик корхоналари илмий таъминот тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларини қўллаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

– Худудда қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини давлат томонидан қўллаб қувватлаш механизмни жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

– Жаҳон бозори конъюнктураси ва унинг динамикаси таҳлили асосида худуднинг ўзига хос табиий иқлим хусусиятларидан келиб чиқиб туяқушчиликни ривожланишининг истиқболли йўналишларини аниқлаш;

– Минтақа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини таъминлаш бўйича логистика тизимини шакллантириш ва унинг фаолият қилиш механизмнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантиришга оид тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотчилар томонидан илмий конференцияларда маърузалар қилиниши ҳамда тезислар ва мақоллар тайёрланиб вақтли матбуотда чоп эттирилса, услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиб ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тақдим этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юқоридаги келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, туяқушчиликни ривожлантиришда маркетингни йўлга қўйиш ҳам муҳимлигича қолмоқда.

**А.АВЛИЯКУЛОВ**  
и.ф.н.

УЎТ: 631.315.4

ИЗЛАНИШ ВА САМАРА

## ФЕРМЕРЛАР МЕҲНАТИНИ ОСОНЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА...

**The article is about the importance of forming pawl between the rows of cotton, the requirements for mechanization of the technological process and the benefits of using a pawl screw-type device.**

**В статье рассказывается о важности продольных и поперечных полов в междурядьях хлопчатника, требованиях к механизации технологического процесса и преимуществах использования шнекового полоделательного устройства.**

Бугунги кунда республикамиз қишлоқ хўжалигини механизациялаш, фермер хўжаликларининг экинлардан оладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш учун замонавий илм-фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланишни

назарда тутадиган замонавий техника ва технологияларни қўллаш, мавжудларини такомиллаштиришга йўналтирилган кенг қамровли илмий ва инновацион ишлар олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш жараёнларини тўлиқ ме-



ханизациялаштиришга эришган ҳолда меҳнат сарфи – харажатларни камайтириб, экин ҳосилдорлигини оширишга қаратилган амалий сарф-ҳаракатлар тобора кенгайиб бормоқда.

Республиканинг суғорма деҳқончилигининг табиий иқлим-шароитига, тупроқ таркиби ва унга ишлов бериш технологияси, қўлланиладиган машиналар тури ва уларга қўйиладиган агротехник талабларга асосан учта минтақанинг, учинчи минтақасига кирадиган кўпгина вилоятларида (Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Қорақалпоғистон Республикаси) пахта етиштириш даврида биринчи суғоришдан олдин пахта даласини бостириб суғориш учун даланинг нишаблиги ва нотекислигидан келиб чиққан ҳолда қатор ораларида бўйлама ва кўндаланг поллар олинади. Чунки ушбу ҳудудда экинлар майдонларини бостириб суғориш усулини қўллаш орқалигина улардан кўзланган ҳосилни олишга эришиш мумкин. Акс ҳолда шўрнинг юзага кўтарилиши натижасида ўсимликларнинг ривожланиши ёмонлашади ва ҳаттоки уларнинг қуриб қолиши кузатилади. Даланинг нишаблиги ва нисбий нотекисликларнинг мавжудлиги сабабли далада бўйлама ва кўндаланг полларни ҳосил қилмай туриб ғўза даласини бостириб суғоришнинг имкони йўқ.

Бугунги кунда бўйлама ва кўндаланг полларни ҳосил қилиш агротехник тадбири тўлиғича қўл меҳнатига асосланган. Бу жуда катта меҳнат сарфини талаб қилади ва шу орқали пахта етиштириш таннархининг ошишига сабаб бўлмоқда. Пахта етиштириш технологик харитасида учинчи культивация билан биринчи суғориш жараёнларининг орасида амалга ошириладиган майдонни поллар билан қирқимларга ажратиш учун авваломбор бўйлама полларни ҳосил қилиш талаб этилади. Бу жараён бугунги кунгача қўл кучи орқали ҳамда баъзи бир фермерларда илмий асосланмаган турли хилдаги усқуналар орқали бажарилмоқда. Ушбу даврда ғўза ниҳолларини сезиларли даражада ривожланиши ва вегетация даврида бўладиган турли хил конструкциядаги илмий асосланмаган пол ҳосил қиладиган қурилмаларини қўллаш, ғўза ниҳолларини шикастланишига ва ўз навбатида ҳосилдорликни пасайишига сабаб бўлади. Ғўза қатор ораларида бўйлама пол ҳосил қилиш жараёнини тўлиғича илмий асосланган механизмлар ёрдамида амалга оширишни жорий этиш бугунги кунда долзарб ва муҳимдир.

Бугунги кунга қадар ғўза қатор ораларида пол ҳосил қилиш қурилмаларининг параметрларини мақбуллаштириш орқали мавжуд қурилмаларни такомиллаштириш билан бирга қатор ораларида энергия ва ресурстежамкор пол ҳосил қилиш қурилмасини яратиш ва илмий асослаш бўйича етарли ишлар олиб борилмаган.

Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти Бухоро филиали томонидан фермер хўжаликлари учун “Бухоро-6”, “Бухоро-8” ва “Бухоро-102” ўрта толали ғўза навларини етиштириш агротехникасига доир ишлаб чиқилган тавсияларида ғўзаларни суғориш жараёнларида полларнинг аҳамияти ва унга қўйиладиган талаблар келтирилган. Унда таъкидланишича, пол олинмаган далаларда пол олинган далаларга нисбатан қуйидагича фарқлар кузатилади:

Ҳосилдорликнинг далани рельефи ва текислигига қараб 15-30 фоизга кам бўлишлиги;

Сув сарфи 20-30 фоизга юқори бўлишлиги;

Даланинг нотекисликларида шўр парчаларининг ҳосил бўлишлиги;

Далада сув йўналишини назорат қилишнинг қийинлиги;

Суғориш давомийлигини 1.5-2 кунга ортишлиги кабилар.

Ғўзани поллар билан бўлақларга ажратиб суғоришнинг бир неча афзалликлари мавжуд:

Майдоннинг тўлиқ ва бир меъёрда суғориш таъминланади

Сув исрофгарчилиги камаюди

Даладаги сувни назорат қилиш учун қулайлик яратилади

Қирқимларни кетма – кет суғориш технологик жараёни тез ва сифатли бажарилишини таъминлайди

Юқоридагиларни инобатга олган далаларда кўндаланг ва бўйлама поллар миқдори ва сифатини таъминлашга асосий эътиборни қаратиш талаб этилади [1]. Биринчи суғоришдан олдин бўйлама ва ҳар бир суғоришдан олдин кўндаланг полларни ҳосил қилиш, суғоришдан сўнг эса ғўза қатор ораларига ишлов бериш мақсадида кўндаланг полларни бузиш ҳам механизациялаштирилиши лозим.

Суғоришдан олдин олинадиган дастлабки бўйлама ва кўндаланг поллар бугунги кун қадар тўлиғича қўл меҳнати эвазига амалга оширилиб келинмоқда (2-расм). Натижада меҳнат сарфини ошишига ва сарф-харажатнинг кўпайишига олиб келади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда қишлоқ хўжалигида ғўза қаторлари орасида бўйлама пол ҳосил қилиш жараёнини тўлиқ механизациялаштириш меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига юқори иқтисодий самара беради.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги илмий – ишлаб чиқариш маркази ҳамда Ўзбекистон қишлоқ иқтисодиёти илмий – тадқиқот институти томонидан 2016 – 2020 йиллар учун ишлаб чиқилган намунавий технологик хариталари асосида вилоятлардаги илмий – ишлаб чиқариш маркази ва пахтачилик илмий – тадқиқот институтларнинг филиаллари, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармалари томонидан ишлаб чиқилиб, илмий – амалий кенгашлар томонидан тасдиқланган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган намунавий ва ишчи технологик хариталарда ҳар гектар майдон учун 400 п/м пол ҳосил қилиш технологик жараёни келтириб ўтилган [2]. Деҳқончилик амалиётлардан маълумки, 1 гектар майдонда ўрта миқдорда 1-2 та кўндаланг пол ҳосил қилинса, 3-4 тагача бўйлама поллар ҳосил қилинади. Шундан келиб чиқиб, экин майдонининг нисбий нотекислигини инобатга олган ҳолда ушбу технологик жараённинг 30-40 фоизи кўндаланг поллар ҳосил қилишга, 60-75 фоизи эса бўйлама полларни ҳосил қилишга ажратилади. Ғўза қатор ораларида бўйлама полларни ҳосил қилиш жараёнига қуйидаги талаблар қўйилади:

Полларни ҳосил қилишда тупроқ олинадиган ён қаторлардаги ғўза ниҳолларининг илдиз тизимларига зарар етказилмаслиги ва илдиз тизими очилиб қолмаслиги

Пол ҳосил қилинадиган қаторнинг икки томонидаги мавжуд ғўза ниҳолларига шикаст етказилмаслиги ва улар тупроқ билан кўмилиб қолмаслиги

Ҳосил қилинган полнинг етарли ўлчамда ҳосил қилиниши орқали уни сувни яхши тутиб тура олишлиги ва мустақкам бўлишлиги таъминланиши

Бўйлама пол ҳосил қилинадиган қаторда ўлчами катта кесакларнинг (суғоришда сув ювадиган жойлар ҳосил бўлишини олдини олиш мақсадида) бўлмаслиги

Эгатдан олинадиган тупроқнинг лемех билан кесиш чуқурлиги культиватор билан ишлов бериш чуқурлигидан кам бўлиши лозим ва ҳ.к.

Ғўза қаторлари орасида бўйлама пол ҳосил қилиш технологик жараёнини механизмлар ёрдамида амалга оширишда, пол ҳосил қилиш техник воситаси айнан юқорида келтирилган талабларга жавоб бериши зарур. Шу билан биргаликда пол ҳосил қилиш учун ишлаб чиқариладиган техник воситасининг пол ҳосил қилиш жараёнида меҳнат сарфи кам ва иш унуми юқори бўлишини таъминлаши ва асосийси ғўза қаторлари орасига ишлов бериш мақсадида қўлланиладиган чопиқ тракторига агрегатланиши ҳамда техник хизмат кўрсатиш осон бўлиши лозим.

Ғўза қаторлари орасида пол ҳосил қилиш технологик жа-

раёнининг таҳлили ва бунда асосий масала ғўза ниҳолларига шикаст етказмасдан тупроқни керакли балангликка кўтариш ва ён қаторга уюмлаб кетишдан иборат эканлигидан келиб чиқиб, бу жараёни таъминлаш имкони бўлган кўтариш-ташиш машиналари ўрганиб чиқилди. Уларни таҳлил қилишда қуйидаги талабларга эътибор қаратилди.

Ўза қаторлари орасида қўллай олиш имкониятининг мавжуд бўлиши;

Иш жараёни техник жиҳатдан хавфсиз бўлиши;

Иш жараёнида ғўза ниҳолларининг тана ва илдизларига шикаст етказмаслиги;

Ўза қаторлари орасидаги эгатда барқарор ишлай олиши;

Полнинг бир текисда, сифатли ҳосил қилиш талабига асосан, машинанинг иш жараёни бир текис таъминланиши;

Ҳаракат узатиш схемасининг содда бўлиши;

Тракторга агрегатланиш ва транспортировка қилиниши бўйича қулай бўлиши;

Конструктив жиҳатдан соддароқ бўлиши;

Техник қаровнинг осон бўлиши;

Иш жараёнида экологик зарарларнинг бўлмаслиги ёки жуда кам бўлиши;

Қўшимча ишчи кучи талаб этмаслиги, яъни тракторчининг ўзи хизмат қилиши ва бошқалар.

Белгиланган технологик жараёнини бажаришда юқорида келтирилган талабларга мос шнекли иш органли бўйлама пол ҳосил қилиш қурилмаси яратилди. Ушбу қурилманинг шнекли иш органи тупроқни маълум а бурчак остида ташийди ва марказий эгатга уюмлайди. Шу орқали бир ўтишда ғўза қатор ораларида бўйлама полни ҳосил қилишга эришилилади

Ушбу қурилманинг қуйидаги афзалликлари мавжуд:

Ўза қаторлари орасида бўйлама полларни ҳосил қилиш техник воситалар ёрдамида амалга оширилади;

Меҳнат сарфи кескин камайиши ҳисобига маҳсулот таннархи арзонлашади;

Полнинг профили ва сифати талаб даражасида бўлишига эришилади;

Пол ҳосил қилиш жараёни агрегатнинг бир ўтишда амалга оширилиши сабабли қурилма энергия ва ресурстежамкор ҳисобланади;

Қурилманинг иш жиҳози ёпиқ шароитда, яъни қувурда иш бажарилиши сабабли ҳар қандай салбий таъсирлардан ҳимояланган;

Ушбу транспортёрда тупроқни бурчак остида етарли балангликка кўтариш ва ташиш имконияти мавжуд;

Шнекли иш органли пол ҳосил қилиш қурилмасининг осон агрегатланиши, иш жараёни бир текислиги ва ишга тушириш ҳамда ажратиш жараёни соддалиги сабабли ундан ғўза қаторлари орасида бўйлама пол ҳосил қилишда фойдаланиш мумкин.

Қўл кучи ёрдамида пол ҳосил қилиш жараёнига қараганда экологик жиҳатдан устун, яъни жараён ёпиқ шароитда бориши ҳисобидан иш жараёнида чанг ҳосил бўлиши эҳтимоли кам;

Қурилма қувурининг цилиндр шаклига эга эканлиги сабабли эгатнинг ишлов берилган қисми профилига мос ҳолда бўлганлиги сабабли ғўза ниҳолларининг илдиз тизими ва танасига зарар етказиш эҳтимоли кам.

Ушбу яратилган техникадан фойдаланиш орқали фермер хўжаликларида ғўза қатор ораларида бўйлама пол ҳосил қилиш технологик жараёнида меҳнат сарфи 40 фоизга мартагача камайиб, иш унуми 80 мартагача ошган ҳолда ҳар гектар майдонга пол ҳосил қилишда қўл меҳнатига нисбатан 12659 сўм (2019 йил 31 декабр ҳолатида) иқтисодий даромадга эришилади.

**Ҳамид ОЛИМОВ,**

*“Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш”  
кафедраси мудири, т.ф.ф.д., (PhD),*

**Шухрат ОСТОНОВ,**

*ассистент,*

**Достон АШИРОВ,**

*талаба,*

*ТИҚХММИ Бухоро филиали.*

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Рахматов Б. Икромов Г. Юнусов З. Пахтакор фермер хўжаликлари учун “Бухоро – 6”, “Бухоро – 8” ва “Бухоро – 102” ўрта толали ғўза навларини етиштириш агротехникаси бўйича тавсиялар. УзПТИ Бухоро филиали. Бухоро. 2010.
2. Бухоро вилоятида 2020 йил учун пахта етиштириш бўйича намунавий технологик харита. Бухоро – 2019. 20 бет.

УДК: 631.4.847.20

ИССЛЕДОВАНИЕ

## ОТРИЦАТЕЛЬНОЕ ВЛИЯНИЕ СОЛЕПЫЛЕВЫХ АЭРОЗОЛЕЙ НА ПЛОДОРОДИЯ ПОЧВЫ ОТРИЦАТЕЛЬНОЕ ВЛИЯНИЕ СОЛЕПЫЛЕВЫХ АЭРОЗОЛЕЙ НА ПЛОДОРОДИЯ ПОЧВЫ

*В результате исследований установлены что, солепылевые аэрозоли из высохшего дна Аральского моря отрицательно влияют на плодородие почвы. Для смягчения отрицательного влияния солепылевых аэрозолей необходимо мульчирование органическими удобрениями из расчета 20 и 30 т/га.*

*As a result of studies, it was found that saltpile aerosols from the highest bottom of the Aral Sea, adversely affect soil fertility. To mitigate aerosols, it is necessary to mulch with organic fertilizers at a rate of 20 and 30 t/га.*

Высыхание Аральского моря отрицательно влияет на окружающую среду, так как после высыхания на её месте образовалась новая солевая пустыня с площадью более 3,5 млн.га. Осушенное дно моря представило собой новый географический объект, оказывающий

заметное влияние на прилегающие территории и прежде всего, как мощный источник выноса песчано-солевых аэрозолей Приаралья.

На орошаемые территории Республики Каракалпакстан в большинстве случаев, превалирует ветер с северной стороны, т.е. со стороны Аральского моря. Солепылевые аэрозоли переносятся на территорию республики. Количество оседаемых солепылевых аэрозолей на орошаемые территории разные, в зависимости от отдаленности высохшего дна Аральского моря.

В проведенных исследованиях, нами поставлена цель установить влияние оседаемых солепылевых аэрозолей на плодородие орошаемых почв, а также их количество за вегетационный период.

Для определения количества оседаемых солепылевых аэро-



золей на орошаемые территории на опытном участке расположенные в Ходжейлийском и Канлыккульском районах (отдаленность их от обсохшего дна Аральского моря соответственно составляет 250 и 150 км) в трехкратной повторности установлены соле-пылеулавливатели изготовленные из марлевого материала с площадью 1 м<sup>2</sup>. Учеты были проведены с апреля по ноябрь месяцы т.е. за вегетационный период в течение 3 лет.

В начале вегетации на опытном участке расположенной в Канлыккульском районе, количество солепылевых аэрозолей составляет 13 кг на га, наибольшее количество оседаемых солепылевых аэрозолей наблюдалось в июне и июле месяце (30 кг/га) и сумма за апрель-октябрь месяцы составило 198 кг на гектар.

Как свидетельствуют данные, по количеству оседаемых солепылевых аэрозолей в период вегетации нет определённых закономерностей, их количество по годам исследований разные. Установлено, что количество солепылевых аэрозолей из года в год повышается, так в 2012 году оно составляло 198, 2013 году – 256 и в 2014 году - 274 кг на гектар.

Ежемесячно определено содержание водорастворимых солей в составе солепылевых аэрозолей. Данные показывают, что содержание хлор-иона за апрель-октябрь месяцы составило 0,081-0,110% и плотного остатка 0,860-1,010%. По содержанию водорастворимых солей в составе солепылевых аэрозолей от весны к осени определённых закономерностей не наблюдаются.

Наибольшее накопление как хлор-иона, так и плотного остатка в орошаемых почвах наблюдаются в контрольном варианте, и соответственно составляет 0,017 и 0,130%. Во втором варианте, где растения возделывали в защищенном от солепылевых аэрозолей количество накопленных водорастворимых солей соответственно меньше по сравнению с предыдущим контрольным вариантом.

Почвенные пробы для определения влияния солепылевых аэрозолей и норм органических удобрений на питательный режим почвы были взяты ежегодно, в начале, середине и в конце вегетации.

Как свидетельствуют полученные данные, содержание питательных элементов в почве от весны к осени снижаются. Однако, снижение зависит от нормы внесенных органических удобрений.

Так, к концу вегетации в контрольном варианте с минеральным удобрением наблюдается наибольшее снижение, как гумуса, так и других питательных элементов. Участки с защищенным от солепылевых аэрозолей площади не повлияло на содержание питательных элементов в почве. Но наименьшее снижение содержания питательных элементов наблюдаются в вариантах, где было применено органических удобрений из расчета 20 и 30 т/га в качестве мульчи.

Полученные данные свидетельствуют о том, что от весны к осени содержание солей повышается. Однако, интенсивность повышения или снижения водорастворимых солей зависит от уровня плодородия почвы, т.е. повышение нормы органических удобрений способствует снижению накопления вредных для растений солей.

Исследованиями (Исмаилов, 1995) в условиях засоленных почв Каракалпакстана также установлены, что с применением минеральных удобрений в значительной мере увеличиваются урожайность сельскохозяйственных культур, которые выносят наибольшее количество питательных элементов, в т.ч. гумуса.

Как известно, потери гумуса находятся в прямой зависимости от величины урожая, а восполнение потерь – от вида возделываемых культур, т.е. под пропашными культурами (хлопчатник, кукуруза, сорго) баланс гумуса всегда отрицательный, а под культурами сплошного посева (люцерна, пшеница, бобовые культуры) – положительный.

С внесением органических удобрений с нормой 30 т/га повышают плодородие почвы и значительно смягчает отрицательное влияние солепылевых аэрозолей.

Таким образом, применение органических удобрений препятствует отрицательному воздействию накопленных солей в орошаемых почвах. Для создания благоприятного питательного режима почвы необходимо применение органических удобрений в качестве мульчи из расчета 20 и 30 т/га, способствующие нормальному росту и развитию сельскохозяйственных культур, сохраняю плодородия почвы как в Центральной так и в Северной зоне республики.

**Аксингуль ИСМАИЛОВА, ассистент,**  
*Нукусский филиал ТашГАУ*

#### ЛИТЕРАТУРА:

1. Исмаилов У.Е. Научные основы повышения плодородия почвы. —Нукус: Билим, 2004. — 212 с.
2. Разаков Р.М., Косназаров Х.А. Эоловый вынос и выпадение солепылевых частиц в Приаралье. Сб. Научных трудов САНИИРИ. —Т. 1987 вып. 37. — С. 24-26.
3. Рафиков А.А. Борьба с засолением в низовьях Амударьи.// Журнал Мелиорация и водное хозяйство. 1988 г. №9 - С. 32-34
4. Исмаилов У.Е. Научные основы повышения продуктивности различных схем хлопковых севооборотов, плодородия почвы и принципы дифференциации их по зонам Республики Каракалпакстан. Автореф. дисс. на соиск. уч. степени д. с-х. наук. — Ташкент, 1995.— 40 с.

УЎТ: 626/627.4.8

ТАДҚИҚОТ

## ЙИРИК МАГИСТРАЛ КАНАЛЛАР ФИЛЬТРАЦИЯСИНИ ҲИСОБЛАШДА ФИЛЬТРАЦИОН ҚАРШИЛИКЛАР УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Кўп ҳолларда дренаж, каналлар ва бошқа иншоотлардаги мураккаб оқимларни шакллантиришдаги фильтрацияни ҳисоблаш учун уларни қулай шаклга келтириш мақсадида кенг миқёсда муҳандислик ҳисоблашлари аниқлик даражасини сақлаган ҳолда фильтрацион қаршилиқлар усули кенг қўлланилади.

Фильтрацион қаршилиқлар усулининг асосий тамойиллари: фильтрацион босим кескин ўзгарган шароитда яхши шаклланмаган чегаравий шартларининг маълум бир узоқликдаги фильтрация сув сарфи ва умумий кўринишига ўхшаш ҳолат

бўлган қисм чегаравий шартлари билан алмаштириш имкони билан характерланади. Бундай алмаштириш натижасида оқим ҳаракатидаги кескин ўзгаришлар йўқотилади ҳамда шакланган сув ўтказмас қатламга босими тақсимланган текис ўлчамдаги оқим шаклланади. Бу ўз навбатида дренаж тизимлари, каналлар, сув ҳавзалари ва гидротехник иншоотларда содир бўладиган фильтрацион жараёнларни самарали ҳисоблаш имкониятини яратди.

Фильтрацион қаршилиқ усули ёрдамида ҳисоблаш амалларини бажариш, лаборатория ва дала тажрибалари натижасида олинган

параметрлар билан алоҳида олинган масалаларни гидравлик усул билан ечишга асосланган. Масалан, каналда бўладиган филтрацион жараён кўрилатганда филтрация оқими олиб ташланиб, у қаршилиқни инobatга оладиган чегаравий шартлар билан алмаштирилади.

Барқарор филтрация жараёнини ҳисоблашда грунтдан ўтайдиган каналлардаги бир йўналишдаги солиштирма сув сарфи куйидагича аниқланади:

$$T = k(h_* + \frac{\bar{h}_k}{2}); \bar{h}_k = h_k - h_*; \Phi_k = \Phi'_k + 2\Phi''_k; \Phi'_k = h_k f'_k; \Phi''_k = h_k f''_k; f'_k = \frac{B_k}{2h_k} - 1.466 \lg \operatorname{ctg}(\frac{\pi B_k}{4m}); f''_k(m) = 0.733 \lg \operatorname{ctg}(\frac{\pi B_k}{4h_k}); \quad (3)$$

$$q_k = T \frac{\bar{h}_k}{\Phi_k + \Phi_{\text{одт}} + \sqrt{\frac{Tz_*}{\varepsilon_{II}}}} \quad (1)$$

$$\Phi_{\text{одт}} = f_{\text{одт}} B_k = \frac{k}{k'_{\text{одт}}} \delta_0, \text{ буерда: } f_{\text{одт}} = \frac{k}{k'_{\text{одт}}} \frac{\delta_0}{B_k}, \quad (4)$$

(1) формулада:  $T$  – қатламнинг ўртача сув ўтказиш қобилияти, м<sup>2</sup>/сут;  $\bar{h}_k$  – канал ва ер ости сувлари сатҳлари орасидаги фарқ, м;  $\Phi_k$  – каналнинг гидродинамик ҳолатига боғлиқ филтрацион қаршилиқ босими, м;  $\varepsilon_{II}$  – сув буғланиш интенсивлиги. Канал ўзани бетон билан қопланганда филтрациянинг солиштирма сув сарфини ҳисоблаш формуласи куйидагича ифодланади:

$$q_k = T \frac{\bar{h}_k}{\Phi_k + \Phi_{\text{одт}} + \sqrt{\frac{Tz_*}{\varepsilon_{II}}}} \quad (2)$$

Формулада  $\Phi_{\text{одт}}$  – канал ўзани бетон билан қопланган ҳолатда вужудга келадиган қўшимча қаршилиқ, м. Келтирилган ифодалардан фойдаланиб, куйидагиларга эришамиз:  $K$  – асосдаги грунт филтрация коэффиценти.

Канал ўзанидаги қопламалар таъсирида вужудга келадиган қўшимча қаршилиқлар куйидаги формула билан ҳисобланади:

Канал атрофидаги грунт сувлари сатҳи куйидаги формуладан аниқланади:

$$\text{-канал ўзани грунтдан ўтганда} \quad h = h_* + h'_k e^{-\bar{x}} \quad (5)$$

-канал ўзани бетон қопламада

$$h'_k = h'_k - \frac{q_k}{T} \Phi_k \quad (6)$$

$$h'_k = h'_k - \frac{q_k}{T} (\Phi_k + \Phi_{\text{одт}}) = \frac{h'_k}{\alpha(\Phi_k + \Phi_{\text{одт}}) + 1} \quad (7)$$

Канал ўзанида икки қаватда турли грунтлар бўлса, филтрация сарфидан (6) ёки (7) билан ҳисоблашда куйидаги параметрлардан фойдаланилади:

$$T = k_1(h_* + \frac{\bar{h}_k}{2}) + k_2 m_2, \text{ е } k_1, k_2 \text{ – биринчи ва иккинчи қават}$$

грунтларифилтрация коэффицентлари;  $m_2$  – иккинчи қават грунги қалинлиги.

Йирик магистрал каналлар филтрациясини ҳисоблашда филтрацион қаршилиқлар усули орқали ҳисоблашда дала тадқиқот натижаларидан фойдаланилади.

**УМИДЖОН САДИЕВ,**  
PhD Ирригация ва сув муаммолари  
илмий-тадқиқот институти.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Садиев У. “Управление и моделирование магистральных каналов при изменяющихся значениях гидравлических параметров водного потока”. журнал “Мелиорация и водное Хозяйство”, Россия №6, 2016 г 10-12-ст.
2. Олейник А.Я. Геогидродинамика дренажа. / “Наука думка”, 1981. 284 с.
3. Шестаков В.М. Теоритические основы оценки подпора водопонижения и дренажа. М. изд-во, МГУ 1965, 233 с.
4. Щедрин В.Н., Косиченко Ю.М., Колганов А.В. Эксплуатационная надежность оросительных систем. Ростов Н/Д: Изд-во СнцвШ, 2004. 388 с.
5. Щедрин В.Н., Ю.М. Косиченко, Ю.И. Иовчу. Методика расчета гидравлической эффективности и эксплуатационной надежности оросительных каналов / – М.: ФГНУ ЦНТИ «Мелиоводинформ», 2008. – 55 с.

ЎЎТ: 632.58+633.51+531.5

ТАДҚИҚОТ

## ЭРОЗИЯГА УЧРАГАН ЕРЛАРДА ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАР ИЛДИЗ ВА АНГИЗ ҚОЛДИҚЛАРИНИНГ ТУПРОҚДАГИ ОЗИҚ МОДДАЛАР МИҚДОРИГА ТАЪСИРИ

**The effects of the roots of the repeated crops and the residue of the weeds to the amount of the nutrients in the soil that damaged with irrigation erosion. This study highlights the fact that the repeated crops (bean, mung bean, chickpea, clover) that are sowed in the typical gray earth soil of Samarkand region that damaged with irrigation erosion leave nutrients such as nitrogen 47,0 -70,7 kg, 14,6-34,0 kg phosphorus, 35,6 -70,1 kg potassium per hectare, it increases the fertility of the soil as well as assists to get high harvest from winter wheat (63,8 – 67,3 c/ha) that are sowed after these crops.**

Республикаимизнинг суғорма деҳқончилик қилинадиган ҳудудларида қишлоқ хўжалик экинларини суғориш жараёнида суғориш сувларидан нотўғри фойдаланиш, нафақат сувни кўплаб исроф бўлишига, балки тупроқ ва ундаги озиқ моддаларни ювилиб кетишига ва натижада, бундай ерлар-

да етиштирилатган экинларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатиб, маҳсулот сифатини бузмокда ҳамда катта экологик зарар келтирмокда.

Ирригация эрозиясига қарши курашиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, унинг иқтисодий самарадорлигини ва



экологик ҳолатини талаб даражасида сақлаш ҳамда табиий муҳофазасини ташкил этиш Самарқанд вилояти фермер хўжаликлари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Чунки, ҳозирги пайтда суғориладиган ерларнинг 122 минг гектарга яқини турли даражада эрозияга чалинган бўлиб, кўп ҳолларда тупроқ балл-бонитети пасайиб, унумдорлиги камайиб кетмоқда.

Республикамиз тупроқ-иқлим шароити қишлоқ хўжалик экинларини йил бўйи экиб, бир йилда 2-3 марта ҳосил етиштириш имконини беради. Республиканинг марказий ва жанубий ҳудудларида иссиқ ва қуёшли кунлар 220-250 кунни, очик, булутсиз кунлар эса 150-180 кунни ташкил этади. Демак, кузги ғалладан кейин такрорий экинларни экишга имконияти бор ҳудудларда ушбу тадбирни амалга ошириш учун табиий шароитлар етарли. Фермер хўжаликлари ўзларининг иқтисодий-ижтимоий манфаат ва мақсадларидан келиб чиқиб, дуккакли дон (ловия, мош, соя, нўхат), дон (маккажўхори, оқ жўхори, қанд жўхори), мойли (зиғир, кунжут, махсар, кунгабоқар) экинларидан истаганини танлаб экишлари мумкин. Лекин, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитини ҳамда тупроқ унумдорлигини пасайиб кетаётганлигини назарда тутиб, кўпроқ дуккакли-дон экинларини етиштириш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридида кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш учун 2016-2019 йиллари мобайнида Самарқанд вилояти Жомбой туманининг “Мансуров Музаффар файзли замини” фермер хўжалигининг ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлари шароитида такрорий экинлар ва минерал ўғитлар меъёрларини табақалаштириб қўллашнинг улардан кейин экилган кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, дон ҳосили ва сифатига ҳамда тупроқ унумдорлигига ва агрофизикавий хусусиятларига таъсири ўрганилди.

Дала тажрибалари 4- такрорлашда ўрганилиб, вариантлар (1. Шудгор – такрорий экин экилмаган; 2. ловия; 3. мош; 4. соя; 5. хашаки нўхат; 5. беда, азотли ўғитларнинг 90-210, фосфорли ўғитларнинг 60-148 ва калийнинг 60-105 кг/га меъёрлари) систематик равишда бир ярусда жойлаштирилди. Тажриба майдони тупроқлари типик бўз тупроқ, даланинг нишаблиги 0,005 метр, грунт сувлари 16-20 м чуқурликда жойлашган, механик таркиби бўйича ўртача қумоқ. Тажриба даласи тупроқларининг ювилган ва ювилмаган майдонларининг ҳайдалма (0-30 см) қатламидаги гумус миқдори тегишлича 0,87-0,93%, умумий азот-0,091-0,120, фосфор - 0,176 - 0,185, калий - 2,18-2,29% бўлиб, уларнинг ҳаракатчан шакллари мос равишда нитратли азот – 12,6-17,3, ҳаракатчан фосфор-14,2-18,5 ва алмашинувчан калий—260-290 мг/кг тупроқда мавжудлиги аниқланди. Маълумки, ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқларда қишлоқ хўжалиги экинлари томонидан энгил ўзлаштириладиган озиқ моддаларнинг асосий манбаи, такрорий экинлар томонидан қолдирилган илдиш ва анғиз қолдиқлари — органик моддалар, яъни органик бирикмаларнинг микроорганизмлар томонидан парчаланишидан ҳосил бўлган озиқ элементлари ва минерал ўғитлар ҳисобланади. Аммо, кейинги бир неча ўн йиллар давомида барча суғориладиган ерларда ғўза-ғалла экинларининг сурункасига экилиши, илмий асосланган алмашлаб экишни, такрорий экиладиган дуккакли-дон ва ем-хашак экин майдонларининг кескин камайиши натижасида тупроқдаги гумус ва асосий озиқ элементлари (NPK) миқдорининг камайишига олиб келмоқда.

Тадқиқотларимиз ўтказилган ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойни экишдан олдин тупроқларнинг 0-30 см қатламидаги гумус миқдори, барча

ўрганилган вариантларда ўртача 0,82-0,94% ни, умумий азот 0,09-0,12, фосфор 0,14-0,17 ва калий 1,96-2,18 % ни ташкил этган бўлса, озиқ элементларининг ҳаракатчан шакллари  $N - NO_3$  -14,6 – 17,3,  $P_2O_5$  -15,3 -18,5 ва  $K_2O$  – 220 – 290 мг/кг тупроқда мавжудлиги аниқланди.

Тажриба даласидаги кузги буғдойнинг амал даври охирида тупроқлар таркибидаги гумус, умумий азот, фосфор, калий ва уларнинг ҳаракатчан шакллари миқдорига такрорий экинлар (ловия, мош, соя, хашаки нўхат, беда) сезиларли таъсир кўрсатганлиги кузатилди. Масалан, тажрибанинг назорат (такрорий экин экилмаган) вариантининг тупроғи кучли ювилган қисмининг 0-30 см қатлами тупроқлари таркибидаги гумус миқдори дастлабки кўрсаткичларига нисбатан 0,12% га, умумий азот, фосфор ва калий миқдори тегишлича 0,05; 0,03 ва 0,02% га, уларнинг ҳаракатчан шакллари миқдори эса мос равишда 6,3; 5,4 ва 28 мг/кг тупроқда камайганлиги кузатилди ва бундай камайишни кузги буғдой кузги буғдой томонидан озиқ моддаларни ўзлаштириши ҳамда суғориш сувлари таъсирида ювилиб кетганлиги билан изоҳланиши мумкин.

Ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитидаги кузги буғдойдан сўнг экилган такрорий экинлар ва ўғитлар меъёрига боғлиқ ҳолда тупроқда тўпланган анғиз ва илдиш қолдиқлари ҳамда улар таркибидаги озиқ элементлари умумий шаклларининг миқдорини аниқлаш бўйича олиб борган тадқиқотларимиз натижаларига кўра, кузги буғдой йиғиштириб олингандан кейин даланинг тупроғи кучли ювилган қисмида ўртача 2,7-3,1 тонна илдиш ва анғиз қолдиқлари қолдирилди. Ушбу қолдиқлар таркибида 11,8-12,5 г азот, 4,5-5,4 кг фосфор 17,6-19,2 г калий мавжудлиги аниқланди. Бу кўрсаткичлар 1 тонна илдиш ва анғиз қолдиғида 11,8-12,5 кг азот, 4,5-5,4 кг фосфор 17,6-19,2 кг калий борлигини кўрсатди. Агар, бу кўрсаткичлар тупроқда қолган 2,7-3,1 тонна қолдиқлар миқдорига ҳисобланганда, унда органик қолдиқлар ҳисобига майдонда 31,9-38,7 кг азот, 12,3-16,4 кг фосфор, 47,5-59,5 кг калийнинг тупроққа қайтганлиги аниқланди.

Тажриба даласининг тупроғи кучли ювилган қисмида такрорий экин сифатида экилган дуккакли дон экинлари ловия, мош ва соя ўсимликларидан тупроққа қолдирган органик қолдиқлар бўйича олинган маълумотларга кўра, ловиядан ўртача ҳисобда 1,6-2,5 т/га, мошдан 1,8-2,7; соядан 2,3-2,8 ;хашаки нўхатдан эса 1,7-2,4 т/га илдиш ва анғиз қолдиқлари қолдирганлиги ҳисобга олинди. Ушбу қолдиқларнинг агрохимёвий таҳлиллари натижаларига кўра, 1 тонна ловиянинг илдиш ва анғиз қолдиғида 16,2 кг азот, 4,9 кг фосфор, 12,4 кг калий, кўрсатилган миқдордаги мошнинг илдиш ва анғиз қолдиғида 26,2 кг азот, 12,6 кг фосфор, 26,3 кг калий мавжудлиги аниқланган бўлса, бу кўрсаткичлар соя ва хашаки нўхат илдиш ва анғиз қолдиқларида тегишлича 16,8; 5,2; 12,7 ва 17,2; 5,4; 11,9 кг ни ташкил этганлиги аниқланди. Демак, ловиянинг органик қолдиғи ўртача гектарига 1,6-2,5 тоннани ташкил этса, унда ловия ҳисобидан ҳар бир гектарга 26,2-40,5 кг азот, 7,8-12,3 кг фосфор, 19,8-31,0 кг калий, мошнинг органик қолдиғи, ўртача гектарига 1,8-2,7 тоннани ташкил этса, 47,7-70,7 кг азот, 22,7-34,0 кг фосфор, 47,3-70,1 кг калий, соя ва хашаки нўхатнинг органик қолдиқлари, тегишлича гектарига 2,3-2,8 ва 1,7-2,4 тоннани ташкил этса, улар таркибидаги азот, фосфор калий миқдори мос равишда 38,6-47,0; 12,0-14,6; 29,2-35,6 ва 29,2-41,3; 9,2-13,0; 20,2-28,6 кг миқдорда озуқа элементлари тупроққа қайтади. Бу эса, эрозия таъсирида ювилиб, оқовага чиқиб кетган ҳамда ўсимликлар томонидан тупроқдан ўзлаштирилган озиқ моддалар ўрнини тўлдиришга, тупроқ унумдорлигини сақлашга ва улардан кейин экиладиган

кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон етиштиришга замин яратади.

Тажриба даласида етиштирилган такрорий экинлар (ловия, мош, соя, хашаки нўхат, беда) таъсирида ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқларнинг агрохимёвий хоссаларидаги юқорида таъкидлаб ўтилган ижобий ўзгаришлар, улардан кейин экилган кузги буғдой уруғларининг қийғос униб чиқишига, уларнинг маҳсулдор тупланишига, ўсимликларнинг мақбул ўсиб-ривожланишига пировард натижа мўл ва сифатли дон ҳосили етиштиришга самарали таъсир кўрсатиши аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида такрорий дуккакли дон экинларидан ловия, мош, соя, хашаки нўхат, беда экилганда, уларнинг тупроққа қолдирадиган органик қолдиқлари миқдори

ўртача гектарига 2,5-3,8 тоннани ташкил этиб, уларнинг минераллашуви натижасида тупроққа 47,0-70,7 кг азот, 14,6-34,0 кг фосфор, 35,6-70,1 кг калий озиқа моддалари қайтади. Бу эса, ўсимликлар томонидан ўзлаштириб кетилган озиқ моддалар ўрнини тўлдиришга, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга ҳамда улардан кейин экиладиган кузги буғдойдан мўл (63,8-67,3 ц/га) ва сифатли (оқсил 14,8-15,2; клейковина 30,6-31,5%) дон ҳосили етиштириш имкониятлари мавжудлигини кўрсатди.

**Бобур ХОЛМУРЗАЕВ,**  
таянч докторант (PhD),  
**Комил МЎМИНОВ,**  
профессор,  
СамВМИ.

УЎТ: 627.6.034.7

ТАДҚИҚОТ

## ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДА ЖОЙЛАШГАН СУВ ОМБОРЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

*Проведенные многолетние исследования показали, что сокращение объемов русловых водохранилищ вместо наносов является общепризнанной проблемой в мире. В данной статье разработаны предложения по защите полезных объемов русловых водохранилищ, увеличению срока их эксплуатации и сокращения количества наносов.*

*Long-term studies have shown that the reduction in the volume of channel water reservoirs as a result of sediment is a universally recognized problem in the world. In this article, proposals have been developed to protect the useful volumes of channel water reservoirs, to increase the operation life of reservoirs and to reduce the amount of sediment.*

Дунёнинг ҳеч бир мамлакатида бизнинг республикамиздек ирригация ва мелиорация соҳасига давлат миқёсида юқори даражада эътибор қаратилаётгани йўқ.

Мамлакатимиз ҳудудида сув ресурсларининг йил давомида нотекис тақсимланишини инобатга олган ҳолда сув захираларини ҳосил қилишда, сув тошқинлари ва сел оқимларини бошқариш ва бошқа бир қатор масалаларни ҳал қилишда сув омбори, сел сув омборлари гидроузеллар қурилиши, мавжудлари реконструкция қилиниши ва улардан самарали фойдаланиш ўта муҳим масалалардан ҳисобланади.

Умуман олганда сув омборининг асосий технологик кўрсаткичларидан бири бу уларнинг фойдали сиғими бўлиб, ушбу кўрсаткич бундай объектларнинг умумий эксплуатация жараёнини белгиловчи асосий омилларидан ҳисобланади. Йирик тўғонлар бўйича жаҳон комиссияси материалларига кўра дунё бўйича ҳар йили сув омборларининг ўртача 0,6-1,0% фойдали сиғими қисқариши кузатиламоқда. Ушбу йўқотилиш 6,3 млрд АҚШ доллари миқдорида баҳоланиши қайд этилган. Ўзбекистон Республикасида ҳозирги пайтда сиғими 1 м<sup>3</sup> дан катта бўлган 20 дан ортик кичик ва ўрта сиғимли ўзанли сув омборлари (селсувомборлари) фаолияти

кўрсатмоқда. Фарғона водийсидаги Чортоқ, Қорасу, Куксерексой, Қорамурад, Қашқадарё вилоятидаги Деҳқонобод, Қалқама, Қизилсув, Лангар, Шўрабсой, Самарқанд вилоятидаги Қорасув, Турсунсой, Қоратепа ва бошқа бир қатор объектлар шулар жумласидандир. Бундай гидроузеллар асосан кучли сув тошқинларини ва сел оқимларини трансформация қилишга, шунингдек, суғориш мавсумида қишлоқ хўжалигига ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида маълум даражада сув етказиб беришга мўлжаллангандир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 апрелдаги 201-сонли “Тошқин сел оқимларини оқизиб юбориш ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ бўлган ҳалокатли оқибатларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам бундай объектларнинг кўплаб қурилишини ва улардан самарали фойдаланишни тақозо этади. Кўп йиллик гидрологик ва эксплуатация маълумотларини таҳлил қилсак, сув тошқинлари ва сел оқимларини ўзанли сув омборларида йиғиш натижасида бир мавсумда ўртача қишлоқ хўжалигига суғориш учун 600-650 млн м<sup>3</sup> сув етказиб бериш имконияти бор. Шунингдек, кулай топографик шароитларга эга бўлган ўзанли сув омборларининг фойдасиз хажм қисмида доимо сув сақлаш эвазига

балиқчилик хўжалигини ташкил қилиш имкониятлари ҳам бор. Энг асосий масала, бундай объектлар учун кучли сув тошқинлари ва сел оқимларини жиловлашдан иборатдир. Бунинг учун ўзанли сув омборларининг ҳисобий фойдали сиғими дарё ёки сойлардан келиши кутиладиган максимал миқдордаги сел тошқинини сиғдира олиши керак.

Ўзбекистон Республикаси тоғли ва адирсимон ҳудудларида юзага келадиган сел оқимлари турбулент-лойқа оқимлар туркумига киради. Шунинг учун, ўтган ҳар битта сел оқими жуда катта ҳажмда лойқа олиб келади ва ўзанли сув омборларининг фойдали сиғимларини кескин қисқариб бориши ўзанда сув омборлари нормал ва ишончли иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Бир неча йиллар фойдаланишда бўлган ўзанли сув омборларида кейинги бир қатор камчиликлар юзага келганлиги кузатиламоқда. Яъни, ўзанли сув омборлари асосий иншооти бўлган тупроқ тўғонларида деформация жараёнлари юзага келиши, ёриқлар пайдо бўлиши, танасидаги филтрация оқимининг кучайиши ва суффозиянинг юзага келиши, пастки бьеф дренаж ариқларининг ишдан чиқиши, сув чиқазгич ва ҳалокатли сув ташлагич иншоотлари ва метал конструкцияларнинг таъмирталаб ҳолатга келиши,



иншоотлар темир бетон қисмларида ёриқлар пайдо бўлиб филтрация жараёнларининг кучайиши, назорат-ўлчов асбоблари ва қурилмаларининг қисман ёки бутунлай яроқсиз ҳолатга келиб қолиши каби камчиликлардир. Булардан ташқари, энг асосий муаммо бу ўзанли сув омборлари фойдали сиғимларининг лойқа-чўкиндилар эвазига кескин равишда қисқариб боришидир. Фарғона водийси, Қашқадарё, Самарқанд ва бошқа вилоятларда 15 ортиқ ўзанли сув омборларида ўтказилган дала шароитидаги изланишлар натижаларига кўра лойқа-чўкинди эвазига уларнинг 20-30% фойдали сиғимлари қисқаргани аниқланди ва бу жараён мунтазам равишда давом этмоқда. Шунингдек, ҳар бир ўзанли сув омборларида бир мавсумда юқори бьефда қанча миқдорда сув йиғилиши аниқ эмас. Сув ҳўжалигида ўзаро муносабатларни бозор принципларида ўтказишда ўзанли сув омборлари фойдали сиғимлари, уларда йиғиладиган сув миқдори аниқ бўлиши энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Ўзанли сув омборлари фойдали сиғимларини ҳимоялаш ва хизмат муддатини узайтириш бўйича қуйидаги тадбирлар лойиҳасини тавсия этиш мумкин:

- ўзанли сув омборлари қурилган дарё ва сойларнинг сув йиғиш зоналарида катта ҳажимда ўрмон мелиоратив тадбирларини ўтказиш йўли билан тупроқ ювилишини камайтириш;

- барча ўзанли сув омборлари қисмларида замонавий талабларга жа-

воб берадиган “Гидропостлар” ташкил этиш, уларни жихозлаш ва мунтазам равишда ўзанли сув омборларига кираётган оқимнинг гидравлик параметрларини ва лойқалик даражасини ўлчаб бориш;

- ўзанли сув омборлари юқори бьефларида лойқа чўкиш жараёнларини бошқаришни ташкил этиш, учун ўзанли сув омборлари юқори бьефларида кириш қисмдан сув чиқаргич йўналиши бўйича сунъий ўзан қазилади. Ўзанли сув омборларига кирган лойқа оқим ушбу ўзан бўйлаб ҳаракатланади ва юқори бьеф сув сатҳига боғлиқ равишда ўзан бўйлаб чўқади. Сув тошқинлари ва сел оқимлари ўтиш даврида юқори бьеф сув сатҳи паст белгиларда сақланса, маълум миқдордаги лойқа оқим пастки бьефига чиқариб ташланади. Ўзанли сув омборлари юқори бьефлари сувдан бўшаганда эса дарё ёки сойнинг оқими ёрдамида ўзандаги чўкиндиларнинг катта қисми ювилиб пастки бьефга чиқарилиши мумкин. Ўзанли сув омборлари юқори бьефларида ҳозирги пайтгача юзага келган лойқа-чўкинди ётқизикларини ҳар йили июль-ноябрь ойларида (ўзанли сув омборлари сувдан бўшатилган даврда) қисман тозалаш ишларини ташкил этилиши керак. Ушбу жараёнлар учун механик усул, яъни замонавий бульдозерлар, экскаваторлар, транспорт воситалари ва бошқа машина-механизмлар қўлланиши мумкин. Ўзанли сув омборлари юқори бьефдаги юзага келаётган лойқа-чўкинди ётқизиклари параметрлари ва миқдорлари мунтазам равишда ўлчаб

борилиши керак ва ўзанли сув омборлари иш режими графикларининг ҳақиқий ҳолатлари аниқлашиб турилиши лозим. Сув тошқинлари ва сел оқимлари ўтиш даврида барча гидротехник иншоотлар ва назорат-ўлчов асбобларининг нормал, ишончли ишлашлари таъминланиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида қайд қилинган тадбирлар ўз вақтида ва самарали ўтказилса, ўзанли сув омборларидан техник-иқтисодий жиҳатдан самарали фойдаланишга ва уларнинг хизмат муддатларининг узайишига эришилади. Асосий масала мазкур объектларнинг топографик, гидрологик, гидравлик, гидротехник режимлари ва эксплуатация шароитларини инobatга олган ҳолда уларнинг юқори бьефларида тушадиган лойқа оқим тарқалиши, чўкишини бошқариш ва маълум бир қисмини пастки бьефларга ўтказиб юборишга мўлжалланган конструктив технологик тадбирлар ишлаб чиқиши бугунги кундаги долзарб инженерлик ечимлари ҳисобланади.

**Гулноза БЕКМАМАДОВА,**

*Тошкент архитектура қурилиш институти муҳандислик қурилиш инфраструктураси факультети Инженерлик коммуникацияларини лойиҳалаш қуриш ва ишлатиш кафедраси катта ўқитувчиси,*  
**Умиджон САДИЕВ, PhD,**  
*Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти.*

#### Адабиётлар:

1. Г.А.Бекмамадова., Д.Э.Маҳмудова: Каттақўрғон сув омбори гидрологик режими «Агро илм» журналы, 5-сон, 2016 йил.
2. Г.А.Бекмамадова Вопросы рационального использования водохранилищ, эксплуатируемых в ирригационном и энергетическом режимах. Экономика строительного комплекса и городского хозяйства. Материалы международной научно-практической конференции. МИНСК, 3-6 декабря БНТУ, 2019 год. Ст 20-25.
3. Г.А.Бекмамадова. Чимқўрғон сув омборидаги лойқа оқизикларнинг ботометрик ўлчов натижаларини таҳлил қилиш. “Архитектура қурилиш, дизайн” илмий-амалий журналы 2019 йил, 2- сони.

УЎТ: 338.004

ТАДҚИҚОТ

## БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТ ОМИЛИ СИФАТИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

This article highlights the importance and objective necessity of the digital technologies usage in ensuring economic sustainability. The features and advantages of using digital technologies in the economy are given.

В данной статье подчеркивается важность и объективная необходимость использования цифровых технологий в обеспечении экономической устойчивости. Приведены особенности и преимущества использования цифровых технологий в экономике.

Глобаллашув ҳамда ахборот асри дея таърифланаётган ҳозирги даврда рақамли технологиялар тараққиётга эришишнинг муҳим омилларидан бирига айланди ва рақамли иқтисодиётни ривож-

лантириш объектив зарурият касб этиб бормоқда. Илмий адабиётларда рақамли иқтисодиёт тушунчасига турлича таъриф ва талқинлар келтирилган ҳамда барқарор иқтисодиётни ривожлантиришда рақамли

технологиялардан фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти илмий асосланган.

Академик С.С.Фуломов рақамли иқтисодиётга — ахборот, жумладан, шахсий ахборотдан фойдаланиш ҳисобига барча қатнашчиларнинг эҳтиёжларини максимал даражада қондириш унинг ўзига хос хусусияти бўлгани иқтисодиётдир, дея таъриф келтирган.

Иқтисод фанлари доктори Д.В.Расулованинг таъкидлашича, рақамли иқтисодиёт — бу маълумотларни ишлаб чиқариш, қайта сақлаш, узатиш ва рақамли компьютер технологиялари бўйича янги усулларга асосланган иқтисодиётдир.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда, рақамли иқтисодиётни қуйидагича ифодалаш мумкин: “Рақамли иқтисодиёт тараққиётнинг замонавий, янги босқичи бўлиб, у ижодий меҳнат ва ахборот маҳсулларининг устувор ўрни билан тавсифланади”.

Бугунги кунда жаҳон мамлакатларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Хориж тажрибаси рақамли технологиялардан фойдаланиш барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг самарали воситаларидан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Дунё мамлакатларидан Норвегия, Швеция ва Швейцария рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича етакчи мамлакатлар ҳисобланади. АҚШ ялпи ички маҳсулотида рақамли иқтисодиётнинг улуши 10,9%, Хитойда 10%, Ҳиндистонда 5,5%, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида мазкур кўрсаткич 2% ни ташкил этмоқда (1-расм).



**1-расм.** Рақамли иқтисодиётнинг жаҳон мамлакатлари ялпи ички маҳсулотидаги улуши, фоизда

Мамлакатимизда 2020-йилнинг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилинганлиги ҳам иқтисодиётда инновацион ва рақамли технологиялардан фойдаланишни жадаллаштиришда асос бўлиб измат қилади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда”.

Иқтисодиётда рақамли технологиялардан фойдаланиш қуйидаги афзалликларга эга:

Иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириб, иқтисодий ўсишга сезиларли ҳисса қўшади;

Меҳнат унумдорлигини ошириб, тегишли тармоқларда иш ўринлари сони ошишига олиб келади;

Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириб, кичик бизнес ривожини таъминлайди;

Ижтимоий тенгсизликка барҳам бериб, таълим, тиббиёт ва бошқа ижтимоий хизматларни сифат жиҳатдан яхшилайди.

Рақамли иқтисодиёт аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириб, яширин иқтисодиёт ва коррупциянинг кушандаси бўлиб ҳисобланади. Чунки рақамли технологиялар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади.

Рақамли иқтисодиётнинг асосий натижаси — мавжуд бизнес моделларини ўзгартириш, маҳсулотни яратиш, уни сотиш ва хизматлар кўрсатишда воситачиларнинг ролини камайтиришдир. Мазкур натижалар эса бизнес юритиш муваффақиятини таъминлаб, замонавий ҳамда юқори нафлилиikka эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ёрдам беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда рақамли иқтисодиётнинг айрим элементлари аллақачон муваффақият билан ишламоқда. Давлат органлари ва бошқа ташкилотларда электрон ҳужжат алмашинуви ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш учун электрон тижорат тизимлари босқичма-босқич жорий этилмоқда. Давлат бошқаруви иш унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш, фуқароларга юқори даражадаги давлат интерактив хизматлари кўрсатиш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун мақбул муҳит яратиш мақсадида “Электрон ҳукумат” тизими жорий этилган ва самарали фаолият олиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “Электрон ҳукумат” тизимининг такомиллаштирилиши мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашга катта ҳисса қўшди, кўплаб хизматларни камхаражатлилик билан тақдим этмоқда, ташкилотлар ва фуқароларга қулайликлар яратилмоқда ҳамда бюджет харажатларининг камайишига сабаб бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ҳамда технологик ривожланиш шароитида замонавий иқтисодиётни модернизациялашнинг асосий йўналиши бўлган рақамли технологиялардан фойдаланиш макроиқтисодий барқарорликни таъминлаб, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мезонидир. Зеро, барқарор иқтисодий ривожланишни рақамли иқтисодиётнинг жадал ўсишисиз тасаввур қилиш қийин.

**Мавлуда ТАИРОВА,**

*“Иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н.,*

**Аслиддин АБДУЛЛОЕВ,**

*“Иқтисодиёт” кафедраси мудири, PhD,*

**Азиза УСМАНОВА,**

*“Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси, ( БухДУ).*

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/3324>
2. Фуломов С.С. ва бошқалар. Рақамли иқтисодийта блокчейн технологиялар. Ўқув қўлланмаси. Т.: “Иқтисод ва молия”. 2019. 447 б.
3. Расулова Д.В. Рақамли иқтисодийта ўтиш бугунги кун талаби. “Рақамли иқтисодийта: Янги Ўзбекистонни янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари орқали ривожлантиришнинг янги босқичи” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Т.:2020, 26- февраль.
4. Мустафоқулов Ш.И. “Энди Ўзбекистонда тараққиёт формуласи рақамли бўлади”. “Халқ сўзи”. 2020 йил 25 январь. №40.

#### ТАДҚИҚОТ

**Стратегик бошқарув ҳисобини хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилишга микромуҳит ва макромуҳит омиллари сезиларли таъсир кўрсатади.**

## СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР

**The article analyzes the factors that influence strategic management accounting. Based on the results of the research, it is scientifically justified that strategic management accounting is one of the components that form the strategic account, and the form of accounting that is the basis of management accounting.**

Макромуҳит даражасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига энг аввало давлатнинг иқтисодий ислохотлари бевосита таъсир қилади. Эътироф этиш керакки, давлат ана шу жараёнга иқтисодий, сиёсий омиллар таъсирида озиқ-овқат ишлаб чиқариши, таннархнинг белгиланиши, баҳо механизмлари ҳамда солиқ сиёсати, шунингдек субсидия ва дотациялардан фойдаланган ҳолда таъсир этади. Фикримизни оддийроқ ифодалайдиган бўлсак, давлат манфаатдор бўлган соҳалар ва фаолият йўналишларини янада ривожлантириш ана шу механизмлар орқали рағбатлантиради, бошқа соҳаларни эса (монополия) тартибга солади, қонунчилик меъёрларига риоя этмаганларга нисбатан эса тегишли чораларни қўллайди. Ана шу иқтисодий ва сиёсий омиллар хўжалик юритувчи субъект доирасида ташқи макромуҳит мониторинги тизимининг яратилиши заруриятини келтириб чиқаради, жумладан, ушбу омиллар стратегик бошқарув ҳисобининг бевосита объектлари бўлиши ва шунга мувофиқ батафсил таҳлил этилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Республикамиз аҳолисининг 65 фоизи истиқомат қиладиган қишлоқ хўжалигида ер асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади, шунинг учун биринчидан, ҳисоб таҳлил тизимида асосий воситалар объектлари каби ер ҳисобини юритиш, мониторинг тизимида ер кадастри ва бонитети ҳисоби, уларнинг бозор нархи ҳақидаги ахборотларни шакллантириш зарур, иккинчидан, ердан фойдаланишнинг самарадорлигини, шу жумладан, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлик каби кўрсаткичлар таҳлилин ташкил этиш керак. Ўз навбатида ер участкаларининг бозор нархиға инфляция даражаси, аҳолининг ҳаёт даражаси, сотиб олиш имконияти каби иқтисодий омиллар таъсир этади. Шунингдек, қишлоқ хўжалик субъектларига ҳуқуқий омиллар жиддий таъсир кўрсатади. Бундай омиллар қаторига солиқ тартиби ва унинг ўзгариши, хўжалик

юритувчи субъектлар фаолиятини тартибга солиб турувчи устама ҳамда меъёрий актларни киритиш керак. Ҳукумат солиқ тизимидаги режалаштирилаётган ўзгаришлар ҳақида маълумот беради ва хўжалик юритувчи субъект режалаштирилаётган ўзгаришлар унинг молиявий аҳволига таъсир қилишини баҳолаши керак.

Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш борасидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга, атроф муҳитни ифлослантириш меъёрларига, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича талабларга амал қилишни кўзда тутувчи экологик омиллар муҳим аҳамият касб этади. Хўжалик юритувчи субъектларда экологик сиёсат атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатишини камайтиришга қаратилган бўлиши, шунингдек, янги замонавий ва хавфсиз технологияга ўтиш ҳисобига экологик аҳволини максимал даражада яхшилашга қаратилганлари рағбатлантирилиши керак.

Ташқи макромуҳит омиллари орасида технологик омилларнинг роли аҳамиятлидир. Ана шу омиллар ҳақидаги маълумотларни тўплашда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида акс этадиган технологиялардаги мумкин бўлган ўзгаришлар ўрганилади. Ушбу ўзгаришлар хўжалик юритувчи субъект учун фаолиятдаги қўшимча имкониятлар ёки маълум чегараланишларни яратиши мумкин. Ихтиёрий хўжалик юритувчи субъект ўз вақтида ўзгараётган технологияларга кўникиши ва технологик ўзгаришларга мослашиши лозим. Технология хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида муҳим рол ўйнайди ва критик омиллардан бири сифатида намоён бўлади. Технологияларни татбиқ қилиш кўп ҳолларда инновацион фаолият билан чамбарчас боғлиқ. Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволи ва унинг стратегиясининг муваффақиятли амалга оширилиши бизнес-жараёнининг асоси бўлган ва кўпинча ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини аниқлайдиган маълум технологияларни тан-



лашга боғлиқ, Дж. Генри таъкидлашича "... технология бу – таннархни оширадиган ва ўз мижозлари талабларини қондириш учун компанияларга манбалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятини берадиган активлар кўринишидир".

Хўжалик юритувчи субъектлардаги тирик организмлар ишлаб чиқариш воситалари сифатида намоён бўлади, шу сабабли ишлаб чиқариш иқтисодий жараёни тирик организмларнинг табиий ривожланиш жараёни билан узвий боғланади. Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб таҳлил тизими доирасида қуйидаги йўналишлар бўйича олиб бориладиган биологик активлар таҳлилини қўллаш лозим: харажатлар таҳлили, ҳақиқий қиймат баҳоси, биологик активлар тузилмаси таҳлили, биологик активлар таннархи динамикаси таҳлили, биологик активлар маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми таҳлили, биологик активларнинг рентабеллик даражаси, етиштириш ва озиклантиришга мўлжалланган 1 центнер тирик ҳайвонлар оғирлиги таннархи баҳоси ва шу кабилар. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини баҳолаш учун характерли бўлган махсус кўрсаткичлар биологик активлар таҳлилида ҳам фойдаланилади. Бундай кўрсаткичлар қаторига масалан, ҳосилдорлик, таннарх, чорвачилик унумдорлиги, ҳайвонларнинг кўпайиши ва ўсиши, ўлими ва ҳоказолар киритилади. Таҳлил жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режалаштиришга бўлган ёндашувни ифодалайдиган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот даражасини баҳолаш доимий жараёнини тақозо этадиган, олинган билимларни ишлатиш ва ўз хўжалик юритувчи субъект фаолиятини такомиллаштириш мақсадида бошқа хўжалик юритувчи субъектлардаги хўжалик фаолияти ижобий малака ва амалиётни баҳолаш имкониятини берадиган бенчмаркингдан фойдаланиш зарур.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш улкан майдонларда амалга оширилади ва турли иқлим зоналар бўйича тарқалган. Ушбу хусусият макромухит омиллари мониторинг тизимида ҳисобга олинган бўлиши мумкин. Хусусан, қишлоқ хўжалиги субъектининг молиявий прогноз ҳисоботи шакллантирилишида, ўзгарган шароитларга нисбатан танланган стратегия мослашуви мақсадида макромухит ташқи омиллари ўзгаришлари натижасидаги унинг таҳрирланишида ҳисобга олиш мумкин. Ушбу ҳолатда табиий иқлим шароити муҳим омиллардан бири бўлган жисмоний омиллар таҳлили зарур. Иқлим ўзгаришлари экин, ҳосилдорликка таъсир ўтказиши мумкин, натижада озик-овқат бозорида дефицит ёки ортиқликни келтириб чиқариши мумкин ҳамда қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат маҳсулотлари нархларида ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкин.

Қишлоқ хўжалик озик-овқат маҳсулотлари баҳолари жиддий ўзгаришларга мойил. Баҳоларга иқлим шароитлари каби дунё иқтисодий цикллари ўзгаришлари билан боғлиқ талабларнинг муҳим ўзгаришлари ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат даври маҳсулот ишлаб чиқариш даврига мос келмайди. Бу ҳолат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мавсумий бўлишига боғлиқ ва улар ишлаб чиқариш хўжалик юритувчи субъектига, техник воситалар билан самарали ишлашга, меҳнат ресурсларига, хуллас, умумий қилиб айтганда, соҳаларнинг самарадорлигига сезиларли даражада таъсир қилади. Саноатга қараганда қишлоқ хўжалигида деярли бир хил табиий-иқлим шароитларида ишлаб чиқариш фаолиятини олиб борадиган бир типдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг кўпчилиги туфайли хўжаликлараро қиёсий таҳлилни татбиқ қилиш керак.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кейинги жараёнларда, яъни ишлаб чиқариш воситалари: уруғ, ем, органик ўғит ва бошқалар сифатида ўз мақсадларида фойдаланишда қатнашади. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситалари сифатида уруғ ва экин материаллари, ем, шунингдек, чорвачиликнинг аксарият қисми поданинг тикланиши ва кенгайтирилишида фойдаланилади. Бунинг барчаси ташқи ва ички омиллар асосида ишлаб чиқаришга мўлжалланган объект ва иншоотлар қурилиши учун кўшимча моддий ресурсларга бўлган талабни аниқлаш ва асослаш имкониятини беради. Бундай асосланишнинг услубий стратегик таҳлилни жалб қилган ҳолда стратегик бошқарув ҳисоби ахборотлари асосида ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот жараёнида биз қишлоқ хўжалиги субъектларида қўлланилиши мумкин бўлган стратегик бошқарув ҳисобини ташкил этишга бўлган турли ёндашувларни ўрганиб чиқдик. Муайян вариантнинг танлови ҳисоб – таҳлил тизимининг таркибига боғлиқлиги аниқланди. Айнан шу жараён стратегик бошқарув ҳисобихўжалик юритувчи субъектларга бўлган ёндашувлар аниқ турланиши ва фарқланиши мумкинлигини очиб беради.

Шундай қилиб, стратегик бошқарув ҳисоби стратегик ҳисобни ташкил этувчи қисмлардан бири сифатида ва бошқарув ҳисобининг асоси бўлган ҳисоб кўриниши сифатида кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳисобнинг ушбу кўриниши молиявий ҳисобни юритишда объектив сабабларга кўра вужудга келадиган камчиликларни бартараф этиш ва ташқи муҳит омилларини инobatта олиш имкониятини беради.

**Умиджон КОСТАЕВ,**

*«Навоий КМК» давлат корхонаси  
режа-иқтисод бўлими бошлиғи.*

#### Адабиётлар

1. Попова Л.В., Головина Т.А., Маслова И.А. Современный управленческий анализ. - М.: Дело и Сервис, 2006. – 272 с.
2. Райан Б. Стратегический учет для руководителя: пер. с англ. / Под ред. В.А. Микрюкова. - М.: Аудит, ЮНИТИ, 1998. – 616 с.
3. Фатхутдинов Р. А., Управление конкурентностью организации. - М.: Изд-во Эксмо, 2004. – 544 с.



# - ЯШАСИН ИХЧАМ ТҮЙЛАР -



## Тўёна шаклидаги пора

Барча вилоятларда ўз ташилотларига эга катта бир идоранинг бошлиги эрталабки ош пайтида тушган тўёналарни унинг орқасида турган ҳолда рўйхатга олишни ходимлар бўлими бошлигига “ишониб” топширибди. Конвертлар тўйбошининг қўлидан дарҳол унга ўтяпти. У конверт устига Эшмат, Тошмат деб ёзпти. Идорадаги бошқарма бошлиқлари, вилоятлардаги ташилотлар раҳбарлари, бу идорага иши тушиб турадиган турли-туман корхоналар бошлиқлари унинг қўлига очикдан-очик конверт “қистириб” ўтмоқдалар. Ҳеч ким на ташишилланяпти ва на хижолат тортяпти. Чунки бошқа пайтда берилса пора бўлади, ошда эса – тўёна.

Бу энди кечаги гап. Бугуннинг гапи: яшасин ихчам тўйлар!

## Навбатнинг навбатдаги ечим

Инсоният навбатда туриши муаммосига ечим топганга ўхшайди. Навбатлар сони ва узунлиги камайиб қолди, деб ўйлаясизми? Йўқ, унақа эмас. Одамлар шунчаки қўл телефонидаги турли-туман ўйинлар билан андармон бўлиб, вақт ўтганини билмай қоляпти, холос.

## Оддийлик фалсафаси

Қисса: Бир боланинг ҳовучлаб сув ичаётганини кўрган файласуф Диоген халтасидан тиёласини олди-да: “Бола оддийлик бобида мендан ҳам ўзиб кетди”, – деб ташлаб юборди.

Қиссадан ҳисса: Оддийлик инсонни мукамалликка элтувчи муҳим фазилатлардан биридир. Лекин шунга эрта тутмоқ лозимки, ҳаётда оддийликка эришиши, уни бирдай ушлаб туриши оддий иш эмас.

## Шогирдга ўғит

Устозингизга ёқиш йўлларини қидирманг. Ҳар хил баҳоналарни рўқач қилавермай, ўқинг, ўрганг – билимингизни тинмай оширинг, берилган мавзу бўйича тадқиқотларни изчиллик билан олиб боринг, топшириқларни вақтидан олдинроқ бажариб қўйинг... ва устозимга ёқдим деяверинг.

### ТОТУВЛИК ШАРТИ

Аёлда – сир-синоат, эркада – сабр-каноат.

### ИШОНЧЛИ ЙЎЛ

Аёл билан тортишувда ғалаба қилишни истайсизми? ...  
Унда тортишмай кўяқолинг.

### ШИКОЯТГА ЎРИН ЙЎҚ

Агар сиз дўхтирга хотирангиз пастлигидан шикоят қилган бўлсангиз-у,  
Лекин ўша кун эсингизда турган бўлса,  
хотирангиздан нолиманг.

### ҲАММОЛНИНГ МАҲОРАТИ

Рояль ва пианино ўртасидаги фарқ  
музикачи ҳамда тор созловчига яхши маълум.  
Оддий ҳаммол эса уларданда яхши билади.

### ОХИРИ ВОЙ

Катта пул ва дур-гавҳар бошида кўзни камаштиради,  
охирида кўр қилади.

### АҚИДА

“Пул – қўлнинг кири” деган ақидага кўр-кўрона амал қилувчилар,  
Қўлларини совунлаб ювишга шошилмайдилар.

### САВОЛ

Одам аккумулятор эмас-ку,  
нимага ундан “минус” ва “плюс”ларни қидиришади.

### “ҲУШЁР” БОШЛИҚ МУРОЖААТИ

Мувозанат сақланг! Фикрларингиз бизникидан ўтиб кетмасин.

### РОСТ ВА ЁЛҒОН

Рост борича айтилаверади, ёлғонни ёдлаш керак.

### ЧОРА

Ишингиз юришмаётган бўлса, қилмаган ишингизни қилиб кўринг.  
Масалан, тиришқоқлик билан ишлашни бошлаб юборинг.

**Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,**  
профессор.

# ЎЗБЕКИСТОН QISHLOQ VA SUV ХО‘ЖАЛИГИ

АГРАР-ИҚТИСОДИЙ,  
ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

## МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАРИ

## Бош муҳаррир:

Тоҳир ДОЛИЕВ

## Таҳрир хайъати:

Аброр ВАХАБОВ  
Жамшид ХОДЖАЕВ  
Шавкат ХАМРАЕВ  
Шухрат ТЕШАЕВ  
Баҳодир РЎЗИБОЕВ  
Баҳодир ТОЖИЕВ  
Равшан МАМУТОВ  
Абдушукур АБДУЛЛАЕВ  
Баҳром НОРҚОБИЛОВ  
Низомиддин БАКИРОВ  
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ  
Ўктам УМУРЗОҚОВ  
Алишер МАҚСУДОВ  
Мурат САЛИХОВ  
Равшанбек СИДДИҚОВ  
Мирзиёд МИРСАИДОВ  
Бахтиёр КАРИМОВ  
Ибрагим ЭРГАШЕВ  
Мурод АШУРОВ

2020 йил,  
№4. Апрель

Журнал 1922 йил  
октябрдан чиқа бошлаган.

Обуна индекси:  
якка обуначилар учун – 894  
ташкilotлар учун – 895

## МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида.....	1
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида.....	3
Т.ДОЛИЕВ. Ҳаёт давом этмокда.....	5
Ш.АБДУАЛИМОВ, Ф.ҲАСАНОВА, Б.НИЯЗАЛИЕВ. Чигит экиш – муҳим тадбир... 6	6
М.ТОШБОЛТАЕВ, А.ҚОРАХОНОВ, А.ИБРАГИМОВ. Кенглиги 76 см бўлган ғўза қатор ораларига ишлов берадиган культиваторни ишлатиш тартиби.....	7
Р.СИДДИҚОВ, Т.РАХИМОВ. Далаларда элнинг ризқ-рўзи.....	8
Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Сабзавотчиликда апрел ойи юмушлари.....	9
С.АЛИҚУЛОВ. Суғорма дехқончилик шароитида агрегатлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.....	11
Қ.ЯВҚОШТИЕВ. Шотут ва Балхи тутзорларни барпо қилиш.....	12
Топширик ва вазифалар бажарилмокда.....	13
Э.ШЕРМАТОВ. Сув хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шерикликни жорий этиш ва уни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий жиҳатлари.....	14
Бешта муҳим ташаббус кенг қулоч ёймокда.....	15
Ш.СУЮНОВ. Испания сув хўжалиги.....	16
К.ЭРГАШЕВ. Сув – ҳаёт манбаи.....	18
Навоийда ёш сувчилар боғи барпо этилди.....	19
Х.КАРИМОВ. Ер ва сувнинг эгаси бор.....	20
Ш.ЖАББАРОВА. Кластер билан ҳамкорлик.....	21
Янгиликга интилган фермер.....	22
Тадбиркор – элга мададкор.....	23
Ш.НОРМУРОДОВ. Чўпонлар нега кўзойнак тақмайди?.....	24
В.АВТОНОМОВ, А.ҚУРБОНОВ, Ж.ШАДМАНОВ, И.КАРАБАЕВ. Чигитта ультрабинафша нур билан ишлов бериш самарадорлиги.....	25
Х.А.ЛЛАНОВ, О.СОТТОРОВ. Агротехник омилларнинг ингичка толали ғўза навларининг бир донга кўсақдаги пахта вазиғи таъсири.....	26
Б.ЭРГАШЕВ, П.ИБРАГИМОВ, С.ЭРГАШЕВА. F <sub>3</sub> мутантлараро дурагайларнинг вегетация даври ва унинг асосий омиллари шаклланиши.....	28
О.УТАМБЕТОВ, Б.БЕКБАНОВ. Шимолий минтақаларда соя навларини синаш.....	29
А.ИМИНОВ, А.ҚУРБОНОВ, Д.УСМОНОВА. Ловия (фасоль) ни асосий ва такрорий экин сифатида етиштириш агротехникаси.....	30
Ш.АХМЕДОВ. Мевали ва манзарали дарахтлардан ташкил этилган ихота ўрмонзорларининг самараси.....	31
Н.УСМОНОВ, Т.ОСТОНАҚУЛОВ. Картошка ҳосилдорлиги, уруғбоп туганақлар чикими ва кўпайиш коэффициентининг сидератларга боғлиқлиги.....	32
С.САДИҚОВА. Аччиқ қалампирнинг альтернариоз касаллиғига қарши фунгицидларнинг биологик самарадорлиги.....	33
С.САТТОРОВ, Х.ИМОМОВ. Бухоро зот типигаги кўчкорлар авлодида сур ранги ва рангбаранглигининг ифодаланиши.....	34
А.АВЛИЯКУЛОВ. Қишлоқ хўжалигида инновациялар: туяқушчилик.....	35
Ҳ.ОЛИМОВ, Ш.ОСТОНОВ, Д.АШИРОВ. Фермерлар меҳнатини осонлаштириш йўлида.....	36
А.ИСМАИЛОВА. Отрицательное влияние солей пылевых аэрозолей на плодородия почвы.....	38
У.САДИЕВ. Йирик магистрал каналлар фильтрациясини ҳисоблашда фильтрацион қаршиликлар усулини такомиллаштириш.....	39
Б.ХОЛМУРЗАЕВ, К.МЎМИНОВ. Эрозияга учраган ерларда такрорий экинлар илдиз ва анғиз қолдиқларининг тупроқдаги озик моддалар миқдорига таъсири.....	40
Г.БЕКМАМАДОВА, У.САДИЕВ. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган сув омборларидан оқилана фойдаланишнинг аҳамияти.....	42
М.ТАИРОВА, А.АБДУЛЛОЕВ, А.УСМАНОВА. Барқарор иқтисодиёт омилли сифатида рақамли технологиялардан фойдаланиш.....	43
У.КОСТАЕВ. Стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишга таъсир кўрсатувчи омиллар.....	45
М.ТОШБОЛТАЕВ. Яшасин ихчам тўйлар.....	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2019 йил 10 январда 0158-рақам билан қайта рўйхатга олинган.

Манзилмиз: 100004, Тошкент ш.,  
Шайхонтохур т., А. Навоий к., 44-уй.  
Тел: +998 71-242-13-54,  
+998 71-242-13-24.

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Журнал 2020 йил 6 апрелда таҳририят веб сайтларига жойлаштирилди.

Журналнинг веб сайтлари:

Web sayt: [www.qxjurnal.uz](http://www.qxjurnal.uz)

Telegram: [qxjurnal\\_uz](https://t.me/qxjurnal_uz)


E-mail: [uzqx\\_jurnal@mail.ru](mailto:uzqx_jurnal@mail.ru)

Навбатчи муҳаррир: Б.ЭСОНОВ  
Дизайнер: Н.БОЛТАЕВА,  
У.МАМАЖОНОВ





**Polimer  
Galantery**



# POLIMER GALANTERY

**Надёжная полимерная продукция от производителя**

**ПЛЁНКА ПОЛИЭТИЛЕНОВАЯ:**

- ГИДРОИЗОЛЯЦИОННАЯ
- ПАРНИКОВАЯ 3-Х ГОДИЧНОГО СРОКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
- ТЕРМОУСАДОЧНАЯ УПАКОВОЧНАЯ
- ТРЁХСЛОЙНАЯ
- МЕШКИ И ПАКЕТЫ



Адрес: г. Ташкент,  
Алмазарский район,  
улица Янги Олмазор 51.

 **(+998) 94-638-33-33**

 **(+998) 95-142-31-19**

 **(+998) 97-342-50-08**

 [polimergalantery@mail.ru](mailto:polimergalantery@mail.ru)

 [www.polimergalantery.uz](http://www.polimergalantery.uz)



# Perkins®

THE HEART OF EVERY GREAT MACHINE

Реклама

**ПЕРКИНС (PERKINS) 15W-40 дизел мойи**  
Қишлоқ хўжалиги техникалари, юк машиналарига ҳамда барча турдаги дизель моторлар учун мўлжалланган экологик тоза ва EURO-IV, EURO-III, EURO-II халқаро стандарт ва нормаларга жавоб берадиган 15W-40 дизель мойи. 20 литрли елим идишларда қадоқланган. Ишлаб чиқарувчи корхона - Perkins Engines Company Limited (Британия). Барча мувофиқлик сертификатлари бор. Ишлаб чиқарувчи давлат – Нидерландия. Техникангиз сифатли ва узок муддат ишлашини истасангиз, биз билан ҳамкорлик қилинг.



Мурожаат учун манзил:  
Тошкент шаҳри, Сирғали тумани,  
ТҲАЙ кўчаси, 107-уй.

“AGRI IMPORT TRADE” ХК

Тел.: +99890 188-99-59

Тел.: +99890 176-21-54

E-mail: [atkham@yandex.ru](mailto:atkham@yandex.ru)

Skype: atkham74 WeChat: atkham74

<https://agritrade.uz>